


10-39293

3

Мухаммадҷон Махмуз



ЯНА  
НАВОЙНИ  
ЎҚИБ



МУҲАММАДЖОН МАҲМУД

# ЯНА НАВОЙНИ ҶҶИБ

*Навойшуносликда ёр муаммоси*

УДК 821.512.133  
83.3 (5Ў)6  
М 32  
ББК 83.3 (5Ў)6

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг  
20 йиллигига бағишланади

*Қўбди ён муносили*

*Масъул муҳаррир:*

**Ҳамиджон Ҳомидий**, филология фанлари доктори, профессор

*Тақризчилар:*


**Алибек Рустамий**, филология фанлари доктори, профессор;  
**Султонмурод Олим**, филология фанлари номзоди

Маҳмуд, Муҳаммаджон.

Яна Навоийни ўқиб/ Муҳаммаджон Маҳмуд. – Т.: Фафур Фулом  
номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – 120 б.

Буюк муршид, заҳматкаш муаллим Алишер Навоий бутун ҳаёти ва  
ижодини Хуросонда иллатлардан пок, етук давлат ва жамият қуришдек  
жуда улуғ ишга бағишлади ҳамда уни Ҳусайн Бойқаро ва маърифат  
аҳли кўмагида шараф билан амалга оширди. Муаллиф ушбу рисоласида  
мазкур мавзуда атрофлича сўз юритиб, Сиз билан баҳсга киришади.

Рисола нафақат илму фан аҳли, балки шоир ҳаёти ва ижодига  
қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.



10-39293  
30

ББК 83.3 (5Ў)6

© Муҳаммаджон Маҳмуд,  
Фафур Фулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2011 й.

ISBN N 978-9943-03-397-9

## ИШТИЁҚИ ЁР

Муҳаммаджон Маҳмуд домла — ўзбек навоийшуносларининг ўтган аср бошларида шаклланган улуғ вакилларида таҳсил олган, уларга шогирд тушган, қарийб бир асрлик адабий жараёнларга гувоҳ улуғ ёшли олимларимиздан. Шунинг учун бу тадқиқотчининг ёзганлари унча-мунча адабиётшуноснинг илмий асарларига ўхшамайди. Чунки бу олимда шўро мафқураси таъсиридан олдинги давр илмларининг ҳам ҳосиласини кўраимиз.

«Яна Навоийни ўқиб» рисоласида шоир асарларида бош масала бўлиб келаётган ёр тимсоли талқинлари асосий йўналишга айланган. Муаллиф ёр деганида, аввало муршид Навоийни, сўнгра унинг фарзанд мақомидаги халифаю мусоҳибларини назарда тутди. Рисолада Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг янги давлат ва жамият қуришдаги хизматлари ҳаққоний ёритилган. Тўғри, мустақиллик арафасида ва истиқлол йилларида Навоий лирикаси ва лиро-эпик ижодидаги ёр тимсолининг рамзан Аллоҳни англатиши, ишқ деганда буюк қалам соҳиби бир жинс вакилининг иккинчи жинс вакилига муҳаббатидан ташқари маънолари ҳам борлиги қисман ёритилди.

Бироқ ҳеч ким ҳали ёр тимсоли, аввало, дўст, биродар, яқин киши эканини, Навоий асарларидаги мисолларда айнан қайси тарихий шахслар кўзда тутилганини махсус тадқиқ этгани йўқ. Китобнинг бир ютуғи шуки, муаллиф унда шоир асарларидан эринмай мисол келтиради. Бундан ҳам аҳамиятли томони эса, бу мисолларнинг таҳлил этилгани, уларнинг тадқиқотчи олдига қўйган мақсадларга бўйсундирилгани.

Баҳонада рисолада Навоийнинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ кўп янги ва қизиқарли маълумотлар илгари сурилган.

**Султонмурод ОЛИМ.**

*филология фанлари номзоди*

---

Барча олижаноб ишларимизда  
Навойий ғоялари, Навойий ибратини,  
Навойий руҳи бизга ҳаминша ҳамроҳ бўлсин!

*Ислом Каримов*

## ЭНГ ҚИЙИН, ЖУДА МУРАККАБ МАСАЛА

Алишер Навойий девонларини «Хазойин ул-маоний», яъни «Маънолар хазинаси» деб атаганида, уларда жуда қимматли фалсафий-сўфийна, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-эстетик фикрлар, ғоялар яширинганига ишора қилади. Шоир уларни бевосита ўз тилидан, баъзан меҳрибон ёр. буюк мутафаккир муршид тимсоли орқали мадҳ этади, улуғлайди.

Ёр тимсоли узоқ замонлардан бўён баҳсу мунозараларга сабаб бўлиб келаётган, бироқ ҳозиргача ўз счминини топмаган масалалардандир. Айрим адабиётшунослар Аллоҳни «ёр» деб аташ собиқ шўро мафкурасига зидлиги боис уни «маъшуқа» деб талқин этдилар. Алишер Навойий меросининг йирик тадқиқотчиси, академик В.Зоҳидов ёрни маҳбуб деб атайди ва энг яхши сифату фазилатларга эга одамлар деб таърифлайди. Муаммонинг қийин ва мураккаблиги ҳақида олим: «...севги, маҳбуб масаласи Навойий дунёқарашининг, ижодининг энг қийин, жуда мураккаб масалаларидандир», деб ёзади (В.Зоҳидов. «Улуғ шоир ижодининг қалби». 1970, 152-б). Султонмурод Олим ёрни «Ишқ, ошиқ ва маъшуқ» (1992 й.) рисоласида «маъшуқ» деб атайди.

Айрим адабиётшунослар муршид Навойий ва унинг халифаю мусоҳибларини собиқ мафкурага тўғри келмаганидан ошиқ йигит ва маъшуқа қиз тарзида талқин қилдилар. Бироқ, уларнинг баъзилари кечикиб бўлса-да, ўз ҳатоларини тушуна бошлади. Н.Маллаев «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигининг 3-нашрида (1976 й.) Навойий лирикаси ҳақида баҳс юритар экан, ошиқ йигит ва маъшуқа қизни умуман тилга олмайди. Ё.Исҳоқов «Алишер Навойийнинг илк лирикаси» (1965 й.) асарида ёрни маъшуқа, деб атаган бўлса, «Навойий поэтикаси» (1983 й.) китобида уни кенг маънода «дўст», «ўртоқ», «ҳамдам», «биролар», тор маънода «маъшуқа» деб изоҳлайди ва шоирнинг:

Икки ёр эрди манга номсхрибону меҳрибон,  
Меҳрибон борди, қолиб номсхрибон дарду гами. —

байтидан далил келтириб, ўз фикрига шундай хулоса ясади: «Юқоридаги ғазалларда шоир икки ёри ҳақида гапирган. Шу ўринда «ёр» сўзини тор (маъшуқа) маънода тушуниш Навоий бир вақтнинг ўзида икки кишини севган, деган сохта хулоса чиқаришга олиб келган бўлур эди ва ўз-ўзидан пок эътиқодли гуманист шоирнинг юксак идеалларига қарама-қарши келган бўлур эди».

Бир жилдлик «Навоий асарлари луғати»да ёр тимсоли мафкурага тўғри келмагани боис луғатда қайд этилмайди. Тўрт жилдлик «Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» муаллифлари ёрнинг кенг ва тор маънолари мавжуд, деб ёрнинг кенг маъносини дўст, ҳамроҳ, дея талқин этадилар. Бироқ, уларнинг тариқатдаги дўсту ҳамроҳлар эканликларини мавжуд мафкура таъсирида изоҳламай, ёрнинг тор маъносини маҳбуба, деб шоирнинг қуйидаги рубоийсидан биринчи байтини далил келтирадилар:

То пайки сабо<sup>1</sup> кетурди ёрим хабарин,  
Шарҳ айлади сарви гулъузорим<sup>2</sup> хабарин.  
Билмас кўнгул эмди жони зорим хабарин,  
Ким пайк кетурди шаҳсуворим хабарин.

Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, адабиётшуносликда айрим бадиий тасвир воситаларини нотўғри қўллаш ҳоллари учрайди. Аслида мумтоз шеърятимизда тасвир воситаларининг бир тури фақат эркақларга, иккинчи бир тури эса ҳар икки жинсга нисбатан қўлланилган. Масалан, Нодира Умархонга атаган шеърларида, жумладан:

Ёрнинг васли эмас озорсиз,  
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз.

ва

Эй сарви равон, надур хаёлинг,  
Жон ўртади ваъдаи висолинг, —

матлали ғазаларида турмуш ўртоғини «ёр» деб атайди ва уни тиканли гул, париваш, дилдор, сарв, сарви равонга ўхшатади. Худди шунингдек, Муқимий Москвада таҳсил олаётган жияни Рўзимуҳаммад юборган суратни олгач:

Мумкин ўлса кўрмоғим, эй сарви раъно. суратинг,  
Айласам чашмим аро мардум каби жо суратинг, —

матлали ғазалида уни сарви раъно, Зулайхо, хуршеди танҳо каби сифатлар билан таърифлайди. Мазкур тасвир воситалари аёлларга нисбатан ҳам қўлланилган. Энди Навоийнинг юқорида келтирилган «хабарин» радифли рубойисига эътибор қилайлик.

Рубойининг биринчи байтида ҳар икки жинсга хос «сарви гульзур» сўзи мавжуд. Унинг иккинчи байтида эса эркакларга хос «шаҳсувор» келганлигидан, биринчи байтдаги «гульзур»ни ҳам сўнгги жинсга мансуб деб қараш ва шоирнинг бошқа шеърларида ҳам бу хусусиятни ҳисобга олиш лозим бўлади. Хуллас, мумтоз адабиётимизда ошиқнинг маъшуқасига ёки маъшуқанинг ошиғига аталган шеърларидан ташқари, дўсту қариндошларнинг бир-бирларига бўлган меҳру муҳаббатларини тараннум этувчи шеърлар ҳам мавжуд. Фақат уларни аралаштирмай, тўғри таҳлил қилиш лозим. Алишер Навоийнинг кўпгина ашъорлари унинг фарзандлари — муриду шогирдларига аталган. Куйидаги рубойидаги «шаҳсувор» шоир шеърларидаги ёр-дўст маънодошларидан биридир:

Тонг насимин сойир эткан гульзуримдур менинг,  
Секритиб майдонга кирган шаҳсуворимдур менинг.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, собиқ мафкура ҳукмронлиги даврида навоийшуносликда юз берган кўпгина хато ва камчиликлар ўша замон мафкурасининг таъсирида юзага келган. Чунончи, замона зайли билан тасаввуф — реакцион идеалистик таълимот, уни тарғиб этувчи шайхлар эса реакцион шахслар сифатида қораланди. Алишер Навоий эса нақшбандия тариқатининг раҳнамоси ва муршиди эди. Шунга кўра, унинг таржимаи ҳоли ва илмий биографияси яратилмади.

Адабиётшуносликда шоирнинг Жомийга мурид бўлганлиги ҳақида ёзилса-да, унинг тариқат мактабини очиб, муршидлик ва мураббийлик билан шуғуллангани ҳақида лом-мим дейилмайди.



Энди унинг муршидлигига оид қўйидаги далилларга эътибор қилайлик. Ҳусайн Бойқаро ўзига аталган «Хамса»ни Алишер Навоий қўлидан қабул қилиб олар экан, кўпдан бери айтмоқчи бўлган орзусини изҳор этиб: «Сиз менинг пирим (муршидим) бўлинг ва мени муридликка қабул қилинг», дейди. Шунда Навоий: «Йўқ, йўқ! Сиз бизнинг муршидимизсиз, биз эса сизнинг муридингизмиз», дейди. Шунда ҳукмдор: «Муршид ўзи нимаю мурид ўзи нима?» деган саволни ўртага ташлайди. Шоир: «Муршиднинг хоҳиши муриднинг хоҳиши бўлиши керак», деб жавоб бераркан, шоҳ: «Агар мен пир бўлаган бўлсам, менинг хоҳишим шундай бўлади», дея мулозимларга оқ отни эгарлаб келтиришни буюради. От келтирилгач, Ҳусайн Бойқаро унинг жиловидан ушлаб, Навоийни минишга таклиф қилади. Шоирнинг отга минишдан бошқа иложи қолмайди. Шоҳ эса одатга кўра, муридларча\* жиловдор бўлиб, шоирни сарой саҳнида айлантиради. Алишер Навоий «Хамса» дostonларидаги анъанавий сюжетларни ўз дунёқарашига кўра қайта ишлади. У дostonларини, айниқса, «Садди Искандарий»ни яратар экан, комил давлат ва жамият қандай бўлиши керак, комил шоҳ ва унинг амалдорлари давлат ва жамиятни қандай бошқаришлари лозим, етук инсонларнинг дунёқарашини ва хулқ-атвори қандай талабларга жавоб бериши керак, каби масалалар унинг диққат марказида бўлган. Шоир ўз китобини ҳукмдорга нафақат мумтоз бадиий асар, балки комил давлат ва жамият қуришнинг ўзига хос бир қўлланмаси сифатида тақдим этади.

Ҳусайн Бойқаро ўз замонасининг теран фикрли маърифатпарвар ҳукмдорларидан эди. Бинобарин, ҳамиша дўсти Алишернинг доно маслаҳатлари билан иш кўрган. Улар мазкур воқеадан сўнг янги давлат ва жамият қуриш ишига янада қатъийроқ киришганлар.

Алишер Навоий Астрободдан Ҳиротга, мураббийси Паҳлавон Муҳаммадга «Дар Каъбаву дар дайр ба иршоли туем», яъни «Каъбадаю майхонада, аниқроғи, шариятдаю тариқатда сенинг ҳақ йўлингдaмиз», деб бошланувчи рубойисини йўллайди. Паҳлавон Муҳаммад эса рубойига шундай жавоб ёзади:

---

\* Пир отда йўлга чиққанда, икки мурид эҳтиёт юзасидан от жилловининг икки томонидан ушлаб бориши одат бўлган.

Эй Мир, ту пиру мо ба иршоди туем,  
Доим ба дуоғӯию бо ёди туем,  
Ин шаҳр бо ту хуш асту мо бо ту хушем,  
Мурдему хароби Астрободи туем.

(Яъни, эй Мир, сен пир-у, биз сенинг ҳақ йўлингдамиз. Доим дуоғӯйликдамиз-у, сени ғоят соғинамиз. Бу шаҳар сен билан хуш-у, биз сен билан хушмиз. Ўлдигу Астрободнинг харобасига айландик.)

Улуғ пир Паҳлавон Муҳаммаднинг муриди Алишер Навоийни ўздан устун қўйиши, шоирнинг юксак босқичга кўтарилганини кўрсатади.

Навоий «Лисон ут-тайр»даги Арасту ва ҳакими аржуманд ҳикоятида ва «Кеча келгумдур...» ғазалида ўз муршиду мураббийлиги ҳақида баҳс юритади. Шоирнинг «Мажолис ун-нафоис»да Мавлоно Ҳожи Муҳаммад ҳақида «Кўпрак авқот (замонлар) бу фақир била мусоҳибдур...» деб маълумот бериши ва ҳаётининг турли даврларида ёзган:

Сочинг куфрида ўлсам қабрим узра қўйма хирқамни,  
Чекиб ҳар торини бир барҳаман белига зуннор эт, —

байти унинг муршидлик хирқасини жуда эрта кийганидан шаҳодат беради.

Навоийнинг фавқулодда теран билими ва ғоятда поклиги замондошларини ҳайратга солади. Улар шоирни авлиё деб эъзозлайдилар. Муаллиф «Ҳайрат ул-аброр»да бу ҳақда шундай ёзади:

Ким мени эл аҳлиға яқин англағай,  
Тақвию тоатға қарин англағай.

Фасиҳиддин Муҳаммад Низомий Алишер Навоий вафоти муносабати билан ёзган тарихида уни «қутби ақтоб» (авлиёлар йўлбошчиси) деб улуғлайди:

Он қутби замона чун бирафт аз олам,  
Таърих шуд онки қутби ақтоб бирафт.

(Яъни, замона валиси оламдан кетгач, авлиёлар йўлбошчиси ҳам кетди.)

Шоир «Хамсат ул-мутаҳаййирин»да устози Абдурахмон Жомийга хос бир қатор фазилатлар унда ҳам мавжудлигини камтарлик билан эслатади. Бу билан у ўзининг устозга тенг мақомга кўтарилганига ишора қилмоқчи бўлади. Навоийнинг:

Қон ютуб умре жаҳон аҳлида бир ёр истадим,  
Лекин ул камрак топилди, гарчи бисёр истадим. —

дея ўзига муносиб халифа (ўринбосар) излаши муршид ва муаллиму мураббийлигидан далолатдир.

Адабиётшуносликда шоирнинг севгиси ва турмуш қурмаганлиги борасида ҳам мунозарали фикр-мулоҳазалар қаламга олинган. Айрим тадқиқотчилар шоирнинг Гули исмли қизни севгани ҳақида баҳс юритади. С.Олим ўз рисоласида «бу борада тарихий-илмий манбаларда ҳеч қандай маълумот йўқ. Гули тимсоли эса «Туркман халқ ҳикоятлари»дан олинган», деб тўғри талқин қилади.

Шоир севгиси ҳақида олиму адиблар орасида ҳам бир-бирига зид нуқтаи назарлар мавжуд. Уларнинг кўпчилиги «Навоий ёшлигида бир қизни севган, қиз бемаҳал вафот этгач, ўз асарларини унинг хотирасига бағишлаган ва шундан сўнг бошқа ҳеч кимни севмаган», десалар, айримлари «шоир ҳаётининг кейинги босқичларида ҳам бошқа қизларни севган ва уларга атаб шеърлар ёзган», деб даъво қиладилар. Бироқ, улар ҳеч қандай асосга эга эмас. Ойбек ҳам «Навоий» романида шоирнинг бирор қизни севгани ҳақида маълумот келтирмайди.

Айримлар эса шоирнинг жинсий қобилияти ҳақида асосиз маълумотларни келтиради. XV аср охири XVI асрда яшаб ижод этган Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида ёзишча, Билқиси замон, Забайдаи даврон Хадичабегим Навоийнинг жинсий қобилиятини синаб кўриш учун унинг уйига Давлатбахт исмли гўзал канизагини жўнатади. Шоир ташриф сабабини тушунади ва канизакка шундай дейди: «Сизга маълум бўлсинким, бизда кадхудолик олати бордур ва кадхудолик қилодурмиз. Аммо бурун ҳам қилмамишимиз ва ҳоло ҳам қилмасмиз ва сўнгра ҳам қилмағумиздур». Канизак ушбу сўзларни Хадичабегимга етказди ва Восифий бу ҳикояга шундай хулоса ясади: «Ва чун ҳикоят Султон била Хадичабегимнинг самъиға етти, эътиқодларининг бири юз, балки минг

бўлди» (Муҳаммад Ризо Огаҳий. Ишқ аҳлининг тумори. Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999 йил. 314-бет.).

Шоирнинг оила қурган ёки қурмаганлиги ҳақидаги мунозарага ойдинлик киритиш учун унинг асарларига мурожаат қилган маъқулроқдир... Аллоҳ ягонадир. У Одамни беҳад севганидан уни ва унинг учун гўзал оламни яратди. Исо ҳам уйланмади. У Тангрини бениҳоя севганидан бутун умрини қавмларини Ҳақ йўлга бошлашдек муқаддас ишга бағишлади ва бунинг эвазига Аллоҳ марҳаматига эришди. Мен ҳам Аллоҳни бениҳоя севаман. Бинобарин, Исодек бутун ҳаётимни одамларни комил инсонлар қилиб тарбиялаш ва Ҳақ йўлга бошлашдек хайрли ишга бағишлайман. Шояд Тангри менинг ҳам хизматларимни инобатга олиб, ўз хузурига чорласа:

Исоки мужаррад<sup>1</sup> айлади Тенгри ани,  
Кўк равзаси бўлди жилвагаҳу чамани.  
Ер аҳлидин улки бўлса тажрид<sup>1</sup> фани,  
Тонг эрмас, агар кўк ўлса анинг Ватани.

У бошқа бир ғазалида бу борада яна ҳам қатъийроқ қарорга келади ва Қуёш (Аллоҳ) жамолига етишишни истасанг, сен ҳам ёлғиз бўл, деб ўзига хитоб қилади:

Ул қуёш васлин тиларсен, бўл мужаррад, негаким,  
Кўкка Рухуллоҳни етқурган анинг тажридидур.

Навоийнинг ёлғиз яшашни ихтиёр этишига тариқатнинг 5-мақоми ва пири Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт тарзи ҳам муайян таъсир кўрсатган бўлиши мумкин.

Ҳазрат Алининг айтишича, дарвишлик мақоми шарият, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларида ўнтадан, жами қирқтадир. Навоий тариқат босқичининг бешинчи мақоми — лаззату шаҳватни тарк қилмоқни айрим пайғамбар ва авлиёларга хос илоҳий хусусият деб билади. Шунинг учун Исо алайҳиссалом тоқ ўтади, Нақшбанд бир фарзандлик бўлгач, хотинига бундан кейин биз эру хотин эмас, ака-сингилмиз, дейди. Навоий ҳам мазкур йўлни танлайди ва тариқат пирига эргашиб, ёлғиз яшашга аҳд қилган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бироқ, у жамият тараққиётига зид бўлгани учун тарғиб этмайди. Аксинча, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»

достонлари орқали ёшларни чин муҳаббат билан оила қуриб, умрбод бахтли яшашга ундайди.

Ҳақгуи олимлар навоийшуносликда йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг нохуш оқибатлари ҳақида фақатгина ўтган асрнинг 80-йилларида ёза бошладилар. Тарихшунос олим, академик Б.Аҳмедов «Навоий замондошлари хотирасида» (1985 й.) тўпламининг сўзбошисида шундай ёзади: «... Навоийнинг ҳаёт йўлини тадқиқ этиш борасида шарқшунос ва адабиётшунос олимларимизнинг катта ишлар олиб бораётганликларини эътироф этиш билан бирга, улуғ олим ва ҳассос шоирнинг улкан ҳаёт йўли тўла аниқланди ва илмий тадқиқ қилинди, деб бўлмаса керак. Фикримизча, Навоийнинг илмий биографияси ҳали яратилганича йўқ. Унинг шахси, кулфатлар ҳамда тасодифларга тўла турмуши ва илмий-адабий, ижтимоий-сиёсий фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар орасида ҳали тўла ечилмагани, кам ўрганилгани ва мунозаралилари ҳам бор».

Ниҳоят, шоир ҳаёти ва ижодини ҳар жиҳатдан ҳаққоний тадқиқ этиш имкониятини берувчи мустақиллик замони келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов II чақириқ Олий Мажлиснинг I-сессиясида олимлар олдига Алишер Навоий меросини холис ва кенг халқ оммаси тушунадиган тарзда ёритиш вазифасини қўйиб, ватандошларимизни бобокалонимиз ҳаёти ва дунёқарашидан ўрнак олишга чақирди. Юртбошимизнинг даъватларидан илҳомланиб, биз ҳам ушбу рисола ни ёзишга киришиш билан бирга «Жаҳон адабиёти» журналининг 2003 йил март сонисида «Навоийшуносликда ёр муаммоси» деб номланган мақоламизни эълон қилдик.

Навоий «йўқ» радифли ғазалида ёрни таърифлайди:

Ёрдин айру қўнгул мулкедурур султони йўқ,  
Мулкким султони йўқ, жисмедурурким, жони йўқ...

Эй Навоий, бор анга мундоқ уқубатларки, бор  
Ҳажрдин дардию, лекин васлдин дармони йўқ.

Демак, шоир ёр деганида, аввало Аллоҳ, сўнгра тариқат аҳлини, унинг муршиди ва халифаю мусоҳибларини тушунади. Унингча, тариқат талабларига кўра, муршид барчани Ҳақ йўлга даъват этувчи, меҳру вафоли, маърифат ва маънавиятнинг оташин тарғиботчиси, эл-юртнинг ғамхўри, ёшларнинг

жонкуяр дўсти ва меҳрибон муаллиму мураббийси бўлиши лозим. Бундай талабларга Навоийнинг ўзи қатъий амал қилган. Унинг олий мақсади Хуросонда барчанинг, аввало, ёшларнинг иштирокида иллатлардан пок, фозил давлат ва жамият барпо этиш эди. Шунинг учун у мактаб очиб, умрининг охиригача ёшлар тарбияси билан шуғулланади. Фавқулодда истеъдодли шогирдлари орасидан етук халифаю мусоҳиблар етишиб чиқади. Навоий ижод ёхуд давлат ишлари билан банд бўлганида улар мустақил машғулотлар ўтказиб, маҳоратларини намоён этиб, тариқат мактабининг афзаллигини исбот қиладилар. Устоз улардан беҳад мамнун бўлади.

Шоирнинг «Хазойин ул-маоний»сига кирган жуда кўп сўфиёна ғазаллари шогирдларига, зоҳирда уларга, ботинда Тангрига қаратилган бебаҳо санъат асарларидир. У ўз мухолифларига:

Мен ўзгаву, Вомиқу Фарҳод ўзгадур, эй ишқ,  
Танаъум аҳли аро эътибор қилма мени, —

дер экан, ишққа мурожаат қилиб, унинг муҳаббатини Фарҳоду Мажнунлар севгисидан фарқ қилиши лозимлигини ўқтиради. Талабчан мунаққид «Бадоеъ ул-бидоя» дебوحасида маъшуканинг қошу кўзи, сочу юзи, қомату рафтори, қисқаси, ташқи кўринишини мадҳ этишдан нарига ўтмайдиган, мавзу доираси тор шоирларни кескин танқид қилади.

Улуғ шоир афсонавий ошиқларни камситмайди. Аксинча, уларни, айниқса, Фарҳодни гоят улуғлайди ва ўз олдига қўйган мақсад-вазифалари билан улардан фарқ қилишини таъкидламоқчи бўлади:

Кўп ўқудум Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин.  
Ўз ишимдин булжажаброқ достоне топмадим, —

байтида «ўз ишим» деганида, шоир Хуросонда янги давлат ва жамият қуришни назарда тутди. У бундай улуғ тadbирнинг ўта машаққатли эканини яхши билган, бинобарин, уни рўёбга чиқаришда шоҳ бошлиқ маърифат ва маданият аҳли кўмагидан фойдаланган. Халифаю мусоҳибларига узоқ муддатга мўлжалланган ишнинг рўёбга чиқишида уларнинг хизматлари алоҳида аҳамиятга эгаллигини бот-бот таъкидлаган ва шу

боис жуда кам топиладиган, фавқулодда истеъдодли шогирдларини беҳад севган ҳамда қадрлаган. Ўз дунёқарашини комил давлат ва жамиятнинг мафкуравий асоси деб билиб, уни изчил амалга ошириб борган.

## УЛУҒ РАҲНАМО, МУҚАДДАС ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ

Алишер Навоий мактаб ёшида Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр»<sup>5</sup> асарини теран мутолаа қилар экан, унда келажакда мактаб очиб, ёшларни фазлу камол эгалари қилиб вояга етказиш ва Худҳуд<sup>6</sup>дек Ҳақ йўлга бошлашни орзу қилади. У бу вазифани бажариш учун, аввало, ғоят теран қомусий билимга эга бўлиш лозимлигини яхши тушунади. Бинобарин, мактабни битиргач, мустақил мутолаага берилади. Сўнгра отасининг илтимоси билан маълум муддат олим, шоир ва ҳукмдор Абулқосим Бобурдан таълим олади. Ёш Алишер буюк шоир Лутфийни машҳур бир шеърли билан қандай ҳайратга солган бўлса, Абулқосим Бобурни ҳам сеҳрли ғазаллари билан шундай мафтун этади. Кейинчалик ҳукмдор Алишерни тарбиялашни ўз даврининг алломаси Сайид Ҳасан Ардашерга топширади. Алишер билан Сайид Ҳасан ўрталаридаги устоз-шогирдлик муносабати ҳақида Навоий «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» асарида шундай ёзади: «Алар тариқ ва равиши бу фақирни андоқ шефта қилдиким, бир кун алар мулозаматиға етмасам эрди, сабру тоқатим қолмас эрди ва алар ҳам келиб аҳвол сўрарлар эрди: «ташвише бўлмамиш бўлғайким, букун сендин хабар топа олмадук».

Ёш Алишер дарвешлик тариқатини Аттор асарини ўқиб юрган чоғларидаёқ танлайди ва унинг руҳида шеърлар битади. Устознинг таълим ва тарғиблари бу борадаги ишончини мустаҳкамлайди. У бу ҳодисани миннатдорлик билан шундай эслайди: «... бу фақирни фақр тариқиға далолат ва иршод қилурлар эрди ва назм айтурға тарғиб кўргузурлар эрди». Ёш Алишер Машҳадда улуғ мураббий Паҳлавон Муҳаммад билан ҳам дўстлашиб, унинг бой билим ва тажрибасидан баҳраманд бўлади.

Навоий камтарлик юзасидан қачон муршидлик хирқасини кийгани ҳақида ҳеч нарса ёзмайди. Манбаларда ёзилишича, Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг пиру муршиди Хожа Юсуф Ҳамадоний ўн етти ёшида муршидлик хирқасини кийган экан.

Шунга биноан, Навоийнинг ўн беш-ўн олти ёшида мазкур мавқени эгаллаганини тахмин қилса бўлади.

Шоир устозлик мақомига кўтарилгач, Машҳад мадрасаларидан бирининг ҳужрасида мактаб очиб, мураббийлик фаолиятини бошлайди ва ғарибона ҳаёт кечиради. У «Мажолис уннафоис»да пиру устози Сайид Ҳасан Ардашер ҳақида маълумот берар экан, «...бу фақирга ота масобасида (ўрнида) эрди. Андоқким, Мирзобек фарзанд масобасида эрди, ҳам анга ва ҳам фақирга», деб ёзади. Бу ерда Мирзобекнинг аввал Сайид Ҳасан Ардашер қўлида, сўнгра Навоий мактабида тарбиялангани аён бўлади. Худди шунингдек, Навоий «Мажолис уннафоис»да Ҳожи Муҳаммад ҳақида: «Машҳаддиндур. Кўпрак авқот (замонлар) бу фақир била мусоҳибдур ва фарзанд ўрнигадур, балки андин ҳам азизроқ», деб ёзади. Бундан Ҳожи Муҳаммаднинг ҳам Машҳадда, Навоий мактабида тарбиялангани аёнлашади.

Абулқосим Бобур вафотидан сўнг (1457 й.) Хуросон тахти учун бошланган жанглар узоқ давом этади ва ниҳоят 1459 йилда Абу Сайид ғалабаси билан тугайди. Пойтахт Ҳиротга кўчирилади. Шундан сўнг Навоий орадан маълум вақт ўтгач, Ҳиротга қайтади. Шунинг эслатиб ўтиш керакки, машҳур тарихшунос олим В.Бартольд ва унга эргашиб, бир қатор навоийшунослар шоирнинг 1464 йилда Машҳаддан Ҳиротга қайтганини ёзадилар. Ҳақиқатда эса, Навоий «Хамсат ул-мутаҳаййирин»да Жомий билан «Султон Абусаид (1459–1469) замонининг авоили»да, яъни аввалларида «Хиёбон бошида», оддий одамлар тўдасида танишганини ёзади. Бундан шоирнинг Ҳиротга 1464 йилда эмас, балки 1459–1460 йилларда қайтгани маълум бўлади.

Хондамирнинг «Равзат ус-сафо»да ёзишича, Навоий Ҳиротга қайтгач, «бир неча кун», яъни қисқа бир муддат Абу Сайид саройида хизмат қилади. Бироқ, ундан «риоят»у «тарбият» тополмайди ва ишдан бўшатилади. Абу Сайид Ҳирот тахтини эгаллагач, Алишернинг отасидан қолган уй-жой, мол-мулкни мусодара қилиб, тоғаларини қатл эттиради. Оғир кулфат ва мусибатларга дучор бўлган шоир Абу Сайид Мирзони ўта очкўз, қаҳри қаттиқ аждаҳога ўхшатади. Ёвуз шоҳ саройида хизмат қилиб, унинг қўлидан «маош айламак»ни аждаҳо оғзидан озукланишга қийёслайди:



Жаҳон ганжиға шоҳ эрур аждаҳо  
Ки, ўтлар сочар қаҳр ҳангомида.

Анинг коми бирла тирилмак эрур,  
Маош айламак аждаҳо комида.

Жабрдийда Алишер ўта оғир бир шароитда таъқиб-тазйиқ остида яшайди. У бу ҳақда Самарқанддан Машҳадга пиру ус-този Сайид Ҳасан Ардашерга йўллаган маснавий мактубида шундай ёзади:

Манга бу эл ичра не бир ҳамдаме  
Ки, бир дам иковлан дейишсак ғаме.

Не бир аҳли давлатдин онча умид  
Ки, андин наво топса бир ноумид.

Не важҳи маоше муқаррар манга  
Ки, бўлғай фароғе муяссар манга.

Не бир ҳужраким, ком топқай кўнгул,  
Даме анда ором топқай кўнгул.

Не ёреки, ранжимни қилғай қабул,  
Не зореки, ҳажримдин ўлғай малул.

Етишса ўлум ранжи беморлиғ,  
Су бергунча қилмай бирав ёрлиғ.

У аҳволи жуда оғир бўлса-да, мураббийлик фаолиятини давом эттиради. Навоий Абулқосим Бобур, Сайид Ҳасан Ардашерлар унга таълим берганлари учун фарзандим, деб мурожаат қилганларини мамнуният билан эслайди. У ҳам, анъанага кўра, Мирзобек, Мир Дарвеш, Ҳожи Муҳаммад, Султон Ҳусайн Ҳатмий, Мир Ҳайдар Сабуҳий, Хожа Шиҳобиддин Убайдулло, Сайид Муҳаммад, Мир Иброҳим каби муриду шогирдларини фарзанд деб атаган.

Навоий тариқат мактабу мадрасаларига қобилиятли толибларни жалб этиб, фозилу комил инсонларни тарбиялашда юқори малакали халифаю мусоҳибларига эга бўлишнинг аҳами-

ятини яхши тушунган ва мураббийлик фаолиятининг дастлабки босқичида истеъдодли шогирдлари Мирзобекни халифалик ва Мирдарвешни суҳбатдошликка тайёрлаган.

Шоир бу даврда ёзган шеърларида ишорати тимсоллар орқали Абу Сайиднинг таъқиб-таъйиқлари тобора кучайгани, шоир ва унинг икки севимли шогирди ҳақида ҳар хил фитналар тарқалаётганидан шикоят қилади. Ниҳоят, Абу Сайид Мирзобекни ўз ходимига айлантириш учун саройга ишга таклиф қилади. Мирзобек шоҳнинг райини қайтаролмайди ва хизматни қабул қилади. Абу Сайид Мирзобекни нафақат Навоидан, балки бошқалардан ҳам рашк қилади ва унинг устидан назорат ўрнатади. Назоратчилар унга Мирзобекнинг суҳбатдош дўстлари ҳақида маълумот етказиб турадилар. Золим шоҳ эса уларни шафқатсизларча жазолайди.

Севимли шогирди фиरोқида дард-алам чеккан Навоий юз берган воқеалар ҳақида «Ҳайрат ул-аброр»нинг 57-бобида шундай ҳикоя қилади. Ҳикоятда ёзилишича, Чин давлатида бениҳоя гўзал бир йигит бўлган. У хонга хос ёр эди. Хон уни беҳад севар, саёҳату зиёфатларда йигит унинг ёнида бўлар эди. Йигит чавгон ўйинини жуда севар эди. Бир гал саҳродаги зиёфатдан қайтишда чавгон ўйинига берилиб, узоқларга кетиб қолади. Хон у билан бирга бўлолмаслигини билганидан, севимлиси орқасидан назоратчиларни жўнатади. Даштда бир тўда одамлар йигитни кўриб, севиб қоладилар. Улардан бири ҳушидан кетиб йиқилади, сўнгра ўзига келади. Назоратчилар воқеадан хабар топиб, одамларни хон ҳузурига келтирадилар. Ҳукмдор уларни ибратли жазоламоқчи бўлади ва бошларини чиқариб, таналари устига паҳса девор қуришни буюради. Ҳукм бажарилади. Бир кун шоҳ девор остидаги одамлар ишқининг ҳақиқий ёки юзаки эканлигини синаб кўриш учун уларнинг олдига боради. Кўпчилик йигитни севгани учун пушаймон бўлиб, дод-фарёд солиб йиғлайди. Фақат ҳушидан кетган бир одамгина йигитни севгани учун Тангрига миннатдорлик билдириб, ҳамду санолар айтади. Ўлимидан олдин муносиб ёрга эга бўлгани учун шукроналар қилади. Хон фақат унинггина ҳақиқий ошиқ деб биледи ва девор остидан чиқаришни буюради. Ошиқнинг ишқи унга жуда таъсир қилади ва «ҳокими бедодгар», яъни золим ҳукмдор меҳр-шафқат кўрсатиб, уни ҳарамдаги хос ёри қилиб олади:

Кўргач ани ҳокими бедодгар,  
Кўнглига ул ишқ ўти қилди асар.

Маҳлакадин они халос айлади,  
Ёр ҳарими аро хос айлади.

Шоир бу ерда садоқатли ошиқ орқали ўзини, йигит орқали Мирзобекни, «ҳокими бедодгар» орқали Абу Сайид Мирзонни назарда тутди ва уни меҳрибон адолатли шоҳ бўлишга даъват этади.

Шоир бўлиб ўтган нохуш воқеалар ҳақида лирик шеърларида, жумладан, Мирзобекнинг «бўлуптур» радифли байтини тазмин қилиб ёзган қуйидаги ғазалида ҳам баҳс юритади:

Кўзунг не бало қаро бўлуптур  
Ким, жонга қаро бало бўлуптур.

Мажмуъи давони дард қилди  
Дардинки, манга даво бўлуптур.

Ишқ ичра анинг фидоси юз жон  
Ҳар жонки, санга фидо бўлуптур.

Бегона бўлуптур ошнодин  
Бегонага ошно бўлуптур.


То қилди юзунг ҳавоси жоним,  
Юз сари анга ҳаво бўлуптур.

Боқий топар улки, бўлди фоний,  
Раҳравга бақо фано бўлуптур.

То тузди Навоий ояти ишқ,  
Ишқ аҳли аро наво бўлуптур.

Навоий ғазалининг дастлабки байтларида шогирди фироқда чеккан дард-аламлари унга даво бўлганини ёзади ва унга садоқат изҳор қилади. Мирзобекнинг ундан бегона бўлиб, бегонага, яъни Абу Сайидга ошно бўлганига ғоят ачинади.

Шоир мақтада унинг ишқий шеърлари қурбон оятларидек поклигини, бинобарин, ишқ аҳли уларни хон-дилдан севиб



куйлаётганликларини таъкидлайди. Мирзобек фироқида куйган шоирнинг ғам-ташвишлари кейинчалик янада кўпайиб боради. Мирдарвеш ҳар хил фитналар таъсирида нафақат кундузги, балки кечки машғулотларга ҳам қатнамай қўяди:

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрӯ келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.

Лаҳза-лаҳза чиқгиму чектим йўлида интизор,  
Келди жон оғзимғаву ул шўхи бадхў келмади.

Оразидек ойдин эрқанда гар этти эҳгиёт,  
Рўзгоримдек ҳам ўлғанда қаранғу келмади.

Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор,  
Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади.

Кўзларингдин неча су келгай, деб ўлтурманг мени  
Ким, бори қон эрди келган, бу кеча су келмади.

Толиби содиқ топилмас, йўқсаким қўйди қадам,  
Йўлға ким аввал қадам, маъшуқ ўтру келмади.

Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин,  
Не учунким бода келган уйга қайғу келмади.

Толиб ўзи ва устози ҳақида ҳар хил фитналар тарқалганидан уялиб, кундузги машғулотни тарк этади. Кечки машғулотга келаман деса-да, келмайди. Навоий ўзи ҳақида ҳар хил фитналар тарқатиши, жондан азиз толибининг кечки машғулотга келаман, деб келмагани ва ёлғон сўзлашини «рўзгори»нинг қоронғиланиши деб биледи. «Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор» мисрасидаги паривашнинг яқин маъноси — толиб, узоқ маъноси Аллоҳдир.

Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор,  
Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади.

Шоир:

Кўзларингдин неча су келгай, деб ўлтурманг мени  
Ким, бори қон эрди келган, бу кеча су келмади. —

байтида муқояса орқали ўзини Тангри ишқида қон йиғлаган ошиқларга ўхшатади. Ҳазалда «маъшуқ» «сарви гулрӯ»дек яқин ва узоқ маъноларда келган.

Толиб содиқ, яъни ростгўй ва меҳрибон бўлганида маъшуқ бўлиб пирга рўпара чиқар эди. Бироқ, чиқмади. Чунки у ёлғончи ва номеҳрибондир:

Толиби содиқ топилмас, йўқсаким қўйди қадам,  
Йўлга ким аввал қадам, маъшуқ ўтру келмади.

Ростгўйлик комил инсоннинг муҳим хусусиятларидан бири. Бу ерда Навоий шогирдини дунёнинг ёлғончилик иллатидан қутқариш ҳақида ўйлайди. Юз берган ҳодисадан қаттиқ ғам-алам чекса-да, умидсизликка берилмайди ва «бода бирла», яъни Аллоҳнинг ишқ-иштиёқи билан кўнглингни «хуррам эт», деб ўзига таскин беради.

Хуллас, шоир бу ҳазалда ҳам Аллоҳга чексиз муҳаббати, соғинчи ва висолига муштоқлигини эҳтирос билан тараннум этади. Унинг «Тун ақшом бўлди-ю, келмас менинг шамъи шабистоним» ғазали ҳам кечки машғулотга келмаган Мирдарвешга бағишланган. Меҳру муҳаббатнинг кучлилиги ва танқиднинг юмшоқлиги шеърнинг «кеча келгумдур»дан олдин ёзилганидан шаҳодат беради. Устоз севимли мусоҳиб шогирдини ҳаётда «моҳим» деб ардоқлаган бўлса, шеърда уни «ой» деб атайди. Асарнинг «кеча келгумдур» ва «қаро кўзум» билан бир вақтда, яъни ёшликда, аниқроғи, Навоий Машҳаддан Ҳиротга келгандан кейинги 4-5 йил орасида ёзилганлиги ҳам бу борадаги мушоҳадатларимизнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Машғулотларга мунтазам қатнашмаган Мирдарвеш сайру саёҳатга тез-тез чиқадиган ва сафарда узоқ қолиб кетадиган одат чиқаради. Сўнгги сафар жуда узоқ давом этади. Шоир унинг қардалигини аниқлагач, орқага қайтишини сўраб, унга нома ва «Қаро кўзум» ғазалини йўллайди:

Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум кеби ватан қилғил.

Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,  
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.

Таковарингга бағир қонидин ҳино боғла,  
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,  
Хамир этиб яна ул тоғда кўҳқан қилғил.

Юзунг висолиға етсун десанг кўнгулларни,  
Сочингни боштин-аёғ чин ила шикан қилғил.

Хазон сипоҳиға, эй боғбон, эмас мониъ,  
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени  
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил.

Навоий анжумани шавқ жон аро тузсанг,  
Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил.

Шоир бу матлада «мардумлуғ»ни оддий китобхонни чалғитувчи яқин ва узоқ маъноли ийҳом санъатида қўллаган. Ғазал матлаидаги «мардум» сўзининг яқин маъноси қорачиқдир. Унда шоир қалбига яқин фарзандига «қаро кўзум», сен кўзимнинг қорачигисан, гавҳардек азизсан, бинобарин, «кўзум қаросида мардум кеби ватан» қилишинг керак, деб мурожаат қилмоқда. Бундан китобхон шоир ўз қора кўзини эркаламоқда, деган хулосага келади. Бироқ бу – ўқувчини чалғитувчи дастлабки таассурот. Аслида шоир бу ерда теранроқ фикр юритмоқда. Мураббий толиблар билан машғулот ўтказганида, мусоҳиб унинг ҳузурда бўлиб, устоз саволларига жавоб бериб турган. Шоир бу ерда қора кўзига, модомики сен менинг мусоҳибим экансан, ҳамиша қорачиқдек «кўзум қаросида», яъни ҳар доим кўз олдимда, ҳузуримда бўлишинг керак. Сен эса сафарда кезиб юрибсан. Бу яхши эмас, деб таъбеҳ бермоқда.

Сўзнинг шоир назарда тутган, доно ўқувчига етказмоқчи бўлган муҳим маъноси «мардумлуғ», яъни одамийликдир. Бу ерда шоир шогирдига: мен сенинг камолотинг учун жуда кўп меҳнат қилдим, азиятлар чектим. Сен шогирдликдан мусоҳиблик даражасига кўтарилдинг. Бироқ, ўз вазифангни виждонан бажаришинг керак бўлганда қочиб юрибсан, отанг ва устозинг хизматларини унутдинг, бу – одамгарчиликдан эмас.

демоқчи бўлади. Шоир ўз ниятини «эмди» сўзи орқали — сен барча илмларни мукаммал эгалладинг, энди келиб «мардумлуғ» — одамгарчиликни ўргангил, тарзида истехзоли ифодалайди.

Навоийнинг сўфиёна шеърларида гулрух, гулрў, гулъузор, сарвқомат, сарвиноз, сарвигулрў каби тасвир воситалари Аллоҳга ишора тарзида қўлланади. Ҳазалнинг иккинчи байтидаги «юзунг гули», «қадинг ниҳоли» ўшандай ишоралардир. Санъаткор бу байтда зоҳиран шогирдига, ботинда Аллоҳга мурожаат қилиб, гул юзинг билан «кўнгул равзасин» гулшандай, «қадинг ниҳоли» билан «жон гулшанин чаман»дек яшнатгин, яъни ҳамиша менинг қалбим ва руҳимда бўлиб, уларни шод этгин, демоқчи бўлади.

Ҳазалнинг тўртинчи байтида чархга, яъни тақдирга: мен фироқ тоғида Аллоҳ ишқи билан яшаб, тоғдан сув чиқариб дунёдан ўтдим. Агар ушбу тоғда туфроғим топилса, мени яна кўхкан (тоғ қазувчи) қилиб яратгин, деб илтижо қилади. Бу билан у Тангри уни доим эслаб, табиатни обод, халқни бахтиёр этган ошиқларини беҳад севади ва уларни висолига мушарраф этади, демоқчи. Шу тарзда Аллоҳга бўлган меҳру садоқати чексизлигини билдиради. Зеро, мусоҳибнинг вазифаси Аллоҳ сўзларини муриду мухлислар қалбига жо этиб, уларни, аввало, Аллоҳнинг висолига рағбатлантиришдир.

Ғамхўр ва меҳрибон ота фарзандига агар кўнгиллар (дил аҳли — сўфийлар) висолимга етиб, мандан мамнун бўлсинлар, десанг, ўз камолоту малоҳатингни тўла намоён қилгин, дейди. Эслатиб ўтиш лозимки. Беҳзод миниатюралари ва Навоий сўзларига кўра, ўз асрининг муайян доирадаги ёшлари, жумладан, тариқатга кирган йнгитлар тугунли узун соч ва гажакли зулф қўйганлар. Сочнинг тугунлари Аллоҳ ва тариқат аҳлига меҳру садоқат рамзи сифатида қабул қилинган. Шунга биноан шоир фарзандига:

Юзунг висолига етсун десанг кўнгулларни,  
Сочингни боштин-аёғ чин ила шикан қилгил, —

деб мурожаат қилади.

«Эй қаро кўз» радиофили ғазалида муршиднинг муридга: агар сен тариқатга садоқат билан хизмат қилиш ҳақидаги аҳдингни бузиб «жалоий ватан», яъни сўфийларнинг ватанни тарк

қилишларини истасанг «ёш тугунларнию зулфунгни таро, эй қаро кўз», деб фармон бериши мазкур фикримизнинг тўғрилигини яна бир бор тасдиқлайди. Навоий олтинчи байтда бог деганида, анъанага кўра халқни, богбон орқали ҳукмдорни назарда тутати ва Абу Сайидга: сен ҳар қанча тахту қасрингни



ҳимоя қилмагин ўлимга маҳкумсан, дейди. Бинобарин, богнинг қадрига стиб, яхши ном қолдиргин демоқчи бўлади.

У «эй рафиқ» дея маслакдош дўсти Ҳусайн Бойқарога шундай мурожаат қилади: Фарзандим менинг фироқ ўтида дард-алам чекаётганимни эшитиб, кўриш учун шитоб билан келсаю, мен унинг юзидаги терни кўриб ўлсам, гулоб билан ювгилу баргидан кафан қилгил. Зеро, гул барги унинг юзини, гулоб эса юзидаги терни эслатиб туради. Мен эса бундан мангу ҳузур топаман, дейди.

Шоир фарзандининг отадан шошилини ҳабар олиш учун шитоб билан келганида, юзида тер ҳосил бўлишини тасвирлаш орқали аввало унга, сўнгра у орқали зимдан Аллоҳга бўлган меҳру садоқатини ишора йўли билан изҳор қилади.

Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,  
Хироми суръатидин гул уза хайдин гулоб айлаб, —

матлали ғазал ишоранинг асосидир.

«Қаро кўзим» ғазали мазмунан мураккабдир. Содда маъноси шундай: шоир ўзига хитоб қилиб, Навоий, қора кўзингни беҳад соғинсанг унинг бошоқлиқ ўқини бағринга бос, қоронғу кўнглингни шамдай ёритади, дейди. Мураккаб маънолари қуйидагича: бу ерда бир томондан «анжумани шавқ», яъни фарзанди иштиёқининг базми ўзи ва жон аҳли учун жондан азизлигига, иккинчи томондан, шоир мусоҳибининг Ҳақ



нурини сочувчи маърифат шами эканига, учинчи томондан, у орқали Аллоҳни назарда тутаётганига ишора қилмоқда. Зеро, шам Аллоҳ рамзидир.

Мақтадаги «жон» сўзи шоир руҳидан ташқари, янада теран маъноларга ҳам эга. Араб алифбосидаги «жон» сўзи орасида алиф (о) мавжуд. Алиф шам ва ўққа ўхшайди. Аллоҳ сўзи алиф билан бошланганидан унинг рамзига айланган. Шунинг учун ҳам Бобораҳим Машраб бир ғазалини «Алифни дилга жо қилмоқни бисмиллоҳдин ўргандим», деб бошлайди. Навоий бу байтда мусоҳибини маърифат тарқатувчи чироққа, ўзини эса чироғбонга ўхшатади.

Хуллас, шоир ғазалда, аввало, сўфийлик таълимотида одамийликнинг ғоят муҳимлигига урғу бериб, мусоҳибини комил инсон бўлишга даъват этади. Сўнгра сафарда қолиб кетган шогирдининг тезроқ уйга қайтишини эслатиб, у орқали Аллоҳга бўлган чексиз муҳаббати, иштиёқи ва висолига интилишини изҳор қилади.

Замондошларини, аввало, ёшларни дунё иллатларидан пок-лаб, комил инсонлар қилиб тарбиялаш ва Ҳақ йўлга бошлаш шоирнинг бош ҳаётий ва ижодий мақсадидир. Бинобарин, Навоий ғазал матлаида шогирдининг мардумлуғ, яъни одамгарчиликка амал қилмаганини истехзо билан эслатади. Шоир ғазалда «мардумлуғ»ни ийҳом санъатида юксак маҳорат билан қўллаган.

Ниҳоят Мирдарвеш узоқ сафарни, Мирзобек мудҳиш сарой хизматини тарк этиб, устоз ҳузурига қайтадилар. Бироқ, улар маълум бир вақтдан сўнг тўсатдан кўздан ғойиб бўладилар. Шоир эса уларни тополмай кўмак сўраб, Аллоҳга мурожаат қилади:

Андаким, ҳажр камиятин сўрдум,  
Бир-икки ёр санга топшурдум.

Бири ҳам ёр менга, ҳам фарзанд,  
Жонга орому юракка пайванд.

Бири ҳамсуҳбату, ҳамдарду рафиқ,  
Туққанимдин доғи юз қатла шафиқ.

Ул бири гулшани умрумда тазарв,  
Бу бири боғи ҳаётим аро сарв.

Ул йигитлар сафининг зебоси,  
Бу йигитлик фанининг доноси.

Ул жаҳон нодираси ҳар фанда,  
Бу қилиб ҳар фан элин шарманда.

Ул бири оти чу мазкур бўлуб,  
Мирзобек ила машҳур бўлуб.

Бу бири исмини айларда хитоб,  
Мир Дарвеш дебон шайх ила шоб'.

Ҳам анинг фурқати куйдурди мени,  
Ҳам мунинг ҳасрати ўлтурди мени.

Жонға ҳижронларидин тушмиш печ,  
Бу икавнинг хабарин топмай ҳеч.

Санга зоҳир эса, пайғом этгил,  
Ҳар не маълумдир, эълom этгил.

Хулд аро бор эсалар базморой,  
Вой ҳижронларидин, юз минг вой!

Шоир Мирзобекни «шоҳим», Мир Дарвешни «моҳим» деб ардоқлар экан, уларнинг фироқида қаттиқ изтироб чекади ва бунинг учун нафақат душманлари, балки ўзини унга яқин тугган кишиларни ҳам айбдор деб биледи:

Чарх айирди тез этиб ноламни ҳам, оҳимни ҳам,  
Меҳрибон шоҳимни ҳам, номеҳрибон моҳимни ҳам.

Ҳар киши дилхоҳу дилжўюм эди, солди йироқ  
Шоҳи дилжўюмни доғи, моҳи дилхоҳимни ҳам.

Не фиғондурким. латофат авжида моҳимни тун  
Уйқуга қўймас, хилофат тахтида шоҳимни ҳам.

Айтмон шоҳимни ё моҳимни еткур бошима,  
Ҳам маҳи гофилвашимни, шоҳи огоҳимни ҳам.

Жонда шоҳим ёди, кўнглум ичра моҳим фурқати,  
Денг анга қуллуқ, бу бирга шайалиллоҳимни ҳам.

Эй фалак, шоҳу маҳим шамъи руҳидин ғам туни,  
Ерутуб уй, йўлга келтур бахти гумроҳимни ҳам.

Эй Навоий, шоҳим айвони, маҳим ҳуснин кўруб,  
Жон тарабгоҳимни топса, кўз назаргоҳимни ҳам.

У ғазалда тасвирланишича, моҳимни «латофат авжида», яъни гўзаллик чўққисиди, шоҳимни эса «хилофат тахтида», яъни юксак халифалик мақомида кўришни истайди. Бироқ, тун, яъни жамиятдаги қора кучлар бунга тўсқинлик қилади.

Шу тарзда улуг муршид Навоий ажойиб инсон Мирзобекка катта умид билан қараган ва уни халифалик мавқеига кўтармоқчи бўлган.

Пиру устоз унинг бемаҳал ўлимига ғоят ачинади: \* «... Ҳайф ва юз ҳайф ва дариг ва юз минг даригким, ҳаёт чашмасидин сероб бўлмади ва умри нахли мевасидин бар емади. Мазори Самарқанд маҳфузасида Аҳмад Ҳожибек салламахуллоҳ мадрасасида мутаййин мадфанларидадур. Макони равзаи жинон ва руҳиға фирдавси аълода макон бўлсун!»

Навоий Мирзобекнинг вафот этганини, Мир Дарвешнинг эса қора кучлар домига тушганини эшитиб, қаттиқ дард-алам чекади:

Ёшунгон эмиш қаро булутға моҳим,  
Гардунни совурмоғлиқ эрур дилҳоҳим,  
Кирмиш қаро туфроққа қуёшдек шоҳим,  
Невчун қора қилмасун қуёшни оҳим.

Шоир шоҳим деганида комил шоҳ, комил давлатни, моҳим деганида, комил инсон, комил жамиятни ҳам назарда тутади. Шоир Мирзобек, Мир Дарвеш, вафотидан сўнг, Ҳожи Муҳаммад ва Мир Иброҳимни ҳам шоҳиму моҳим деб атайдди. Шогирдларининг душманлар фитнасига алданиб, Ҳақ йўлдан адашганлари ва ичкиликка берилиб, дунёдан бемаҳал ўтганларига ғоят ачинади:

Икки ҳамдамким, эрур май базм аро ҳамдамлари,  
Топмасун биздин маломат хотири хуррамлари.

---

\* Навоий беназир халифаси, ажойиб инсон Мирзобекнинг жуда эрта (тахминан 1465—1470 йиллар орасида) вафот этганини ёзади. Бинобарин, уни 1490—1491 йилда ичкиликдан вафот этган адаши — Мирзобек Султон Ҳасан ўғлидан фарқлаш лозим.

Ою кунким базм тузгайлар фалак хиргоҳида,  
Зарраи саргаштадин не бўлғусидур ғамлари.

Гул била насринки, чеккай бода наргис жомидин  
Зулм эрур воқиъки, булбул бўлмағай маҳрамлари.

Чугздин рам айласа не айб дуррожу тазарв,  
Хосса бўлса мастлиғдин ўзгача оламлари.

Эй табиб, ўлгумдурур гўёки ушбу кечадин,  
Захмлиқ кўнглумга ўқдек санчилур марҳамлари.

Эй муғанний, бўлма гофилким, забони ҳол ила,  
Навҳа айлайдур менинг ҳолимға созинг бамлари.

Кечалар афлок невчун ёш тўкар кийиб қора,  
Бўлмаса мискин Навоий ҳолиға мотамлари.

Навоий жондан азиз шогирдларидан ажралишни ўз ўлими  
деб билади ва мотам тутиб қаттиқ қайғуради:

Эй кўнгул, келким, бало базмида жоми ғам тутай,  
Ўз қаттиқ ҳолимға ўлмастин бурун мотам тутай.

Йиғлабон бошимға оҳим дудилин чирмаб қора,  
Мотамим эл сўнгра тутқунча, ўзум бу дам тутай.

Олам аҳлиға неча қилдим вафо, кўрдум жафо.  
Эй кўнгул, кел-келки, тарки жумлайи олам тутай.

Эмдиким, ишрат сурудидин очилманг, эй кўнгул,  
Навҳа оҳангин тузуб, бир дам сени хуррам тутай.

Мастлиғдин ўзга йўқ дардим иложи, соқиё,  
Май кетурким, ҳам ичай, бир лаҳза ани ҳам тутай.

Кўйгил, эй носихки, муғ дайрида ўз аҳволима,  
Масти лояъқил ёқам йиртиб, суруди ҳам тутай.

Чун жаҳон бирла жаҳон аҳлиға йўқ эрмиш вафо,  
Эй Навоий, мен фано сарриштасин муҳкам тутай.

Навоий ғазалда кимнинг дарду фироқида мотам тутаётганлиги ҳақида ҳеч нарса демайди. Бироқ, шоирнинг бу давр лирикасидан хабардор ўқувчи мусибат Мирзобек ва Мирдарвешнинг бемаҳал вафоти билан боғлиқлигини пайқайди. Улуғ муршид уларнинг ўлимлари учун «жаҳон» ва «аҳти жаҳон», яъни золим Абу Сайид Мирзо ва унинг фитначи амалдорлари ҳукмронлик қилган даврни айбдор деб билади. Шоир қора кучлар ҳар қанча қаршилиқ кўрсатмасинлар уни «фано»дан, яъни ҳақ йўлдан – тариқатдан қайтаролмасликларини, у Тангрининг садоқатли ошиғи бўлиб қолажагини уқтиради.

Абу Сайид Мирзо Навоий устидан таъқиб-таъйиқни тобора кучайтиради ва уни Самарқандга сургун қилади. У бу борада мазкур мактубида устозига ватанни тарк қилишдан бошқа иложи қолмаганини ёзади:

Биравгаки юз қўйса мунча бало,  
Не бўлғай анинг чораси жуз жалò?!

У Самарқандга ўз ихтиёри билан эмас, балки тақдир тақозоси, аниқроғи, золим ҳукмдор фармони билан сургун қилинганини таъкидлайди:

Ки, бўлмоқ ватан ичра душвор эди,  
Кўнгулга жафо дафъи озор эди.

Сафар тушти оллимға беихтиёр,  
Қазо амрида элга не ихтиёр?!

Навоий Самарқандда узоқ йиллар ватани, қариндошлари, пиру устозлари, ёру дўстлари ва шогирдларидан йироқда, моддий ва маънавий жиҳатдан қийналиб, назорат остида яшади.

Шоир Абу Сайид замонида Машҳад, Ҳирот ва Самарқандда кечган машаққатли ҳаётига ачиниб шундай ёзади:

Йўқ даҳрда бир бесару сомон мендек,  
Ўз ҳолиға саргаштаву ҳайрон мендек.  
Ғам қўйида хонумони вайрон мендек,  
Яъники, алоҳону аломон мендек.

Бироқ айрим тадқиқодчилар шоирнинг Ҳиротдан «ихрож» бўлишини «ўқиш нияти билан Самарқандга кўчган», бу унинг

«болалигидаги энг муҳим ва энг эзгу орзуси эди», ҳозирги сафар унинг учун «катта бахт эди», деб изоҳлайдилар. Хўш, ҳақиқатан ҳам, Навоийда Самарқандда ўқиш орзуси бўлганми? Тўғри, шоир болалигида Самарқандга келишни орзу қилган бўлиши мумкин. Зеро, Самарқанд XV асрнинг биринчи ярмида, Улуғбек замонида ер юзининг илму фан ғоятда ривожланган марказларидан бири эди. XV асрнинг иккинчи ярмида эса, айниқса, Абу Сайид Мирзо замонида у аввалги мавқеини йўқотади. Машҳур олимлар жоҳил ҳукмдор тазйиқида шаҳарни тарк этиб, ўзга юртларга кетиб қоладилар. Бундай шароитда ҳар қандай орзу-ҳаваснинг сўниши табиий, албатта. Иккинчи томондан шоир Фазлуллоҳ Абул Лайсдек мударрислардан олган билимини Ҳиротда ўз устозларидан ўрганиши ёхуд мустақил мутолаа орқали ўзлаштириши мумкин эди. Бинобарин, Алишер балоғатга етган йилларда, унинг Самарқандга бориб, ўқишни орзу қилиши эҳтимолдан узоқдир. Унда бундай орзу бўлганида бу ҳақда «Маснавий»сида йўл-йўлакай бўлса-да эслатиб ўтган бўларди.

Навоийнинг пирига унинг Самарқандга келиши ҳақида ҳар хил нохуш гаплар тарқалгани учун ушбу маснавийни ёзишга аҳд қилганини эслатади:

Чу ҳолимин аҳбоб огоҳ эмас,  
Дегайлар ҳадисеки, дилхоҳ эмас.

Мана неча нав ўлди бечоралиғ  
Ки, олдимға тушти бу оворалиғ.

Навоий Хуросонни комил ва фозил инсонлар мамлакатига айлантириш учун бир умр турли срлардан комил ва фозил маслакдош дўстлар, баркамол илму ҳунар аҳлини ҳам излаган ва уларни ўз тариқатига жалб қилган. Бироқ бу жараён ҳам осон кечмаган. Бу ҳодиса, аввало, Навоийнинг Шайх Равосий билан бўлган дўстона алоқаларининг нохуш оқибатларида ўз ифодасини топган.

Шоир «Мажолис ун-нафоис»да шайх ҳақида шундай ёзади: «Шайх Садриддин Равосий-ул дағи Шайх Зайниддин хулафосидиндур. Шайх зебо ва раъно эрди. Шакли дилписанд ва ҳақойиқ<sup>8</sup> ва маориф айтмоғи дилфиреб<sup>9</sup> эрди. Шариф суҳбатига фақир мушарраф бўлдум. Бадахшон шоҳиғаким, анга

мурид бўлуб эрди. «Фусус»<sup>10</sup> дарс айтур эрди, кўнглумни басе сайд қилди. Замон подшоҳи (яъни Абу Сайид Мирзо. – М.М.) ҳам шайх мулозаматига<sup>11</sup> етар эрди, ўзга халойиқга худ не етгай!..»

Алишер Навоий мақоланинг сўнгги жумласини маънодор ва истеҳзоли тугатади. Бу ерда у шоҳнинг шайх мулоқотига ҳеч кимни киритмаслик ҳақидаги фармони ни назарда тутати. Бобур «Бобурнома»да Навоийнинг Ҳиротдан сургун қилинганлиги ҳақида «... билмон не жарима била Султон Абусаид Мирзо Ҳиридин ихрож қилди», деб ёзади. В.Бартольд эса «Мир Алишер и политическая жизнь» («Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт») китобида шоирнинг Самарқандга сургун қилинишига, аввало, унинг ҳокимиятни қўлга олиш учун тайёргарлик кўриб юрган Ҳусайн Бойқаро билан дўстлиги ва Абу Сайид Мирзо фармони ни бузиб, шайх Равосий билан доимий мулоқотда бўлишини асосий сабаб қилиб кўрсатади. Бизнингча, Абу Сайид Мирзо Навоийга Равосийдан кўра Мирзобекни кўпроқ рашк қилган. Хукмдор шогирдни устоздан ажратиш мақсадида фазлу камолот чўққиларини эгаллаётган Мирзобекни, у хоҳтамаса-да, саройга ишга олган. Шоир:

Ёрдин эл рашкидин бўлдум жудо, бўлғай эли,  
Илтифотин ғайр ила кўрмакка тоқат кошки, –

байтидаги «эл рашки» орқали Мирзобекни рашк қилган Абу Сайид Мирзодек ичи қора одамларни назарда тутган бўлиши эҳтимолга яқиндир. Тасаввуф халқ бошига оғир кунлар тушганида, уни нафақат ташқи, балки ички душманлардан ҳам мардона ҳимоя қилишни тақозо этади. Абу Сайид Мирзо Навоийни ана шундай таълимотнинг фаол тарғиботчиси, хавфли душман деб билган ва унга қарши шеърлар ёзаётганига ҳам шубҳаланмаган. Бизнингча, шоирни Ҳиротдан «ихрож» қилишнинг бош сабаби шу бўлган. Абу Сайид Мирзонинг Равосий ҳузурига бошқаларни, жумладан, муршид Навоийни киритмаслик ва уни Самарқандга сургун қилиш ҳақидаги фармонлари бу – илғор фалсафий тафаккурнинг халқ оммасига ёйилишига тўсқинлик қилишнинг бир кўриниши, албатта.

Аллома устозига ёзган маснавийсида Абу Сайиднинг Самарқанд элини хонавайрон қилгани ва унинг ерлари бойқушларга макон бўлганини фош қилади:

Ҳам эл манзилин шаҳ катакдек бузуб,  
Товуғ ўрнига чуғз ўлтурғузуб.

Шоир Абу Сайид Мирзо ва унинг амалдорлари зулми ҳақида шундай ёзади:

Ҳам авқофни садр амлок этиб,  
Вале кўпрагин май учун ток этиб.

«Садди Искандарий»да эса Абу Сайид тақдирини шоҳларга ибрат қилиб кўрсатади. Элга зулм қилган Абу Сайид кўшинга ҳам яхши қарамади. Шу боис навкарлари уруш вақтида уни тутиб, қарши томонга топширадилар ва у қатл этилди.

Ҳусайн Бойқаро Хуросон тахтини эгаллагач, Навоийни саройга ишга таклиф қилади. Ватанини ва яқинларини беҳад соғинган шоир бундай хабардан ғоятда севинади ва сургун азобларидан қутулиб, Ҳиротга қайтади. У «Ҳилолия қасида-си»да Ҳусайн Бойқарони жуда кўп фазилатлар соҳиби сифатида мадҳ этади ва уни «азалдин» шоҳ қилиб яратиш Тангрининг муроди бўлганини урғулайди. Унинг ой бошида тахтга ўтиришини энг табаррук байрам, деб билади. Ҳилол уч кунлик ой бўлиб, Навоий уни ёш янги давлат ва шоҳ маъноларида қўллаган. Ҳусайн Бойқаро дўсти Алишер Навоийни аввал муҳрдорлик лавозимига тайинлайди. Бироқ у айни замонда муршиду мураббийлик фаолиятини ҳам давом эттиради. «Лисон ут-тайр»да ёзилганидек, у давлат ишлари билан банд бўлганида беназир мусоҳиби Ҳожи Муҳаммад толиблар билан машғулот ўтказади.

Ҳусайн Бойқаро орадан маълум вақт ўтгач, Навоий билан баҳамжиҳат ишлаганида ҳокимиятни муваффақиятли бошқариш ва Хуросонда қудратли янги давлат барпо қилиш мумкин, деган хулосага келади. У дўстини бош амирлик лавозимига кўтарар экан, энг масъулиятли диний-маънавий ва маданий-маърифий соҳани бошқаришни унга топшириб, ҳурмат юзасидан уни Амир Низомиддин, яъни диний низомлар амири деб атайдди. Соҳа ва унинг ривожини учун барча керакли маблағни унга ажратилган манбалар даромадидан олишни тайинлайди.

Орадан кўп вақт ўтмай, бош амир қўлида катта қурилишларга етарли маблағ тўпланади. У Ҳусайн Бойқаро билан келишиб, режа асосида аввало «Ихлосия», «Низомия», «Хусра-



вия» мадрасалари, «Халосия», «Шифоия» ва «Жамоатхона» хонақоҳларини бино қилдиради. Сўнгра Амир Бурҳониддин Атоуллоҳ Нишопурий, Қози Ихтиёриддин Ҳасан Турбатий, Амир Муртоз, Навоий Охунд деб ҳурмат қилган Мавлоно Фасиҳиддин Муҳаммад Низомий, Амир Жамолиддин Атоуллоҳ Асилий, Амир Садриддин Иброҳим Машҳадий, Хожа Имомиддин Абдулазиз Абҳарий, Мавлоно Гиёсиддин Муҳаммад бинни Мавлоно Жалолиддин, Амир Бурҳониддин ва Мавлоно Каримиддин Даштбаёзийдек забардаст маслакдош мударрисларни ишга тайинлайди. Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ»да ёзишича, Навоий қарийб қирқ йил давомида мударрис олим, қомусий илмлар соҳиби Фасиҳиддин Муҳаммад Низомий кўмагида тариқат мактабу мадрасалари учун дарслик, қўлланмалар танлаш ва муаллифлар хатоларини тузатишдек муҳим иш билан ҳам шуғулланган. Устозлар толибларга зоҳирий ва ботиний фанлардан теран билим-кўникмалар берадилар ва шогирдларидан илм билан бир қаторда маънавий баркамоллик ва ўз касбларини мукаммал эгаллаб, ҳатто меҳнат – ризқ билан яшашни талаб қиладилар. Шоир унинг мадрасаларида ўқимоқчи бўлган толиби илмлардан шахсан ўзи имтиҳон олади. Улар орасидан энг қобилиятлиларини ўз мактабига қабул қилади, улардан етук халифаю мусоҳиблар ва янги давлат учун муносиб раҳбар ходимлар тайёрлайди. Хондамир «Мақорим ул-ахлоқ»да ва Восифий «Бадосъ ул-вақосъ»да ёзишича, ёшликларида шоирга имтиҳон топшириш учун келганларида унинг ҳузурда бир қатор ёшларнинг синовдан ўтаётганликларини кўрадилар.

Навоийнинг пиру устозлари ва ёру дўстлари Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг турли гўшаларида яшаётган мухлислари кўмагида барча шароитга эга тариқат мадрасаларини кенг тарғиб этадилар. Мударрислар ҳам узоқ-яқиндан келган толиблари орқали бу ишга ўз ҳиссаларини қўшадилар. Навоий Хуросон ва Мовароуннаҳрда нафақат Равосий ва Мавлоно Халилуллоҳ каби касбни мукаммал эгаллаган комил инсонларни, балки тариқат мадрасалари учун қобилиятли толиб илмларни ҳам излаган. Чунончи, у устози Фазлуллоҳ Абул Лайсийнинг икки ўғли: Хожа Хоҳанд, Хожа Абулқосимни ва Абдул Мўминий таҳаллусли шоир йигитни Самарқанддан Ҳиротга чақириб, ўқишга жойлаштиради ва уларни моддий жиҳатдан таъминлайди. Шу тарзда ўқув даргоҳларига кирувчи ва бити-

рувчилар йил сайин кўпайиб боради. Бинолар қурилгандан кейинги 20 йил давомида фақат «Ихлосия» мадрасасида минглаб баркамол инсонларнинг етишиб чиқиши шундан далолат беради. Диққатга сазовор жойи шундаки, бир қатор теурий мирзолар ва давлатли кишилар Навоийдан ибрат олиб, ўз номлари билан аталувчи тариқат мадрасаларини бино қилдилар. Бу ҳодиса мадрасани битириб чиққан баркамол инсонларнинг янада кўпайишига олиб келди. «Бобурнома» каби манбаларда Хуросоннинг барча шаҳар ва қишлоқларида, айниқса, Ҳиротда бир касбни мукамал эгаллаган фозил ва комил инсонлар жуда кўп бўлгани ёзилади. Навоий мамлакатнинг кўркам ва обод бўлишига алоҳида эътибор қилади. Шу боис Хуросонда, айниқса, Ҳиротда жуда кўплаб шинам бинолар қад кўтариб, пойтахтнинг қиёфаси тубдан ўзгаради.

Давлатшоҳ Самарқандий Навоийнинг Ҳиротни ва Муҳаммад Мустафо (с. а. в.)нинг Мадинани обод қилишлари ўртасида ўхшашлик кўради:

Ҳамчунон к-аз мақдами саййид шуда Ясриб азиз,  
Гашта дорилфазли олам аз вужуди ў Ҳири, —

(Яъни, Мадина (Ясриб) пайғамбаримиз туфайли азиз бўлганидай, Ҳирот ҳам Навоий туфайли фазилатлар маконига айланди.)

Бир умр халқ гаму ташвиши билан яшаган улуғ инсон аҳоли эҳтиёжини ўйлаб, мадраса, хонақоҳ ва шифохоналардан ташқари. Ҳирот ва унинг атрофларида 16 кўприк, 9 ҳаммом, 19 ҳовуз, 53 работ, 14 масжид бунёд этади; қимматли эски бинолар эса таъмирланади. Навоий қурилишда уста ва мардикорлар билан ёнма-ён ишлайди ва қурувчиларни руҳлантиради. У илму фан, санъат ва маданият аҳлини моёна билан таъминлайди. Энг яхши санъат асарлари ва моҳир ҳунармандлар хизматларини мукофотлар билан тақдирлайди. Халқнинг моддий аҳволи оғирлашганида, Ҳирот ва унинг атрофида яшовчи аҳолининг кепаки солиғини ўзи, Тошкент шаҳрининг солиғини эса Хожа Аҳрор Вали билан бирга тўлайди. Хазина бўшаганида давлатга пул-моллар билан ёрдамлашиб туради. Улуғ инсон қаровчисини йўқотган ногирон ва муҳтожлар ҳақида ҳам ўйлаган. Ҳар куни улар учун дошқозонда овқат тайёрлаган. Ўзига ажратилган ерлардан келадиган даромаднинг ҳам-

масини йил давомида эзгу ишларга сарфлаб келган. Йил охирида солиққа тўлайдиган маблағ қолмаганидан закотдан озод қилинган.

Худди шунинг учун Бобур «Бобурнома»да Навоий ҳақида: «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай», деб ёзади.

Шоирнинг Султон Ҳусайн Хатмийдек замондошлари унинг кўп соҳада, жумладан, ҳимматда, яъни моддий ёрдам беришда камол топганини мамнуният билан ёзади. Давлатшоҳ «Тазкират уш-шуаро» асарида шоирни коинотга нур ва ҳарорат бахш этувчи қуёшга ўхшатиб, шундай ёзади: «Бу улуғ амирнинг мақбул ишлари ва қутлуғ зикри рубъи маскуннинг барча мамлакатларида маълум, фазилатининг дабдабаси ва олий ҳимматининг камолоти бутун оламга ёйилгандир. Бу хусусда нима дейилса ҳам ибрат бўлғусидир».

Улуғ мураббий ёшларни нафақат таълим-тарбия жараёнида, балки асарларида ҳам комилликка даъват этган:

Камол эт касбким, олам уйидин  
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.

Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ —  
Эрур ҳаммомдин попок чиқмоқ.

Шоир мазкур байтда касб сўзининг сермаънолигидан фойдаланиб, «камол эт касб»ни фақат касбни мукамал эгаллагин эмас, балки «камол касб эт», яъни камол топгин, комил бўлгин, маъносида ҳам қўллаган.

У ишқнинг инсон камолотидаги мавқеига алоҳида эътибор қилади:

Эй Навоий, ишқ такмилинким айлар пири дайр.  
Ғар камол истарсен, ўзни тортқил комилғача.

Навоийча, инсон нафақат Аллоҳни, балки Инсонни ҳам астойдил севиши ва ўз ишқини олижаноб сифат ва фазилатлар билан такомиллаштириб бориши керак. Бинобарин, у бу борада нафақат ижодида, балки ҳаётида, мураббийлик фаолиятида ҳам ибрат кўрсатади, замондошларини Аллоҳ ва инсонни тобора кўпроқ севиб, комил бўлишга даъват этади. Комил

инсон ғоясини нафақат лирик асарлари, балки бутун ижодида, айниқса, «Садди Искандарий», «Фарҳод ва Ширин» дostonларидаги ижобий қаҳрамонлар тимсолида кенг тарғиб этади. Фарҳоднинг шоҳлик амалини рад этиб, илму ҳунарни мукаммал ўрганиши ва ҳаётга татбиқ этиши, дину миллатидан қатъи назар, арман қизи Ширинни севиши, унинг ватанида ариқ қазиб, тоғдан сув келтириши ва катта ҳовуз бино қилиши, арман ерини босиб олмоқчи бўлган Хусрав қўшинига қарши мардона жанг қилиши, поклик, самимийлик, жасурлик каби хусусиятлари комил инсонга хос сифатлардир.

Шоир олий мақсадлар томон дадил ҳаракат қилар экан, риёий ва бадбин, яъни иккиюзламачи ва дунёдан ноумид руҳонийлар қаршилигига дуч келади. Навоий уларни маънавий камолот ва ижтимоий тараққиётнинг ашаддий душманлари деб билади ва:

Кетур соқий, ул майки, субҳи аласт,  
Анинг нашъасидин кўнгул эрди маст, —

матлали машҳур таржиъбандида риёий шайхни зоҳирда майхўр ринд, ботинда Аллоҳ ишқи билан маст садоқатли ошиқ тилидан кескин фош қилади: Ринд тариқат йўлига кирмасдан аввал сафо, яъни ёруғлик, поклик истаб хонақоҳга боради, бироқ шайхнинг кирдикорларидан ҳафсаласи пир бўлиб қайтади. Сўнгра май ичиш мақсадида сопол қадаҳ кўтариб, майхона томон йўл олади. Йўлда риёкор шайхлар унинг йўлини тўсади ва қадаҳини синдириб, орқага қайтармоқчи бўладилар. Жасоратли ринд уларнинг қаршилигини бартараф қилиб, синиқ қадаҳ билан ошуфтаҳол майхонага кириб боради:

Сафол ичра бир журъа лое манга,  
Эрур жоми гитийнамое манга.

Кетармакка худбинлигим ранжини,  
Қани бода янглиғ давое манга.

Чу мен дайр пири вафосидамен,  
Фалакдин етишмас жафое манга.

Фалакдин жафо етса, эй муғбача,  
Не ғам сендин ўлса вафое манга.

Тариқат сулукини касб эткали,  
Ҳамул кунки, бўлди ҳавое манга.

Бурун зуҳду тақвони айлаб шиор.  
Дедимким, етишгай сафое манга.

Бориб хонақаҳ ичра қилдим мақом,  
Бу маъно худ ўлди балое манга.

Боқиб хилвату зикру сажжодани,  
Зухур этти ҳар дам риёе манга.

Булардин ўзумни халос айладим  
Ки, то ҳосил ўлгай фаное манга.

Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,  
Май истарга илгимда синған сафол.

Ринд Аллоҳнинг ишқу иштиёқи бўлган майни худбинлик азобидан қутқарувчи даво деб билади. У тариқат пирига вафо қилганида, фалакдан жафо етмайди, деб ўйлайди. Фалакдан жафо етганида уни муғбача қутқаришига ишонч билдиради. Бу билан у мураббийнинг доно мусоҳиби муғбачани қудратли илоҳий хилқат сифатида пирдан устун қўяди. Бу эса Навоийнинг ўз мусоҳибларини фавқулодда бир меҳр билан севишининг асосий сабабларидан бири. Хуллас, ринд майхонада софлик – ёруғлик, поклик кўриб, тариқат сулукини қабул қилади. Мазкур шеърда май – Аллоҳнинг ишқи, майхона – тариқат аҳли тўпланиб, муршиддан таълим-тарбия олувчи маскан, ринд – Тангри ишқи билан маст дил аҳли (ошиқ сўфийлар), қалаҳ – унинг қалби, йўл – Аллоҳга элтувчи хилма-хил тўсиқларга эга тариқат йўли маъносида келган. Шоир таржиъбандда сўфийлик атамаларидан фойдаланиб, тариқат машаққатли йўл, бинобарин, унинг тўсиқларини пир раҳбарлигида сабот билан енгиб, камол топган инсонгина Ҳаққа етишади, деган фалсафий ғояни олға суради.

Тариқат пири Навоий билан халқни Ҳақ йўлдан оздираётган маккор шайх ўртасидаги ғоявий кураш тобора кескинлашади. Энди шоир унинг кирдикорларини бевосита ўз тилидан янада кескинроқ очади:

Хонақоҳда ҳалқайи зикр иҷра ғавғо қилди шайх,  
Аҳли диллар нақди авқотини яғмо қилди шайх.

Ул бири дом эрди, бу бир дона эл сайди учун,  
Ҳар қачонким азми тасбиҳу мусалло қилди шайх.

Тўқ чиқиб хилватдин, ўзни рўза деб, жуҳҳолдин  
Асру кўп нодонни ўз тавриға шайдо қилди шайх.

Бовужуди масху нодонлиқ мурид айлар учун  
Кўп ўзидин масху нодонроғни пайдо қилди шайх.

Яъни шайх хонақоҳда зикр ҳалқасида шовқин-сурон солди ва уни кузатаётган дил аҳли — сўфийларнинг қимматли вақтларини барбод этди. У тасбеҳни олиб хонақоҳ томон юрганида, унинг тасбиҳи элни овлаш учун дона, хонақоҳ эса тузоқ вазифасини бажаради. Шайх хилватда қорнини тўйдириб, бошқаларга ўзини рўзадор қилиб кўрсатади. Жоҳиллар орасидан жуда кўп нодон одамларни ўз қилиқларига шайдо қилади. У мурид овлаш учун ҳар хил хунук қиёфага киради ва ўзидан ҳам хунуқроқ, нодонроқ одамларни кўпайтиради. Энди «шайх» радифли иккинчи бир ғазалга эътибор қилайлик.

Риёий шайх Навоийни Тангрини севгани учун қоралайди. Шоир эса уни бемаъни сўзлари учун аввал «сода», яъни гўл, нодон, сўнгра «лода», яъни аҳмоқ шайх деб атайди:

Мени ишқдин манъ этар сода шайх,  
Дема сода шайх, айтким лода шайх.

Навоий фикрича, Тангрига муҳаббат бевосита эмас, балки «сода юзлуг», яъни пок юзли йигитлар орқали изҳор этилади. Шайхнинг унга қаршилик кўрсатиши эса ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас:

Навоий тилар сода юзлуг йигит,  
Не ғам гар ани манъ этар сода шайх.

Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»нинг «Риёий шайхлар зикри» фаслида иккиюзламачи шайхнинг жирканч қиёфасини ўткир муқоясалар орқали янада аниқроқ ва ҳаққонийроқ очади: Шайхи риёий — миседур, олтун била рўкаш таши хушнамо ва ичи но-

хуш. Сурати дарвешваш ва маъниси саросар ғаш. Оросталиғи барча қайд (кишан) ва каромати тамом шайд (ҳийла, фириб). Амомаси риёсат юки (салласи бошқарув юки), бошида бир фосид хаёл (бузуқ хаёл) ҳар туки барча калимоти (сўзлари) ҳийлаланганез ва мажмуъ (барча) ҳаракати гаразомез. Воқеаси бори ясалгон (ҳолатлари ясама). Уйғоқлиғида дегани барча ёлгон.

Ҳайҳот-ҳайҳот, уят, юз минг уят! Турфа (қизиги) бу ким, бу мазҳарға (ҳозир бўлганлар орасида) муридлар ҳам бор, хизматида барча шефтау қарор (ҳозир у нозир).

Навоийча, риёсий шайх сохта нутқу ҳаракатлари билан сода одамлар онгини заҳарлаётган ва жамиятнинг маънавий тараққиётига ғов бўлаётган энг хавфли маккор шайтондир. У — ўз қилмишлари учун ўлимга маҳкум. Унинг минбарини ҳам, ўзини ҳам ўт ёқиб қуйдириб ташлаш керак:

Ул шайхки, минбар уза афсунға берур тул,  
Шайтондур ўзи, мажлисининг аҳли суруқ ғул.

Ғафлатдин агар ваъз ила уйғотсалар элни,  
Ул айлар уютмоқ учун афсонаға машғул.

Боштин аёғи минбарининг пояси достон,  
Ҳам ўзию ҳам маърифати жоҳилу мажхул.

Кўрмай хирад асҳобида бир фардни оқил,  
Топқай киши афсунида бир нуктани маъқул.

Ҳар неки ҳадис оти қўюб, барчаси мавзуъ  
Нақлики машойихдин этиб, бориси мажхул.

Юз пора қилиб, минбари ўт ёққали авло,  
Бу шарт илаким, бўлса ўзи қотилу мақтул.

Иблис сифат эл сари майл этма, Навоий,  
То бўлмағасен зарқу риё қайлида маълул.

Халқ онгининг ўсишига нафақат риёсий шайхлар, балки бадбин зоҳидлар ҳам салбий таъсир кўрсатдилар. Ваҳдат улвужуд фалсафаси асосида ижод қилган Навоий қуйидаги рубоийда ўз дунёқарашининг баъзи муҳим масалалари бўйича дунёдан ноумид зоҳид билан баҳслашади ва уни ринд тилидан шундай фош қилади:

Зоҳид, сенга хур, манга жонона керак,  
Жаннат санга бўлсун, манга майхона керак.  
Майхона аро совию паймона керак,  
Паймона неча бўлса тўла, ёна керак.

Шоирнинг тафаккурича, Аллоҳ борлиқда бўлиб, коинотнинг гултожи Инсонда мукаммал акс этади. Тангри оламу одамни мукаммал яратибгина қолмай, уларнинг янада мукаммалроқ бўлишини истади ва буни инсондан талаб қилди. Шунга кўра, инсон нафақат Аллоҳни, балки табиат ва жамиятни ҳам садоқат билан севиши, илму ҳунарни мукаммал эгаллаб, Ватанини янада обод этиши, ўзи ва ватандошларини янада комилроқ қилиб тарбиялаши керак. Зоҳид эса у дунёни, жаннат ва унинг хурларини севишни тарғиб этади. Дўзах азоблари билан кўрқитади. Одамлар кўнглини Аллоҳ яратган гўзал оламдан совутади. Шоир ўз қарашларини Ҳақ деб биледи ва жоҳил руҳонийга истеҳзо билан, зоҳид, сенга жаннат хури бўлсин, менга гўзал Аллоҳ ва Ҳақ йўлдаги пок гўзал инсонлар керак. Жаннат сенга бўлсин, менга майхона, яъни Тангри яратган гўзал олам ва инсонларни камолот ва саодатга етказувчи муқаддас таълим даргоҳи керак. «Майхона аро» соқийси, яъни Тангрининг ҳузурбахш каломи билан маст этувчи меҳрибон мураббийси ва паймоналар тўла майи, яъни Аллоҳнинг чексиз ишқу иштиёқи керак, дейди.

Улуғ муршид зоҳиднинг хунук қиёфасини қуйидаги рубоийсида янада қатъийроқ фош қилади:

Қўрқутма мени тамуғдин, эй зоҳиди ях!  
Жаннат манга бўлғуси дебон урма занач!  
Ким дўзах анинг ёди била жаннат эрур,  
Жаннат бори сенинг биладур дўзах!

(Яъни: Эй совуқ зоҳид, мени дўзах билан кўрқитма! Мен жаннатга кираман, у меники деб беҳуда вайсама! Дўзах Тангрининг ёди билан менга гўё жаннатдир. Сенинг билан бирга бўлган жаннат эса — дўзах!)

Зоҳид одамлар кўнглини Аллоҳ яратган бебаҳо дунё ва инсонлардан совутади, қимматли умрга нафрат уйғотади. Шоир эса уни севиш, қадрлаш ва мазмундор ҳаёт кечиришга даъват этади:



Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,  
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.  
Ҳар неники. севмак андин ортуқ бўлмас,  
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

Навоийнинг ўткир фалсафий танқидий қарашлари муҳолифларини ғазаблантиради ва улар шоирни ахлоқсиз, дея ҳар хил фитналар тарқатадилар.

Хуллас, жафокаш улуғ даҳо Абу Сайид Мирзо зулми билан машаққатли кунларни бошдан кечирган, фитналар таъсирида халифаси Мирзобек ва мусоҳиби Мирдарвешдан жудо бўлган бўлса-да, Ҳусайн Бойқаро замонда риёний шайхлар, бадбин зоҳид, нуфузли бек ва хушомадгўй амалдорларнинг тўсқинликларига қарамай, янги фозил давлат ва жамият қуришдек улуғ мақсадга эришади.

## ЁР – МЕҲРИБОН АЛЛОҲ ВА ТАРИҚАТ АҲЛИ

Навоий кимларни, қандай сифату фазилатлар соҳибларини ёр деб атагани ва мусоҳиб шогирдларини муносиб фазлу камол эгалари қилиб тарбиялаш йўлида чеккан ранжу машаққатлари, бироқ орқага қайтмай мақсадга томон дадил ҳаракат қилгани ҳақида баҳс юритайлик. У аввало, одаму оламни мукамал яратган энг юксак сифат ва фазилатлар соҳиби Тангри таолони ёр деб тилга олади. Сўнгра Навоий тариқатдаги пок, фозил, комил дўсту биродарларни, жумладан, шоҳ Ҳусайн Бойқаро ва унинг саройида юқори лавозимларда хизмат қиляётган билимдон, меҳрибон шогирдлари, унга таълим берган пиру устозлари, Мирзобек ва Ҳожи Муҳаммаддек беназир халифаю мусоҳиблари, Шайхим Суҳайлийдек азиз маслакдошлари, Шайх Равосийдек истеъдодли муршиду мураббийларни ёр деб атаган.

Аллоҳ одамни чексиз севганидан уни ва оламни гўзал ва мукамал қилиб яратди. У одаму оламнинг янада гўзалроқ ҳамда мукамалроқ бўлишини истади ва бу вазифани инсон зиммасига юклади. Улуғ муршид Навоий ёшлигидаёқ Тангрининг бу талабини бажаришга қатъий аҳд қилди. У балоғатга етгач, Парвардигорнинг бу талабини, аввало, Ҳусайн Бойқаро ва пиру устозлари Абдураҳмон Жомий, Сайид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад раҳбарлигидаги маърифат аҳли,

сўнгра мадрасаларда таълим бераётган мударрису олимлар ва ниҳоят Шайхим Суҳайлийдек маслакдош дўстлари ва халифаю мусоҳиблари кўмагида шараф билан амалга оширади.

«Хазойин ул-маоний»нинг биринчи ғазали мағлаида Тангрини Қуёш ва Ёр деб атайди, севгини Аллоҳга элтувчи энг муқаддас туйғу деб билади:

Ашрақат мин акси шамсил-каъси анвор ул-худо,  
«Ёр аксин майда кўр» деб жомдин чиқди садо.

Улуғ мутафаккир мазкур байтида Аллоҳни астойдил севган садоқатли пок инсон унинг висолига мушарраф бўла олади, демоқчи бўлади ва буни Тангрига етишишнинг энг тўғри йўли, деб ҳисоблайди. Шоир ғазалда китобхонга «Сен гумон қилгондин ўзга жому май мавжуд эрур», деб мурожаат қилади ва «жом», «май» каби сўфийлик атамаларининг туб маъносини билмасдан, шеърларнинг асл мазмун ва моҳиятини тушуниб бўлмаслигига ишора қилади. Мазкур мисрада коса, жом — қалб, кўнгил; май — Аллоҳнинг ишқу иштиёқи ва тажаллиси (кўриниши) маъноларида келган. Комил муршид Тангрига унинг борлиги ва одаму оламни яратгани учун чексиз миннатдорлик билдиради, шукроналар айтади:

Оламу одам филонг ўлсунки борсен, эй ҳабиб,  
Сен ғараз инсондин, ар оламдин инсондур ғараз.

Шоир Аллоҳга мурожаат қилиб, одамни ўзинг учун, ўз қудратинг ва жамолингдан завқланиш учун, оламни эса инсон учун яратдинг, дейди.

Айрим тадқиқодчилар мазкур байтда шоир Аллоҳга эмас, балки Муҳаммад пайғамбарга мурожаат қилмоқда, «ҳабиб» деб Муҳаммад (с. а. в.)ни назарда тутмоқда, дейди. Бироқ, биринчи мисрадаги «борсен» сўзи байтнинг Аллоҳга қаратилганини тасдиқлайди. Зеро, Аллоҳ мангу тирик. Пайғамбаримиз эса дунёдан ўтган. Иккинчидан, шоир «оламдин инсондур ғараз», яъни олам инсон учун яратилди, деганида, Тангри оламни айрим шахс учун эмас, балки башарият учун яратганини тасдиқлайди. Бу билан у инсон зотининг улуғворлигини, илоҳийлигини, Тангрининг эса унга чексиз меҳрибонлигини урғуламоқчи бўлади. Унинг беҳад меҳрибонлиги инсонга «инна

минка анта минни» сўзидир, яъни мен сендамен, сен менда-дурсан, деб мурожаат қилишида ҳам ўз нозик ифодасини топган. Худди шунингдек, Навоий истеъдодли шогирдларини ҳам ҳабиб деб атайди ва нодир инсонлар сифатида мадҳ этади.

Ёр мураккаб тимсол бўлиб, хилма-хил маъноларга эга:

«Ёр аксин майда кўр» деб жомдин чиқди садо;  
Паҳлавон эрди менинг ёриму бир шўх анисим.

Навоий 1460 йилларда етишган ва бемаҳал дунёдан ўтган ажойиб халифаси Мирзобек ва мусоҳиби Мирдарвешни:

Андаким, ҳажр камиятин сўрдум,  
Бир-икки ёр санга топшурдум, —

деб эсласа, беназир мусоҳиблари — 1470 йиллар бошида етишиб 1484—1485 йилларда вафот этган Ҳожи Муҳаммад ва 1480 йиллар бошларида вояга етган Мир Иброҳимни ҳам ёр деб атайди:

Икки ёр эрди манга номехрибону мехрибон,  
Мехрибон борди, қолиб номехрибон дарду гами.

Улуғ даҳо Тангрини беҳад севади, соғинади ва висолини қўмсайди.

Тасаввуфнинг асосчиларидан бири, улуғ руҳшунос олим Ал-Ҳасан ал-Басрий (ваф. 728 йил) асарларида ва шогирду издошларининг нутқу тарғиботларида Тангрини самимий севиш, соғиниш, унга яқинлашиш ва у билан бевосита алоқа қила олишга ишониш ғоялари олға сурилади.

Сўфийларнинг исонпарварлик қарашлари ўз даврининг олиму шоирлари ижодига самарали таъсир қилди. Уларнинг анъаналарини кейинги асрларнинг улуғ сиймолари муносиб давом эттирдилар.

Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳод тилидан руҳ «танга пайваст» бўлмай Тангрига ошиқ бўлганини ёзади:

Деди: Қай чоғдин ўлдунг ишқ аро маст?  
Деди: руҳ эрмас эрди танга пайваст.

Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонида ҳикоя қилишича, меҳрибон Аллоҳ уни кўкка кўтаради. Шоир буни дostonда шундай тасвирлайди:

Ногаҳ ўшул хайл аро қотилваше,  
Ҳусну малоҳат майидин сархаше.

Юз гул очиб май ўти рухсоридин,  
Зоҳир алардин бири дасторидин.

Ҳусни ўти шуъласи гулзор ўлуб,  
Ҳар сори гулзорида гулнор ўлуб.

Хол неким, даф қилурға газанд,  
Ўтида кўз мардуми ҳар ён сипанд.

Қошлари ой узра муанбар ҳилол,  
Аҳлни девона қилиб ҳар ҳилол.

Йўқки улус қатлиға ул қошлар,  
Машварат этмакка қўшуб бошлар.

Ҳусн зуҳуриға гириҳ қошида,  
Зеб учун ул шамраки «нун» бошида.

Сумбули зулфи гириҳ узра гириҳ,  
Қайси гириҳким, зириҳ узра зириҳ.

Сафшикан ул турки баногўш ўлуб,  
Қатл хаёлиға зириҳпўш ўлуб.

Ноз ила ўтлуғ кўзи ҳар ён боқиб,  
Зухду ваъра хирмониға ўт ёқиб.

Дуди ул ўтнинг сафи мижгон аро,  
Чун етибон барчасин айлаб қаро.

Сурмасиз ул кўз қароу пурфусун,  
Ондин ўлуб кўзга жаҳон сурмагун.

Лаълида хай қатраси ғалтон томиб,  
Йўқки, бақо чашмасидин жон томиб.

Хаттини ҳар сори ҳаёт аҳли бил,  
Хизрлар ўлгон зулумот аҳли бил.

Қатралар ул ғабғаби дилхоҳ аро,  
Чашма суйидин сизиб ул чоҳ аро.

Ҳар сори мўйи чекибон жон рагин,  
Кофири зулфи узуб имон рагин.

Ҳуллаи гулранг бирла қомати,  
Сарвки гул бўлғай анинг хилъати.

Тунд саманди кўрунуб барқ гом,  
Суръати сайр ичра бўлиб барқфом.

Куймаку ашк ўлса не тонг элга фош,  
Маркаби барқ ўлсау рокиб қуёш.

Гулдек этак санчибу пирохани,  
Тўн этагидин кўрунуб савсани.

Ёғлиғи нақшики, бўлиб гул нишон,  
Савсану гул узра бўлуб гулфишон.

Гулники дастори уза банд этиб,  
Сарву сапидор уза пайванд этиб.

Бу не намудори жалил, эй кўнгул,  
Балки гулистони Халил, эй кўнгул.

Куйдирубон ақлни чобуклиги,  
Титратибон руҳни нозуклиги.

Бўйла балолар била жавлон аро,  
Етса киши бошиға майдон аро.

Туфроқ ўлурдин топа олмай амон,  
Раҳши аёғида замину замон.

Дев нажодеки, қаён гом олиб,  
Йўқки башар, хайли малак қўзғолиб...

### Парчанинг пасрий баёни

... Ногоҳ ҳусну малоҳат майидан кайф қилган бир гўзал кўриниб қолади. Май ўтидан юзида юз гул очилган, бу гулларнинг биттаси салласига қистириб қўйилган. Ҳусни ўтининг алангаси гулзор бўлиб, бу гулзорнинг ҳар томонидан гулнор очилиб ётибди. Холи ҳар қандай балони дафъ этувчи, унинг ўтида кўз қорачиги ёниб; ҳаммаёққа нсириқ бўйини тарқатади. Қошлари ой юзининг устидаги хушбўй янги ой; унинг иккаласи ҳам ақлни девона қиладиган даражада чиройли!

Янада тўғрироғи, бу қошлар ошиқларни ўлдириш учун ўзаро маслаҳатга ўтириб, бошини бошига қўшган. Ҳуснини намоён қилиш учун у қошида (жингалак) тугунлар ясаган. Ўзига зеб бериш учун «нун» ҳарфига ўхшатиб ясалган бу тугуннинг устидаги нуқта шамранинг уруғига ўхшайди. Сумбул сочларида тугун устига тугун, бу тугунлар тугун эмас, ҳалқа устига ҳалқалардир. Унинг зирак таққан қулоқлари сафни ёриб ўтувчи турк аскарларига ўхшайди; гўё у ўлимни ўйлаб, устидан темир совут кийиб олган. Чақнаган кўзи ноз билан ҳар томонга боқади; бу билан зоҳидлар ва тақводорлар хирмонига ўт ёқади. Бу ўтнинг тутуни киприклар сафининг орасидан ўтганда, уларнинг ҳаммасини қорайтириб қўяди. Унинг кўзлари сурма қўймаса ҳам қоп-қора, фусункор, жаҳон бу кўзлар туфайли сурма рангига кирган. Лаъли лабида бир қатра тер думалоқ бўлиб турибди; у мангулик чашмасидан томган битта жонга ўхшайди. Мўйлаб тукларининг ҳар биттасини ҳаёт майсаси дейиш мумкин, улар Хизр турган қоронғи зулматдан ўсиб чиққан. Кишиларга орзу бўлган бағбақасида қатра-қатра сувлар кўринади, бу бағбақа чуқурчасига сув ўша чашмадан сизиб тушган. Ҳар мўйи жон томиридан тортиб, кофир зулфи эса имон томирларини ҳам юлиб оладиган. Унинг гулранг ипак либосдаги қомати гулдор кийимга ўралган сарвга ўхшайди. Унинг чопқир оти яшиндай тез қадам босади; сайр қилиб юриб яшиндай чақнайди. Унинг оти яшин бўлиб, устига минган ўзи қуёш бўлгандан кейин уни кўриб эл-халқ куйса, йиғласа, ажабланмаса ҳам бўлади. Гул сингари, этагини (белига) қайирганидан кейин, тўнининг этагидан унинг савсан ранги-

даги кўйлаги кўзга ташланади. Белидаги рўмол расмлари гул кўринишида бўлиб, савсан ва гулзор ўстидан гул сочаётганга ўхшайди. Дасторига битта гулни қистириб кўйгани сарв ва теракка гулни пайванд қилганларини эслатади. Бу қандай гўзал манзара ўзи, эй кўнгил! Бу Халил ўзини урган гулистоними-кан, эй кўнгил!

Чаққонлиги ақлни куйдиради; нозиклиги руҳни титратади. Майдонда турган кишининг бошига у тўполонда шунча балолар етса, тупроқ бўлиб кетишдан ўзини сақлай олмайди. Ахир бутун замин у замон ҳам у гўзалнинг отининг оёғи остида-ку! Унинг девсифат оти қасққа қадам кўймасин, одамларгина эмас, малаклар ҳам безовта.

Шоир кўкда нафақат Аллоҳ, балки унинг ошиқларини ҳам кўради. Аллоҳ ошиқларига илтифот билан яқинлашганида, улар беҳад севинадилар, узоқлашганида эса бетоқат бўлиб қон йиғлайдилар. Тангрининг дўстлари қайси тарафга қарамасинлар, кўзларига фақат Аллоҳ кўринади:

Ошиқ ани билки, эрур дарднок,  
Ҳам тили, ҳам кўзию ҳам кўнгли пок.

Ўзлугидин ишқ ани пок этиб,  
Балки фано ўтига хошок этиб.

Дард ёшурмоқ юзин айлаб сариг,  
Ашк оқизмоқ кўзин айлаб ариг...

Кўзда кўруб ёр юзи ҳайрати,  
Куйдурубон кўнглини кўз ғайрати.

Кўнглидаги ёр ғами рашкидин,  
Қон тўқубон ҳар сари кўз ашкидин.

Қайси тарафким анга бориб назар,  
Дўст жамоли бўлибди жилвагар.

Балки бўлуб ўзлуги ҳам бартараф,  
Кўзки солиб, ёр кўруб ҳар тараф.

(Алишер Навоий. «Ҳайрат ул-аброр», 1989. Насрий матн ва сўзбоши муаллифи А. Ҳайитметов).

Афсуски, мазкур китобда турк сўзи «ғўзал» эмас, «турк соқчиси» деб бузиб таржима қилинади. Белбоғидаги рўмолча — рўмол, қулоқнинг чиройли, юмшоқ жойи баногўш зирак тарзида талқин этилади. Натижада у оддий ўқувчи кўз ўнгида ғўзал маъшуқа қиз қиёфасида гавдаланади.

Шунингдек, «Икки вафоли ёр» ҳикоясидаги бир-бирига чексиз меҳру садоқатли маслакдош икки биродарнинг бири ошиқ, иккинчиси маъшуқа тарзида шарҳланади. Мусаввир ҳам китобга шунга мос тарзда расм чизган.

Навий Тангри юзини гулга, қоматини гулга ўралган сарвга ўхшатади. Сарв, гул сўзларидан ясалган сарви гулрў, сарвигуландом, сарви равон, сарви ноз, гулруҳ, гулюзли, гулўзор каби тасвир воситалари шоирнинг сўфиёна шеърларида, жумладан, «Қаро кўзум», «Кеча келгумдур» каби ғазалларида ҳам қўлланади. Бундай шеърларида санъаткор фарзандларига нисбатан қўлланган воситалар аввало Аллоҳга мансублигига ишора қилади.

Аллоҳ шоирнинг фозил, комил давлат ва жамият қуриш йўлида машаққатли ҳаёт кечириётганини яхши билади. Бинобарин, энг оғир пайтларда садоқатли меҳрибон ёр сифатида ундан шошилиш хабар олади:

Тун оқшом келди қулбам сори ул гулруҳ шитоб айлаб,  
Хироми суръатидин гул уза хайдин гулоб айлаб.

Қилиб мужгонни шабравлар каби жон қасдиға ханжар,  
Белига зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.

Қуёшдек чеҳра бирла тийра қулбам айлагач равшан,  
Менга титратма тушти зарра янглиғ изтироб айлаб.

Келиб ўлтирдию илким чекиб, ёнида ер берди,  
Такаллум бошлади ҳар лафзини дурри хушоб айлаб.

Ки: Эй зори жафокаш ошиқим, менсиз печуктурсен?  
Мен ўлдум лолу айта олмадим майли жавоб айлаб.

Чиқарди шишаи май доғи бир соғар тўло қуйли,  
Ичиб тутди менга юз навъ нозосо итоб айлаб.



«Ки эй Мажнун, пари кўрдинг магарким, тарки ҳуш эттинг?  
Такаллум қил бу соғарни ичиб, рафъи ҳижоб айлаб».

Ичиб. фарёд этиб туштум аёғига бориб ўздин,  
Мени йўқ бодаким, лутфи анинг масти хароб айлаб.

Аниким элтқай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,  
Навойидек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

Манбаларда ёзилишича, Аллоҳ ўз ҳақиқий жамолини қиёмат куни жаннатиларга кўрсатишни ваъда қилган. Шоир ана шу маълумотга асосланган ҳолда, ғазалга шундай хулоса ясайди. «Мен бу фароғатбахш кечада Аллоҳ васлига мушарраф бўлдим. Энди маҳшар тонгини кутиб, тунларни бедор ўтказишга ҳожат қолмади», дейди. Хуллас, шоир ғазалда Аллоҳнинг унга беҳад меҳрибонлиги ва яқинлигидан гоят севинади.

«Жудо» радифли ғазалида Аллоҳга «Ё, Раб!» деб мурожаат қилади ва Навоийга «барчадин айру» васлингни насиб этдинг, энди уни васлингдан, васлингни эса ундан жудо қилмагил, деб илтижо қилади:

Барчадин айру Навоийга қилиб васлинг насиб,  
Қилмагил, ё Раб, ани мундин, муни ондин жудо.

Бу ерда шуни эслатиб ўтиш лозимки, ақидага кўра, Аллоҳнинг зоту сифоти беқийёсдур. У ҳақиқий жамолини жаннатийларга маҳшар куни кўрсатади. Бироқ Ал-Ҳасан ал-Басрий ёзганидек, Тангри ўзини энг садоқатли дўстларига бу дунёда ҳам турли қиёфада намоён этади, деган қараш ҳам мавжуд.

Навоий меросининг зукко тадқиқотчиси Алибек Рустамий ҳам «Қаро кўзум ким?» номли мақоласида Тангри ўзини яқин дўстларига бу дунёда ҳам турли қиёфада кўрсатади, деган қадимий ақиданинг тўғрилигини тасдиқлайди. «Қаро кўзум»ни от миниб, камон ва ит билан овга чиққан йигит тарзида талқин этади. Афсуски, айрим адабиётшунослар Навоийнинг Аллоҳ висолига мушарраф бўлганини инкор қиладилар.

Меҳру вафо, мардлик ва фидойилик тариқат аҳлининг муҳим сифатларидир. Шоир бундай инсонларни «Икки вафоли ёр» каби асарларида улуглабгина қолмай, ўзи ҳам ҳаётда намуна кўрсатади. Чунончи, Хусайн Бойқаро ҳарбий юришдан

қайтганида, Ёдгор Муҳаммад Ҳирот қалъасини эгаллаган бўлади ва у қўшини билан шаҳардан ташқарида ночор аҳволда қолади. Шунда Навоий бировга сездирмай кечаси икки дўсти билан яширин йўлдан ҳарамга кириб боради ва тахт даъвогарини қатл эттириб, бошини бошқалар орқали шоҳга тақдим этади. Бироқ, бу воқеани камтарлик ва эҳтиёткорлик юзасидан ҳеч кимга, ҳатто шоҳга ҳам билдирмайди.

Улуғ шоир дostonларида, айниқса, «Садди Искандарий», «Фарҳод ва Ширин»да комил инсонларнинг сифат ва фазилатлари ҳақида муфассал фикр юритса, кичик эпик ёки лирик асарларида уларнинг айрим хусусиятлари тўғрисида ёзади. Чунончи, «Икки вафоли ёр» ҳикоятида меҳру вафоли дўст учун жонини фидо қилиш улуғланса;

Ёр улдурки, тилию дили бўлса бир,  
Тилию дили ўзгадур ул ёр эмас. —

фардида ростгўйлик, сўзга амал қилиш тарғиб этилади.

Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да ёзишича, Шайх Муҳаммад Саккок пичоқчилик, Шайх Абу Ҳафз Ҳаддод темирчилик, Шайх Абубакр Ҳаббоз новвойлик, шайх Абулаббос Омий қассоблик, Шайх Абулҳасан дурадгорлик, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд кимхобга нақш солиш касби билан шуғулланганлар. У бу билан барча, жумладан, ҳар бир комил инсон бир касбни эгаллаб, ҳалол меҳнат ва ризқ билан кун кўриши лозим, демоқчи бўлади. Шунга кўра, асарларида бошқалар ҳисобидан яшаётган ва ҳаром мол-дунё тўплаётганларни кескин қоралайди. Шоир одамийликни нафақат комил, балки ҳар қандай инсоннинг инсонлигини белгиловчи бош меъёр деб билади ва унга амал қилмайдиганларни кескин танқид қилади. У бу борада сафарда қолиб кетган катта фарзандига «Қаро кўзум» газалида, «Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил», яъни «азиз фарзандим, келу энди одамийликни ўргангин, қилган хизматларимга яраша сен ҳам хизмат қилгин ва инсоний бурчингни бажар. Ахир сен менинг мусоҳибимсан, ҳар доим кўз олдимда, ҳузуримда бўлишинг керак-ку», дейди.

Шоир ўзи бошлаган ишни халқ иши деб билади. Халқ ғамини ўз ғами деб ҳисобламайдиган ва унга садоқат билан хизмат қилмайдиган одамни одам деб ҳисобламайди:

Одами эрсанг, демагил одами,  
Аниким йўқ халқ ғамидин ғами.

Аллома ўзини сўфиёна, яъни илоҳий ишқни тараннум этувчи хос шоирлар гуруҳига мансуб деб билса-да, бироқ инсоний ишқни инкор қилмаган, аксинча, уни илоҳий ишққа элтувчи кўприк, дея ғоят қадрлаган. Шоирнинг «айлангиз» радифли ғазалида:

Қилсангиз тасвири Лайло ҳуснин ул ойдек сизинг,  
Лек Мажнунни Навоий бирла монанд айлангиз, —

дея дунёвий ишқ шайдоларини улуғлаши шундан далолат беради.

У Сайид Ҳасан Ардашер ҳақида «Мажолис ун-нафоис»-да «Бу фақир турк ва сорт орасинда андин тамомроқ (комилроқ — М.М.) киши кўрмайдурмен...» деса, «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер»да бу борада муфассал фикр юритади. Шоир асарини «солики фоний ва гавҳари коний, орифи маоний» сўзлари билан бошлайди ва пиру устозини тариқат аҳлининг мукаммал тимсоли сифатида улуғлайди: «Чун алар кичик ёшдин фазойилу камолот иқтисобиға авқотларин сарф қилур эрмишлар. Бот абнойи жинсдин ҳар билик бобида мумтоз, балки кўпрак замоннинг таъ ва фазл аҳлига фойиқ ва сарафроз бўлубдурлар. Аммо адаб ва ҳилм ва тавозуъ ва ҳаё зотларига анингдек голиб эрмишким... агар баъзи мажолисда сўз ўтса эркандур, бовужуди улки, мажлис аҳлининг кўпидин яхшироқ билур эркандурлар ҳам ҳаё ва адаб жиҳатидин, ҳам бировга илзому хижолат етмасун деб, кўп сўз айтмас эрмишлар, балки кўп мажолисда такалтур ҳам қилмас эрмишлар. Бу ҳамида хисол ва писандида афъол жиҳатидин яхши ва ямон аҳли замон қошида азизу муқаррам ва муҳтарам бўлур эрмишлар...»

Бу сифатларда Ҳақ субҳонаҳу ва таоло аларни комил халқ қилиб эрди...

Асрнинг уламо ва ашроф айммаси била доим мусоҳиб эрдилар ва чигатой улусининг олий миқдор беклари улча ёшга ва йўлга алардин улуғ эрдилар ва улча тенг эрдилар, аларни шарафи нафс жиҳатидин ўздин улуғ тутуб, анга кўра таъзим қилурлар эрди». Яъни, у киши кичик ёшдан ўз вақтларини фазилатларни эгаллаш ва ҳар жиҳатдан камол топишга бағишла-

ган эканлар. Тенгқурлари орасида ҳар билим бобида мумтоз, кўп замонларнинг илму санъат аҳлидан устун ва сарафроз бўлибдилар. Бироқ, у кишида одоб ва мулойимлик, сабр-тоқат, камтарлик ва ҳаё шу қадар кучли бўлганки, баъзи мажлислада бирор масала муҳокама қилинганда, гарчи ҳаммадан кўпроқ билсалар ҳам, бошқалар хижолат бўлмасин, деб жуда кам гапирар эканлар, балки кўп ўтиришларда умуман гапирмас эканлар. Ана шу мақтовли хислатлар ва ёқимли феъл-атвор туфайли замоннинг яхши-ёмон аҳли олдида азизу мукаррам ва муҳтарам бўлганлар... Аллоҳ таоло у кишини ана шу сифатларда комил қилиб яратган эди... Асрнинг олимлари, шарафли зотлари, дин-мазҳаб пешволари билан ҳар доим суҳбатда бўлар эдилар. Чигатой улусининг олий қадрли беклари ёш ва мансаб жиҳатидан у кишидан улуғ ёки тенг бўлсалар ҳам, зотлари шарафидан ўзларидан юқори тутиб, таъзим қилар эдилар.

Навоий меҳрибон муаллими хотирасига бағишлаган бир газалида уни чуқур бир муҳаббат билан:

Мени мотамзадаға ҳам ота, ҳам муршиду пир,  
Балки ҳам ғамхўру ҳам ёвару ҳам ёр қани? —

деб эслайди.

У мураббийси Паҳлавон Муҳаммад ҳақидаги бир шеърида: «Паҳлавон эрди менинг ёриму бир шўх анисим», деб ёзса, «Мажолис ун-нафоис»да: «Ҳоло фақр аҳлининг пешвоси ва тарийқ хайлининг муқтадоси Паҳлавондур», дея улуғлайди. «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад»да эса бу борада шундай ёзади: «Паҳлавоннинг насабида сиёдат<sup>12</sup> шарафи бор... Невчунки ул, агарчи куч ва забардастликда замоннинг мунфариди<sup>13</sup> эркондур, аммо куштидонлиги<sup>14</sup> ва забардастлиғда ҳам андоқ экондур... Чун қобилияти баланд тушгандир ва мулоямати таъби борча фунунға муносиб ва баҳраманд воқеъ бўлгондур, кўп фазойил ва камолот ҳам касб қилгондурким, замон аҳли борчада Паҳлавонни мусаллам тутар эдилар. Жамъи аҳли туруқ<sup>15</sup> ўзларини Паҳлавоннинг фотиҳа ва такбириға еткурмағунча ўз тариқларида ишлари тамом бўлмас эрди... Аммо ҳеч нав махфий сирри ва рози йўқ эрдиким, бу фақирдин яшурун бўлғай. Андоқки бу фақирнинг ҳам андин...».

Навойй улуғ ва комил инсонларга хос хислат ва фазилатларни пиру устози Абдурахмон Жомий сиймосида ҳам кўради. У Жомийга «Ҳайрат ул-аброр»да:

Улки букун қутби тариқатдур ул,  
Кошифи асрори ҳақиқатдур ул, —

деб бошланувчи алоҳида бир боб бағишлайди ва унда устозининг камолотини аввало яширин илоҳий сирларни кашф этишда кўради. Шоир асарларида Шайхим Сухайлийни «ёри азизим» деб атайди. «Мажолис ун-нафоис»да ўзи ва дўстининг дунёқарашида ҳеч қандай фарқ йўқлигини таъкидлаш билан, унинг мўътабар комил инсонлардан эканига ишора қилади ва бу борада «Аввалдин охирғача фақир била илтифот ва иттиҳоди<sup>16</sup> кўп», деб ёзади.

Яна «Мажолис ун-нафоис»да шогирди Мирзобекнинг камолоту фазилатларини қуйидагича таърифлайди: «Мирзобек инсоният ва хуш ахлоқликда Хуросон ва Самарқанд мулкида ягона эди. Табъ ва фаҳм ва отару тутарда бу икки мулк йиғитлари орасида саромади замона, бу навъ таърифлардин мустағний».

Шоир унинг фазилатлари ҳақида батафсил фикр юритгач, шеърини маҳоратига юқори баҳо бериб, шундай ёзади: «... Бу матлаъ анингдурким:

Кўзунг не бало қаро бўлубтур,  
Ким жонга қаро бало бўлубтур.

Зулқофиятайндур ва қофиялари тарди акским, жавоб айтмоқ бу фақир қошида маҳолатдиндур.

Агарчи анинг тилига бу навъ абёт кўп ўтар эрди, аммо ҳаргиз парво қилиб бир ерда битимас эрди. Бу матлаин фақир тугатиб анинг ёдгори девонда битибмен».

Навойй жондан азиз мусоҳиб шогирдлари ва маслакдош дўстлари Ҳожи Муҳаммад ва Мир Иброҳимни аввало илоҳий фазилатлари — гоятда теран билим, юксак истеъдод ва жуда ёқимли нутқлари учун беҳад севган ва қадрлаган. «Мажолис ун-нафоис»да мусоҳиби Ҳожи Муҳаммаднинг хислат ва фазилатлари ҳақида шундай ёзади: «Мавлоно Ҳожи Муҳаммад — Машҳаддиндур. Кўпрак авқот (замонлар) бу фақир била мусоҳибдур (суҳбатдош) ва фарзанд ўрнигадур, балки андин ҳам

азизроқ. Ахлоқда малакийдур, башар сурати била келган ва атворда фариштадур, инсон ҳайъатида зухур қилгон. Табъи софий ва тафаккури барча диққатларга вофий (старли). Зеҳни мушкулкушо ва тааммули (мулоҳазаси) фунун ишколиға (фанлар муаммоларига) расо». Шоир мақола охирида Ҳожи Муҳаммаднинг бир ғазал ва бир муаммосидан намуна келтиради.

Муаллиф мақолада фарзандининг узоқ вақтлар у билан мусоҳиб бўлганини эслатади.

Поклик тимсоли бўлмиш муршид Навоий билан фарзанди ўртасидаги муносабатлар ҳамиша ҳам мўътадил бўлмаган. Мутаассиб руҳонийлар, айниқса, шоир танқидига учраган риёий шайху бадбин зоҳидлар унинг уйланмаганлигини дастак қилиб, устоз ва шогирд ҳақида ҳар хил фиққ-фасод гаплар тарқатганлар ва толибларни унинг мактабидан четлаштиришга ҳаракат қилганлар. Бироқ, шоир бу борада шогирдининг айби йўқлигини яхши билган ва муносабатни бузмай, унинг фазлу камолоти устида астойдил меҳнат қилган. Ҳожи Муҳаммаднинг нафақат мусоҳиблик, балки мавлонолик ва толиблар билан мустақил машғулотлар ўтказиб, устозлик даражасига кўтарилиши шундан далолат беради:

Лаълу ғамзанг бирла баским нуктадон устодсен,  
Бир нафас борсен Масиҳо, бир замон жаллодсен.

Узоқ давом этган фитна-фасод гаплар Ҳожи Муҳаммаднинг иззат нафсига тегади. У шоирдан тобора узоқлаша боради. Ҳожи Муҳаммад тез-тез овга чиқиб, сафарда бир неча кунлаб қолиб кетадиган одат чиқаради:

Ул қуёш ҳижронида ҳар тун ики мунглуғ кўзум,  
Тонгга тегру субҳидам йўлига боқиб телмурур.

Муршидга бундай сафарлар ёқмаса-да, фарзандини беҳал севганидан унга эътироз билдирмай, меҳрибонлик билан йўлга қузатади:

Чиқти ов азмиға жавлон айлаб ул чобуксувор,  
Жон нисор ул сайд учунким, жон анга қилғай нисор.

Бу эди қасдимки бир кун сайди фитрок айлағай,  
Қилғоним умре кийиклар бирла суҳбат ихтиёр...

Қомати ҳажрида ҳар ён ёрадин қонлиғ кўнгул,  
Бир кийикдекдурки, ўқ захми била бўлмиш фиғор.

Эй Навоий, ул қуёшнинг соясида кўр итин  
Комрон-у, йўқ санга оллида итча эътибор.

Ҳожи Муҳаммад Навоий хонадонидида шоирнинг энг се-  
вимли фарзанди ва билимдон мусоҳиби сифатида гоят қадр-  
ланган. Меҳрибон ота ва ғамхўр пиру устоз уни бир кун кўрма-  
са, жуда соғиниб, бетоқат бўлган. Севимли фарзанд ҳарбий  
хизматда бўлганида, шоир шаҳарни тарк этиб, у билан сахро-  
да яшайди:

Гар шаҳрни тарк айлаб, сахрога қўюбмен юз,  
Маъзур эрурменким, моҳим эрур ўрдуда\*.

Кейинчалик Ҳожи Муҳаммад сафарга жўнаб, ойлаб, ҳатто  
йиллаб уйга қайтмайди:

Ўтуб йиллар, ул ой бир кунки кулбам сори йўл озғай,  
Ёмон толиғдин ул кун бўлмағаймен байт ул-аҳзонда<sup>17</sup>.

Шоир фарзандининг сўнгги сафарда Тун шаҳрида яшаёт-  
ганидан хабар топади. У ўз бошига тушган азоб-уқубатларни  
чарх тимсолидаги ёвуз кучлардан деб биледи ва ундан тез-тез  
шикоят қилади:

Чарх тортиб ханжари ҳижрон бу тун,  
Қўймади бир зарра бағримни бутун.  
Тунга бориб бизни беҳол айладинг.  
Не балолиғ ер эмиш, ё Раб, бу Тун?!

Уйдан кетиб қолган катта фарзандининг қаердалигини бил-  
ган ғамзада ота уни уйга қайтариш мақсадида йўлга отланади:

Юзу зулфунгни соғиниб келмишам, эй маҳжабин,  
Кечани кеча демай, кундузни кундуз демайин.

---

\* урду-қўшин.

Оху афгон чекма деб, оғзимға, жоно, муҳр кўй,  
Чунки лаълинг хотаму ёқути нобингдур нигин.

Лаълининг ҳар бир ҳадиси шаҳддек ширин эрур,  
Оре-оре, доимо гул баргиндур ангабин.

Лаъл уза хат ичра холингдур ниҳон ё ҳиндуе,  
Сабзада ёшунди шакар қасдиға айлаб камин.

Янги ой хуршид аро бўлмоқ аён маъхуд эмас,  
Ваҳ, недур айлаб ғазаб солмоқ жабининг узра чин.

Шамъни парвона куйдурмакдин, эй гул, қилма айб,  
Булбул эрмастурму кул, ё сен эмассен оташин.

Эй Навоий, очмагай қонимдин ўзга лолае,  
Ҳар гияҳ бу йўлдаким қатлимға чекмиш тийғи кин.

Фарзандини беҳад соғинган устоз «кечани кеча демай, кундузни кундуз демайин» йўл босиб манзилга етади. Афсус, фарзанд уни нохуш кутиб олади ва қўпол муомала қилади. Ота эса унинг ширинсуханлигини мақтайди. Шоир фарзандининг юзини қуёшга, қошини нозик ҳилолга ўхшатар экан, қошларини чимириб, отага ғазаб қилиш унга ярашмаслигини эслатади:

Янги ой хуршид аро бўлмоқ аён маъхуд эмас,  
Ваҳ, недур айлаб ғазаб солмоқ жабининг узра чин.

Бу ерда мазкур ғазалдаги хуршид (қуёш) ва зулф қўйган мўйлабли йигитнинг маъшуқа эмас, маъшуқ эканлиги аён бўлади. Шоир ўғлига: «Юзу зулфунгни соғиниб келмишам, эй маҳжабин», деганида Аллоҳнинг «Ҳайрат ул-аброр»да тасвирлаган зулфу юзини назарда тутати. Ўғлининг Тангри сифатларини ўзида намоян этган илоҳий хилқат, ўзининг эса саргашта муршид, меҳрибон ота ва художўй ошиқ эканига ишора қилади.

Фироқ ўтида ёнган ота фарзандининг тезроқ уйга келишини сўраб, меҳру соғинч тўла шеърлар йўллайди. Ҳожи Муҳаммад сафардан қайтганида ота беҳад суюнади, висол куни байрамга айланади ва қалби севинчга тўлиб, шодиёна ғазаллар битати ва куйтайди:



Севунгил, эй кўнгул, охирки жисминг ичра жон келди,  
Кувон, эй жони маҳзунким, ҳаёти жовидон келди.

Сафардан ул парий етти, мени маҳзунни шод этти,  
Кўнгулдин эски ғам кетти, тан ичра янги жон келди.

Хирад, йиғ бу масофингни таҳаммул, кўй газофингни.  
Вараъ, тарк айла лофингники, ошуби жаҳон келди.

Дамеким андин айрилдим, кўнглумни ҳамраҳи қилдим,  
Бугун келди кўнгул, билдимким ул номехрибон келди.

Келиптур ёшурун ул шаҳ, мени мажнун эмон оғаҳ,  
Парий эрмас эса бас, ваҳ, нечук кўздин пишон келди.

Фалак бовти фиғонимға, ажал раҳм этти жонимға,  
Хазонлиғ бўстонимға гули боғи жинон<sup>18</sup> келди.

Муғанний, бир навое туз, Навоий, нағмае кўргуз,  
Аёқчи, томса тут, тўққузки, Доройи жаҳон келди.

Ҳожи Муҳаммад душманларнинг ифвосига учиб, яна шоирдан узоқлаша боради. Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонининг саккизинчи бобида бу ҳақда батафсил ҳикоя қилади.

Бу ерда, аввало, шуни эслатиб ўтиш жоизки, тадқиқотчиларнинг ёзишича, шоирнинг маъшуқаси бўлганлиги ҳақида фақат икки манбада: «Фарҳод ва Ширин»нинг мазкур боби ва «Лисон ут-тайр» хотимасидаги байтдагина маълумот бор. Биз бу фикрга қўшилолмаймиз, албатта. Аслида биринчи манбада ёзилишича, шоирнинг уни бир ҳалок қилувчи дарди, бир бераҳм ишқи ва улардан ҳам аччиқроқ куйдирувчи жуда чаққон, яъни уйдан тез ғойиб бўлувчи маслакдош маъшуқи — дўсти бўлган. У пиру устознинг руҳсатисиз уйдан кетиб қолади. Ҳозир эса бир ойдан бери зиёфатларда товусдай товланиб, наҳс босган бойқушлар («буми манхус»), одам қиёфасидаги девлар ва ноасл («бадгуҳар») кишилар билан улфатчилик қилиб юрмоқда. У панду насиҳатларга қулоқ солмаганидан шоир дарду алам билан йиғлайди, яъни кўз ёшларим унинг ишқида гавҳардек тўкилади, у эса ноаслларга мойил, дейди:

Бор эрди дарди қотил, ишқи бебок,  
Булардин тундроқ маъшуқи чолок.

Малак хайли еса ашким учун рашк,  
Тўқубон ул пари ҳар дев учун ашк.

Сиришким ишқида гавҳар шамойил,  
Вале ул бадгуҳарлар сори мойил.

Нетай, минг зебу зийнат бирла товус  
Ки, бўлғай ҳамнишини буми манхус.

Шафақгун май сори чун қўл узотиб,  
Чу ақсумлаб қуёш жомин ушотиб.

Жунундин ақлқунг, бал дурдкаш ҳам,  
Пари рухсора, бал девонаваш ҳам.

Бир ойким бўлғай ул солиб манга дард,  
Жаҳонпаймоу ҳаржою шабгард.

Манга айлаб ғаму меҳнатни мунис,  
Ўзи ҳар уйда бўлғай шамъи мажлис.

Олиб анжум киби сабру қарорим,  
Қаро айлаб кечадек рўзгорим.

Ғамхўр ота ва пиру устоз мусоҳиб фарзандининг ичкилик-ка тобора берилаётганига ғоят ачинади. Шоир севимли фарзанди фироқида қон йиғлайди, дарду алам чекади. У эса ичкилик таъсирида бўлса керак, гуноҳсиз отани риёкорликда айблайди:

Навоий қон ёш ичра ғарқу, ёри май ичиб доим,  
Дер эрмиш зарқ айлайдур, кўрунг мен қанда, ул қанда?!

Хуллас, Навоий мазкур шеърӣ парчада маъшуқа эмас, балки ёрнинг яқин маънодоши — маъшуқ, аниқроғи, икки фарзандидан бири ҳақида фикр юритади. Баъзи олимлар иккинчи манба «Лисон ут-тайр» хотимасидаги:

Бир неча кун умрдин топсам амон,  
Шарҳи ишқим назм этай бир дoston, —

байтидан шоирнинг маъшуқаси бўлган, деб хулоса чиқардилар. Аслида Навоий бу ерда маъшуқаси эмас, балки ўз ишқи ҳақида баҳс юритади. Бинобарин, уларнинг шоир маъшуқи ҳақида «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Тисон ут-тайр»га биноан келтирган ҳар икки даъволари асоссиз экани аён бўлади. Навоийнинг «Хазойин ул-маоний»да мазкур фарзандини маъшуқ, маҳбуб, деб аташи ҳам бу борадаги яна бир мўътабар далилдир. Кейинчалик шоирнинг дарду аламлари янада кўпаяди. У орадан кўп вақт ўтмай, фарзандининг вабо касалига чалинганини эшитади. Бундан қаттиқ қайғуради ва унинг тузалишини тилаб, оли або<sup>19</sup>дан мадад сўрайди:

Бўлди бағрим яраси ила афан,  
Ки шамимидин эрур бийми вабо.

Панжа пашминаға урдумки, эрур,  
Эй Навоий, панаҳим оли або.

Ҳожи Муҳаммад бемаҳал вафот этади. Шоир бундан қаттиқ қайғуради, у етказган дилозорликларни ҳам тезда унутолмайди. Унинг ранжигани «эди» радифли ғазалида кўзга яққол ташланади:

Бор эди ул ҳамки бир чоғ бизга ёре бор эди,  
Куллий ар ёр ўлмаса. филжумла боре ёр эди.

Васлдин бутқормаса таскин берур эрди сўруб,  
Хаста кўнглум дардиниким ҳажрдин афгор эди.

Мен агар маҳрум эдим, маҳрам ҳам эрмас эрди ул,  
Кўнглум ар озурда эрди, лек миннатдор эди.

Шамъ агар ёрутмаса, куйдирмаса ҳам яхшидур,  
Не улусқа улфат андин, не манга озор эди.

Ғазалнинг кейинги байтларида эса шоирнинг фарзандини бениҳоя севгани аён бўлади:

Гўйиё шукр этмадимким, онсиз ўлмишмен бу дам,  
Ул қуёшимни ёшурғон чархи кажрафтор эди.

Навоий «Эй, дўстлар» радифли газалида ҳам уни соғинч билан эслайди:

Айламанг бекаслигимни таън, бир кун бор эди  
Менда ҳам бир нозанин чобуксувор, эй дўстлар.

Ҳожи Муҳаммад Навоийдан узоқлашиб кетганда бутун оталик ва пиру устозлик меҳрини Мир Иброҳимга қаратади ва уни меҳру оқибатли фарзанд ва шогирд бўлиши учун астойдил ҳаракат қилади.

«Мажолис ун-нафоис»да Мир Иброҳим ҳақида «ўғилчилай» (ўғилчадай) асрабмен, дея қисқа маълумот бергач, асранди ўғилча оғоси Шайх Баҳлулбекнинг невараси, шогирди ва ўғилхони Султон Ҳусайн Хатмийнинг ўғли эканини эслатади ва унинг «шоҳиму моҳим»га боғлаган муаммосини келтиради. Шоир ўғлига аталган бир мактубида унга болалигидан то сўнгги дамгача сингган хизматларию қилган яхшиликларини эслатади ва шу йўл билан уни узоқ сафардан қайтармоқчи бўлади. Хатнинг бошида Мир Иброҳимнинг қашшоқ бир оилада дунёга келиб, моддий қийинчиликда ўсгани, шоир уни фарзандликка қабул қилиб, «чехрасини мазаллат туфроғидин» аритганини ёзади. Сўнгра ҳақиқий ота бўлиш учун ўзига қатъий сўз бергани, ўғлига қаттиқ меҳр қўйиб, бутун ҳаётини унга бағишлагани ва кеча-кундуз унинг тарбияси билан банд бўлганлигини таъкидлайди: «Ҳаётимни сенинг тарбиятингга машъуф (беҳад бағишладим) ва авқотимни (ҳамма вақтимни) сенинг муҳофазатингга масруф илдим (сарфладим) ва фарзандлигинг рақамини хотиримга муҳаррар (қатъий ёздим) ва оталик меҳру шафқатин ҳолинга муқаррар эттим (аниқ белгилладим). Ою йилда бир кун, балки кечалик, кундузликта бир соат аҳволингдин ғофил (бепарво) бўлмадим...»

Ниҳоят фарзандининг камолоти устида астойдил меҳнат қилгани ва унинг барча илмларни теран билувчи беназир олиму фозил ва ҳақиқий инсон бўлиб етишгани ҳақида шундай ёзади:

«Зоҳирингни ақли зоҳир (аниқ фанлар олимлари) фунуну фазойили (фанларию фазилатлари) била ораста ва ботинингни ақли ботин (тасаввуф ақли, сўфийлар) ҳақойиқу маорифи била

пийроста (безакли) бўлурга саъй қилдим. Хисолинг (хулқинг, хислатларинг) одамийлиғ ва инсоният била машҳур бўлди...» Мир Иброҳимнинг фавқулодда истеъдоду билими ҳақида аввал ўз асрининг пешқадам олимлари унинг шогирди ва ходими деб ёзса, кейин мусиқа илмида нафақат ўз асрида, балки аввалги замонларда ҳам ҳеч ким унчалик билимдон бўлиб стишмаганини қайд этади: «Шаҳзодалар мажлисида, аржуманду озодалар суҳбатида сарбаланд ва ўз фанининг аҳли мутеъ ва фармонбардор, балки ходиму шогирдқирдор... Фисоғурс ҳаким (Пифагор) замонидинким, адвор (мусиқа) илмининг возиидур (асосчиси). Арасту замониғачаким, муаллими аввал дебтурлар ва Абу Наср Форобий чоғиндинким, муаллими соний дептурлар, Хожа Абдулқодир асриғача маълум эмаским, бу фанда ҳеч подшоҳ замонида бу фан аҳлидин ҳеч кимга мунча тарбият ва нашъу намо воқеъ бўлмиш бўлғайким, сенга воқеъ бўлди...»

Мир Иброҳим, юқорида зикр этганимиздек, ҳар томонлама теран билимию бошқа фазилатлари туфайли шоҳ саройидаги тантанали йиғинларда энг юксак мукофотларга сазовор бўлади ва кенг шуҳрат қозонади. Шоир бу ҳақда: «Подшоҳи иломнинг фирдавс ойин базмида илтифот ва эҳсонға абнойи рўзгордин (замондошларидан) мумтоз ва мулоямат ва инъомға аҳли замондин сарафроз (юксак) бўлдунг!» — деб ёзади.

Мир Иброҳимнинг ўз асрида юксак обрў-эътибор қозонган шахс бўлгани номи шоҳ девонида қуйидаги тўрт фахрий дафтарда қайд этилганидан ҳам маълум бўлади:

— Навоийға нисбатан «фарзандлиқ ва ошнолиқ», яъни ёр-дўстлик;

— истеъдодли шоиру олимлар;

— эрлик, инсоният, мусулмонлик ва ҳамният билан шуҳрат қозонган одамлар;

— Ҳусайн Бойқароға манзур бўлган ва у ҳамиша эслайдиган нодир инсонлар.

Энди Мир Иброҳим ҳаётининг баъзи қирралари ҳақида батафсилроқ фикр юритайлик. Навоий шогирдининг нафақат маънавий, балки жисмоний камолотига ҳам эътибор қилади. У бошланғич мактабни битиргач, отасидан таълим ола бошлайди. Дардан сўнг жисмоний машқлар билан шуғулланади ва от миниб майдонга боради. У ерда йигитлар билан чавгон ўйнайди, от чоптириб, камондан нишонга ўқ отиш каби мусобақаларга қатнашади.

Тариқат ва унинг мактабларига қарши бўлган мутаассиб руҳонийлар, шоир танқидига учраган унсурлар фитна-фасод гаплар билан Мир Иброҳимни ҳам шоирдан совутиш ва узоқлаштиришга ҳаракат қиладилар. Мир Иброҳим ўзи ва отасининг поклигига ишонса-да, қуруқ тухматларга чидаёлмай майга ружу қўяди:

Ваҳки, чиқти шаҳсуворим секретиб майдонга маст,  
То не динлар нақди Рахши оллида помолдур.

Ёки:

Маст чиқди, яна ул қогили бебок йигит,  
Чок айларга кўнгуллар ёқаси чок йигит.

Шоир Мир Иброҳимни кучли назорат остига олгач, у Навоий хонадонини тарк этиб, ўз уйига қайтади ва ичишни давом эттиради:

Не навъ борди экин уйга кеча ул чобук  
Ки, тун қоронғу эди, Рахши тунд<sup>20</sup>, ўзи усрук.

Нечукки елдин ўлур ҳар тараф ниҳолга майл,  
Саманд уза эгилур эрди ул қади нозук.

Шоир Астробод сафаридан қайтганида, ўғлини батамом ичкиликка берилган ҳолда кўради ва сафарга отланганига ғоят ачинади. Агар яна Астробод томон йўл олсам, йўлда Мозандарон девлари қатл этсин деб онт ичади:

Беша ичра девлар мақтули ўлсун, эй пари,  
Гар Навоий ёна азми Астробод айлагай!

Шоир ўғлини тўғри йўлга солишдан ожизлигига иқрор бўлиб ёзади:

Зулм ила бедод<sup>21</sup>идин махлас<sup>22</sup> не мумкин, эй кўнгул,  
Чунки қувватлиғ йигитдур ёр-у, мен ожиз қари.

Шоир:

Хастадир жоним менинг, то борди жононим менинг,  
Бўлмасун гар борса жононим менинг, жоним менинг, —

матлали газалида фарзандининг зулмидан қутулиш учун бир пири комилдан ёрдам сўраш кераклиги ҳақида ўйлайди:

Эй Навоий, бўлмаса, бир пири комил ҳиммати,  
Ул йиғит белодидин йўқ махлас имконим менинг.

У фарзандларининг қилмишларидан қаттиқ хижолат чекар экан:

Икки ёр эрди манга номехрибону меҳрибон,  
Меҳрибон борди, қолиб номехрибон дарду ғами, —

байтида ҳар икки ўғлининг хулқу атворида жиддий фарқлар борлигини кўрсатади. Бироқ, номехрибон ўғлининг ножўя ҳаракатлари учун ундан эмас, балки уни шу кўйга солган замон ва фитначи одамлардан шикоят қилади.

Шоирнинг дарду аламлари тобора кўпайиб, унинг соғлиғига таъсир қилади. У «Фарҳод ва Ширин» дostonининг 54-бобида ёзишича, саройнинг табаҳқор — бузғунчи амалдорлари шоҳга шоирни айбдор ёки гуноҳқор қилувчи хабарларни муттасил етказиб турган ва бунинг эвазига ҳукмдордан лутфу эҳсон кутганлар:

Чу кўрмай ком шаҳдин ҳар табаҳқор,  
Мени қилмаса олинда гунаҳқор.

Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг амирлик лавозимини шоҳ муқарраби (яқини) билан алмаштирганида ундан хабар олиб туришни ваъда қилади, бироқ у «Хамса» дostonлари устида ишлаётган заҳматкаш ва ғамзада шоирдан ҳол-аҳвол сўраб, кўнглини кўтаришни унутиб қўяди. Бундай нохуш аҳволдан шоир ғоятда ранжийди, сиқилади ва 24 соат давомида ақалли 24 марта тўғри нафас ололмаганидан зорланади.

Шоир лирик шеърларида ҳам замон аҳлининг, яъни ёвуз одамларнинг фитна-фасод, туҳмат-маломатларидан дамба-дам қон йиғлайди:

Не ажаб қон йиеласам аҳли замондин дам-бадам  
Ким, алардин ғам уза ғамдур, алам узра алам.

Бу ҳодиса Ҳусайн Бойқаронинг Навоийни нуфузли жоҳил беклар тазйиқида Астрободга ҳоким қилиб тайинлашида яққол кўзга ташланади. Шоир бу ҳақда «айлади» радифли ғазалида теран бир дард билан ёзади:

Оҳким, номехрибоним азми бедод айлади,  
Бир йўли меҳру вафо расмини барбод айлади.

Қўрқарам, аҳли вафо оҳи анга қилғай жафо,  
Бу жафоларким вафо аҳлига бунёд айлади.

Бўлмади ношод охир дам гунаҳ бўлғай дебон,  
Бегунаҳ аҳбобни мундоқки ношод айлади.

Бир дам ичра тунд сайли қаҳр ила қилди хароб,  
Ҳар вафо қасрики, йиллар ани обод айлади.

Дам урарға топмади ҳад кимса, то ушшоқ учун,  
Шаҳна айлаб ғамзасин, кирпични жаллод айлади.

Тинди абнойи замоннинг ихтилофи таъбидин,  
Кимки ўз таъбини бекасликка муътод айлади.

Қўнгли мулкин истар обод, ваҳ, бузар хайли фироқ,  
То Навоий азми мулки Астробод айлади.

Навоий ғазалида нафақат дўстининг хатосини, балки унинг комил давлат қуришдаги улкан хизматини ҳам эътироф этади:

Бир дам ичра тунд сайли қаҳр ила қилди хароб,  
Ҳар вафо қасрики, йиллар ани обод айлади.

Шоир «аҳбобни» «ношод айлади» деганида, аҳбоб (ҳабиблар) орқали аввало юқори лавозимларга кўтарган маслакдош дўстларини назарда тутаяди. Навоий мақтада шоҳ уни фироқ аҳлининг тазйиқи билан Ҳиротдан четлаштирганига ишора қилади. У бу ҳақда шундай ёзади:



Кўнгли мулкин истар обод, ваҳ, бузар хайли фироқ,  
То Навоий азми мулки Астробод айлади.

Яъни шоҳнинг кўнгли мамлакатининг обод бўлишини ис-  
тайди, бироқ фироқ аҳли — бўлгинчи беклар қаршилигига дуч  
келиб, Навоийни сургун қилишга мажбур бўлмоқда, дейди.  
Аслида нуфузли бекларга Ҳусайн Бойқаронинг давлатни Али-  
шер Навоий маслаҳати билан бошқариши ёқмайди.

Астрободга ҳоким сифатида сургун қилинган шоирдан но-  
тинч бир шаҳарда тинчлик ва адолат ўрнатиш талаб қилинди.  
У бу ишни уддалади ва шоҳдан Ҳиротга қайтиш ҳақида рухсат  
сўраб мактуб йўллади. Шоҳ бошда бунга рози бўлмаган бўлса-  
да, кейинчалик кўнди. Аммо тазйиқ остида шоирнинг амир-  
лик амалини муқарраб, яъни шоҳга яқин дўст мақоми билан  
алмаштиради.

Шоир Мир Иброҳимни тўғри йўлга солиш учун қаттиқ на-  
зорат ўрнатади. У эса тез қайтиш шарти билан сафарга жўнайди  
ва у ерда доимий қолиб кетади. Фироқ ўтида куйган ота ўғли-  
нинг Ҳиротдан анча узоқликдаги Марв шаҳрида эканидан ха-  
бар топади ва унинг тезроқ уйга қайтишини сўраб номалар,  
шеърлар йўллайди. Афсус, Мир Иброҳим орқага қайтмайди ва  
бунинг учун ҳар хил сабаб-баҳоналар келтиради. Бундай аҳвол  
узоқ давом этади. Ночор қолган ота ўша томонларга бораётган  
мўтабар одамлардан, жумладан, жаҳонгашта азизлардан ўғлига  
насиҳат қилишларини сўрайди. Мир Иброҳим панду насиҳат-  
ларга қулоқ солмайди. Шоир бир ғазалида бу борада ёрдам сўраб  
шоҳга мурожаат қилиш ҳақида ҳам ўйлайди. Афтидан, ҳукмдор  
Мир Иброҳимга мактуб йўллаган бўлса керакки, у Ҳиротга қай-  
тади. Навоий уни кўрганида беҳад суюнади ва ҳушидан кетади.  
Мир Иброҳим орадан кўп вақт ўтмай, отадан харажатларга пул  
олиб, яна сафарга жўнайди. Шоир фарзандининг кетиб қолган-  
нидан изтироб чекиб, унинг қайтиш ҳақидаги баҳоналарига  
кескин жавоб бера бошлайди. Бир шеърда:

Не атову не ўғул, сен шаҳ йигит, мен қари қул,  
Ҳеч ато кўрмайдур эркин сен кеби бадмехр ўғул, —

дея кескин норозилик билдиради. Фарзандининг уйга қайти-  
шига шубҳа билан қараса-да, ундан умидини узмаган шоир  
насиҳатомуз шеър ва мактублар ёзишни давом эттиради.

Ғамзада ота фарзанди ҳақида муттасил ўйлаш, қайғуриш ва интизор-ла қутиш руҳиятига таъсир қила бошлаганини сезади ва «бузулғон рўзгори»ни бир йўла бузмоқчи ҳам бўлади:

Жунун водийсиға мойил кўрармен жони зоримни,  
Тилармен бир йўли бузмоқ бузулғон рўзгоримни.

Фалак бедодидин гарчи мени хокий губор ўлдум,  
Тилармен топмағайлар тўтиёлиқға губоримни.

Шак эрмас партаве тушқач уйи ҳам, рахти ҳам куймоқ,  
Чу гўристон гадойи сирмағай шамъи мазоримни.

Деманг қай сори азм эткунг, манга йўқ ихтиёр, охир  
Қазо илгига бермишмен инони ихтиёримни.

Туганди ашки гулгун, эмди қолмиш заъфароний юз,  
Фалак зулми бадал қилди хазон бирла баҳоримни.

Диёрим аҳли бирла ёрдин бошимға юз меҳнат,  
Не тонг бошим олиб кетсам қўюб ёру диёримни.

Ёмон ҳолимға бағри оғриғай ҳар кимсаким, кўргай  
Бағир парголасидин қонға булғанған узоримни.

Ҳаётим бодасидин саргаронмен асру, эй соқий,  
Қалағқа захри қотил қуй, дағи дафъ эт хуморимни.

Жаҳон таркини қилмай, чунки тинмоқ мумкин эрмастур,  
Навойи, қил мени озод ўртаб йўқу боримни.

Шоир ғазал матлаида зор жонининг «жунун водийсиға», яъни жинниликка мойиллигини ва бузулган ҳаётини бир йўла бузиш ниятида эканини тасдиқлайди. Бунинг сабабчилари ҳақида кейинроқ, 6-байтда диёр аҳли, яъни фитначилар ва улар фитнасиға алданган ёр эканини эслатади:

Диёрим аҳли бирла ёрдин бошимға юз меҳнат\*,  
Не тонг бошим олиб кетсам қўюб ёру диёримни.

---

\* Меҳнат – машаққат, азоб-уқубат.

Ғазал шоирнинг қарилигида ёзилган. Биз ишимизнинг утган бобларида шоирнинг кичик фарзанд мақомидаги истеъдодли шогирди фироқида куйиб, дард-алам чеккани ҳақида батафсил ҳикоя қилдик. Шоир «йиғлармен» радифли ғазалида ёзишича, фарзанди фироқида муттасил йиғлаш, дард-алам чекиш натижасида ўзи-ўзи билан гаплашадиган бўлиб қолади:

Хаёл ила анга деб, дам-бадам саломимни  
Бериб ўз-ўзума, андин паём йиғлармен.

«Шоир «жунун водийсиға мойил кўрарман жони зоримми», деганида, ўзининг мазкур ҳолатини назарда тутди. Бундан аввал шоирнинг фарзанд мақомидаги уч меҳрибон шогирди унинг хонадонини тарк этиб, дунёдан бемаҳал ўтадилар. Навоий «бузилғон рўзгорим» деганида, улардан ажратганини назарда тутди. Энди кичик фарзанди фироқида жинни бўлиб қолишидан қўрқиб, ундан ҳам воз кечиб, «бузилғон рўзгори»ни «бир-йўла» бузмоқчи бўлади. У кейинги байтларда оғир аҳволини батафсил тасвирлайди. Мен «фалак бедодидин» фироқ водийсида шу қадар сарсон-саргардон бўлиб кездимки, оқибатда ўзимни йўқотиб, тупроққа айландим. Энди одамлар у ердан тўтиёликка ғуборимни ҳам тополмайдилар. Кўзимдан оққан қон ёшлари ҳам тугаб бўлди. Мен заъфарон юз билан қолдим. «Фалак зулми» ҳаётимни адою тамом қилди, дейди шоир:

Туганди ашки гулгун, эмди қолмиш заъфароний юз.  
Фалак зулми бадал қилди хазон бирла баҳоримни.

Ниҳоят у соқийга мурожаат қилиб, «қадаҳқа захри қотил куй», уни ичириб ўлдиргин-да, азобу хумордан, яъни унинг азобу уқубатлар тўла фироқу иштиёқидан қутқаргин, дейди.

Навоий Мир Иброҳимга ёзган сўнгги мактубида фарзандининг уни тарбиялаб вояга етказган ва боқиб катта қилган отанинг хизматларини унутиб, жиддий хатога йўл қўйганини эслатади. У сафарда доимий қолиб, нафақат пиру устози ва валинеъмани, балки сайр этиб хайрли ишлар қилувчи азизларнинг ҳам кўнглига озор етказганини, бундан шоҳ ҳам қаттиқ ранжиганини таъкидлайди. У бу борадаги фикрларини «подшоҳи ислом ҳумоюн хотирининг ғубори ва сойир азизларнинг кўнгуллариининг озори» тарзида ифодалайди. «Дўст» радифли ғазалида

душманларнинг маккорлиги натижасида дўст фарзандларининг душманга айланишини дардли тасвирлайди:

Қилди душман раҳм, баским, қилди жавр изҳор дўст,  
Эй кўнгул, душман топ эмди, тутмағил зинҳор дўст.

Ҳар замон душманларим озурдадур, эй дўстлар,  
Баски, ҳар дам еткурур мен зорға озор дўст.

Душман ар жонимни афгор айласа, қилди биҳил,  
Жавр тиғидин чу кўнглум айламиш афгор дўст.

Кеча душманларғаким, ноламдин уйқу келмади,  
Ранжамен мундин дағиким, бўлмади бедор дўст.

Мен ўлар ҳолатда, душманлар кўрунуб дўстваш,  
Невчун ўлмайким, келур бошимға душманвор дўст.

Кулса душман айб эмаским, кўрмадим оз ҳам вафо,  
Гарчи қозғандим қилиб жоним фидо бисёр дўст.

Чархнинг муҳрига мағрур ўлмағилким, ғадри бор,  
Ҳаргиз ўлмас кимсага ул душмани ғаддор дўст.

Соқийё, қил дўстлуқ, тут бодаким, йўқтур ғами,  
Бўлса олам душмани ҳам кимга сендек бор дўст.

Итларинг ғавғо қилур гўё Навоий ўлдиким,  
Боши узра жамъ ўлуб афғон қилурлар ёр-дўст.

У фарзандларининг душманга айланганидан қаттиқ изтироб чекади ва дард-аламнинг зўрлигидан Ҳожи Муҳаммад ва Мир Иброҳим номларини «Мажолис ун-нафоис»нинг 1491 йилги нусхасидан тушириб қолдириб, 1498 йилги нусхасида қайта тиклайди.

Шоир юз берган нохуш воқеалар учун фарзандларини эмас, маккор душманларни айбдор деб билади:

Эй кўнгул, душманлар онча мақр ила фан қилдилар  
Ким, вафолиғ дўстни жонимға душман қилдилар.

Навоийнинг душманлари уни уйланмай, ахлоқсизлик қилиш ва фақш шеърлар ёзишда айблаб, фитналар тарқатадилар. Шоир эса муҳолифларига — Мен ҳам Исодек уйланмасдан замондошларимни Ҳақ йўлга бошлаб, хайрли ишлар қилдим. Бинобарин, Тангри менинг ҳам хизматларимни тақдирлаб, осмон сирларидан воқиф этди. Менинг йигитларни мадҳ этишдан мақсадим улар орқали илоҳий ишқни тараннум этишдир, деб жавоб беради. Хуллас, Алишер Навоий халифаю мусоҳибларини фазлу камолга етказишда ҳар қанча машаққат чекмасин, орқага чекинмай мақсадга томон дадил ҳаракат қилади ва ёшларни жону дилдан севувчи муаллиму мураббийси, пиру устози ва меҳрибон отаси бўлиб қолади.

### **ЙИГИТЛАР МЕҲРУ ВАФОСИ ВА ФАРЗАНДЛАР ФИРОҚУ ИШТИЁКИ**

Биз юқорида Навоийнинг шогирдларини фозил ва комил инсонлар қилиб тарбиялашдаги ранжу машаққатлари ҳақида баҳс юритдик. Аммо муаммонинг мураккаблиги нафақат шоирнинг таржимаи ҳоли, балки юксак ҳаётий ва ижодий мақсадларига теранроқ бир назар ташлашни тақозо этади.

Санъаткорнинг лирик меросини усул-услугига кўра икки катта жанрга бўлиш мумкин: дунёвий ва сўфиёна. Аксар ҳолларда шоирнинг дунёвий шеърларида сўфиёна, сўфиёна шеърларида дунёвий қарашлар аралашиб келади. Шоир шеърларининг лирик қаҳрамони — пиру устоз, муршид Навоий, асосий лирик шахслари — жондан азиз халифаю мусоҳибларидир. «Хазойин ул-маоний»га кирган кўпгина дунёвий ғазаллар бевосита мазкур шогирдларга, «Қаро кўзум», «Кеча келгумдур» каби сўфиёна асарлар улар орқали Аллоҳга қаратилган. Шоир дунёвий шеърларида ўз бошидан кечган воқеа-ҳодисаларни бадиий умумлаштириб, мумтоз дурдоналар яратади ва буюк мақсадининг амалга ошишида тариқат мактабу мадрасаларини битирган йигитлар муҳим роль ўйнаганини яхши билади ҳамда ғоят қадрлайди. Бинобарин, уларга бўлган меҳр-садоқатини ўз мактабининг йигитлари тимсолида содда ва аниқ ифодалайди:

Йигитлигимда эдим мубтало йигитларга,  
Қариб ҳам ўзни тилармен фидо йигитларга.

Шоир мақтада ўзига хитоб қилиб, агар сен йигитларнинг равнақ топиб, ҳар жиҳатдан баркамол бўлишини истасанг, қариганингда ҳам уларга рафиқ — дўст бўлгин, дейди:

Навоиё, қарисанг ҳам жаҳонда бир неча кун  
Рафиқ бўл, тилар эрсанг наво йигитларга.

Дарҳақиқат, шоир умрининг охиригача йигитларнинг садоқатли дўсти бўлиб қолади. У ёшларнинг фазилату камолотини ўйлаб, мадрасаю хонақоҳлар, кутубхонаю ётоқхоналар бино қилдиради, уларни моддий жиҳатдан таъминлайди. Йигитлар унинг хизматларини юксак қадрлайдилар. Бироқ, ёшлар орасида ҳам қадр билмаслари учрайди. Шоир бу ҳақда шундай ёзади:

Юзи сариғ, боши оқ бир қари гар ўлса, не ҳайф,  
Энги қизил, кўзи, қоши қаро йигитларга.

Нечаки бўлса йигитликда шўхлиқ матлуб,  
Вале адаб била хуштур ҳаё йигитларга.

Қариға ҳар неча бўлса ситам йигитлардин,  
Не бўлғуси қаридин жуз дуо йигитларга.

Етар азоб қариб, нохалаф ўғуллардин,  
Нечаки тутсам ўзумни ато йигитларга.

Нечаки маст йигитларни аҳли ишқ тилар,  
Валек ишқ дурур порсо йигитларга.

Шоир енгилтак толибларни нохалаф, яъни ота-бобосига ўхшамайдиган фарзанд деб атайди. Бу зоҳирда юмшоқ, ботинда жуда аччиқ ўткир баҳодир. Беандиша йигитлар душман фитналарини эслаб, ўзаро ҳазиллашадилар ва бундан нафақат устоз, балки унинг мусоҳибларига ҳам қаттиқ озор етказаётганликларини ўйламайдилар. Ёшлар йигитлигида шўхлиқ қилиб, ҳазил-мутойиба қилишлари яхши, лекин у адаб ва ҳаё доирасидан четга чиқмаслиги керак. Шоир қарилигида ҳар қанча ўзини ёшларнинг вафоли отаси, ғамхўр муршиду муаллими қилиб кўрсатмасин, нохалаф йигитлар унга азоб берадилар.

Аҳли ишқ (сўфийлар) Аллоҳ ишқи билан маст йигитларнинг камолотини истайди, зеро, Аллоҳнинг ишқи уларни ёмон йўлдан асрагувчидир.

Шоир фавқуллодда истеъдодли мусоҳиб шогирдларини яқин дўсти ва фарзандларидай беҳад севади. Бунинг бош сабаби уларнинг юксак ақлу заковати ва билиму одоблари билан толибларга ибрат бўлишларидир. Натижада тариқат мадрасаларига кирувчи ва битирувчи фозил, комил инсонлар йил сайин ошиб боради.

Навоийнинг мусоҳибларини севишининг бошқа сабаблари ҳам бор. Улуғ устоз мактаб хонасида машғулот ўтказар экан, мусоҳибларнинг пок юзларига пок назар билан қараб, Аллоҳ жамолини кўради ва висол кайфиятининг зўрлигидан сархуш бўлади. Бундай ҳолат мунтазам давом этади. Илоҳий ва инсоний севгининг қўшилишидан ҳосил бўлган кучли муҳаббат шоирга жуда сеҳрли таъсир қилади. Аҳвол шу даражага етадики, у мусоҳибларини бир кун ё бирор машғулотда кўрмаса хузур-ҳаловатини йўқотиб, уларни излашга тушади.

«Кўрмасам» радифли ғазалида кечки машғулотларга келмаётган тутинган фарзанди ёш, шўх мусоҳиби Мир Иброҳим ҳақида шундай ёзади:

Эй Навоий, не балодурким, ўлармен қайғудин,  
Гар даме оллимда ул шўхи балони кўрмасам.

Ҳожи Муҳаммад сафарда узоқроқ қолиб кетганида, уни соғиниб Тун шаҳрига боради ва:

Юзу зулфунгни соғиниб келмишам, эй маҳжабин,  
Кечани кеча демай, кундузни кундуз демайин, –

матлали ғазалини ёзади ва ҳоказо.

Шу тарзда мусоҳибларини оталар ва пиру устозларча севган Навоий уларнинг машғулотларга мунтазам қатнашишлари, ҳар дарсдан теран билим олиб, илмда комил бўлишларини истаган. Бу йўлда ранжу азиятлар чекиб, астойдил меҳнат қилган ва шогирдларини инсон меҳнатини севиш ва қадрлашга ўргатган. У мусоҳиблари орасидан ҳар жиҳатдан баркамол бир халифа (ўринбосар) содиқ дўст ва меҳрибон фарзанд танлаш ҳақида ҳам ўйлаган. Вафотидан сўнг уни фозил ва комил давлатнинг маънавий раҳбари қилиб тайинлашни режалаштирган.

Энди, ёр тимсолининг ўта қийин, мураккаб ва нозик хусусиятларидан бири ҳақида алоҳида тўхтаб ўтиш лозим бўлади. Навоий шеъриятининг бош мавзуси қилиб меҳру вафо, муҳаббат ва садоқатни олади ва у орқали дунёқарашининг жуда кўп масалаларини ҳал қилади. Мусоҳиблари висолига етиш орқали Аллоҳ жамолига мушарраф бўлиш ҳақида ўйлар экан, яна ўшалар воситасида Тангрининг сочи, зулфу юзи, қаду қомаги, фавқуллодда гўзаллиги каби хилма-хил сифатларига ишора қилади, ўз севгисининг нафақат инсоний, балки илоҳий муҳаббат эканини ургуламоқчи бўлади. Бу ҳодиса:

Ул парий кўйида мен девонани банд айлангиз,  
Банди-бандим зулфи занжирига пайванд айлангиз.

Ёки сўфиёна:

Юзу зулфунгни соғиниб келмишам, эй маҳжабин,  
Кечани кеча демай, кундузни кундуз демайин, —

каби дунёвий шеърларда аниқ кўзга ташланади. Худди шунингдек, у «Қаро кўзум» ғазалининг

Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,  
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.

Юзунг висолига етсун десанг кўнгулларни,  
Сочингни боштин-аёғ чин ила шикан қилғил.

ва «Кеча келгумдур» ғазалининг:

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.

Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор,  
Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади, —

каби байтларида ҳам мавжуд.

Бу ерда шуни ҳам изоҳлаш керакки, пок, гўзал йигитларни пок назар билан севиш ва улар сиймосида Аллоҳ жамолини кўриш тасаввуф тарихида янгилик эмас. Бир қатор муал-



лифлар ўз асарларида, жумладан, тасаввуфшунос олим Н.Комилов «Тасаввуф» (1996) номли китобида бу ҳақда аниқ маълумот беради. Дарҳақиқат шундай. Навоий «Мажолис ун-нафоис»да машҳур шайху шоир Қосим Анвор ҳақида шундай ёзади: «Мир Махдум ҳазрати Мир Қосимға халифа ва фарзанд ва маҳбуб масобасида (яъни севимли дўст ўрнида) эрди». Худди шунингдек, машҳур шайху шоир Шайх Ироқий Ироққа бораётган одамлар орасида бир гўзал йигитни севиб қолади ва тўдага эргашади. Манзилга етгач, у ерда муқим бўлиб қолади ва ҳоказо. Уларнинг йигитларга бўлган пок севгилари айни замонда, Навоийникидек, Аллоҳга қаратилган муқаддас илоҳий муҳаббатдир. Ошиқ Навоий йигитларни беҳад севиши унинг инон-ихтиёри билан эмас, балки «ошиқ шевалик», яъни уни Тангри висолига етказувчи тариқат йўлида собит турганлиги ва бу йўлда йигитларча садоқат кўрсатаётганлиги билан изоҳланиши лозимлигини уқтиради:

Йигитлар ишқини гар ихтиёр этмай десам, қўймас,  
Йигитлик бирла ошиқ шевалик ўз ихтиёримға.

Шундан сўнг у ўз ишқининг илоҳий эканлигини рамзий май ва уни тарқатувчи илоҳий хилқат, ғоятда пок йигитлар тимсоли муғбача орқали тасдиқлайди. Унинг жондан азиз сўнгги икки шогирди илмда камолот босқичига кўтарилади. Номи шоҳ девонидаги фахрий дафтарларда қайд этилган кичик фарзанд ва мусоҳиблигу мавлонолик даражасига кўтарилган катта фарзанд шоҳ саройидаги баҳсларда энг юксак мукофотларни олади ва номлари нафақат саройда, балки бутун Ҳиротда дoston бўлади. Шоир севимли мусоҳиб шогирдларининг фазилату камолоти ҳақида фахрланиб бот-бот ёзади:

Икки гул вақтидурур, икки қуёш давронидурур  
Ким, кўнгулда ул икки ораз ғами ҳижронидурур.

Мултафит бўл ҳолатим шарҳиғаким, бу дoston  
Шаҳр аро ҳар кўйнинг бошида эл дostonидурур.

Бу ҳодиса қобилиятли ёшларнинг тариқат мактабу мадрасаларига келиш жараёнининг кучайиши ва кўплаб фозилу комил инсонларнинг етишиб чиқишига ижобий таъсир кўрсата-

ди. Навоий икки шогирдини қуёш, гул деб аташ билан уларнинг илоҳий фазилатларга, аввало фавқулодда билим ва истеъдодга эга инсон қиёфасидаги хилқат-фаришталар, парийлар деб билади. Шоирнинг «Мажолис ун-нафоис»да Хожа Муҳаммадни «Ахлоқда малакийдур, башар сурати била келган ва атворда фариштадур инсон ҳайъатида зуҳур қилгон», деб мадҳ этиши, ёхуд Мир Иброҳимни:

Гўйиё ҳуру малакдин ҳосил ўлдунгим эмас,  
Одами хайлига мумкин сен паривашдек ўғул. —

деб таърифлаши ҳам мазкур фикрнинг тўғрилигини яна бир бор тасдиқлайди.

Тариқат мактабу мадрасаларига толиб илмларнинг кўплаб жалб этилиши риёий шайхлар, бадбин зоҳидлар ва бошқа мактаб, мадрасаларнинг айрим ичи қора мударрису муаллимларига ҳам ёқмаган. Бинобарин, улар ҳар хил фитналар тарқатиб, шоир фарзандларини ундан ажратишга ҳаракат қилганлар. Мазкур ғазал матлаидан маълум бўлишича, шоир, бир томондан, фарзандларининг даври давронларидан суюнса, иккинчи томондан, ҳижронларидан дард-алам чекади. Мана бир неча кундирки, катта фарзанд уйдан чиқиб кетган. Ҳолбуки, мураббий машғулот ўтказганида, мусоҳиб унинг ҳузурда бўлиши, саволларига жавоб бериб туриши керак.

Ҳижрон ўтида ёнган ота ўглининг севимли оти Рахшга миниб, уни шаҳарнинг ҳар гушасидан излайди ва ҳеч қаердан тополмайди. Ниҳоят, у ўғли йигитлар билан от чоптириб, камондан қовоққа ўқ отишни машқ қиладиган катта майдонга келади. Бу ердан ҳам уни тополмай, ачиқ йиғлашга тушади. У ҳар куни отда слиб, майдонга келади ва ўглини машқлар тугагунча интизор бўлиб кутади. Бундай аҳвол бир неча кун давом этади:

Меҳнат ўқидин қабақдек қолмишам афгон аро  
Ким, букун чобуксуворим йўқдурур майдон аро.

Тийраликдин кўр этибдур кўзларим ҳар кунги гард  
Ким, бор эрди тўтиё бу дийдаи гирён аро.

Сенки майдон ичра йўқсен, пайкаредур жонн йўқ,  
Ҳар пари пайкарки маркаб секретур жавлон аро.

Гарчи ҳар шўхе сураp майдонга ўқ янглиғ саманд,  
Чун сенинг рахшинг эмас, биллаҳ, ўқедур жон аро.

Тер оқизган аблақингдектур сени келгайму деб,  
Ҳар сари тушкан кўзум юз минг дури ғалтон аро.

Онсиз урмиш ҳалқа чобуклар, не янглиғ этмайин  
Ким, кўрунмас зарра хуршид ўлмаса даврон аро.

Меҳрдек гар тавсани гардунга мингилким, сипеҳр  
Паст этарда фарқ йўқ хуршид ила Кайвон аро.

Гар қуёш зангин фалакрафторлиғ рахшингта ос  
Ким, тузар ул занг навҳанг нағмасин афгон аро.

Эй Навоий, кет бу майдондин, гар ул хур ўлмаса,  
Биллаҳ, ўлсам турмағаймен равзаи ризвон аро.

Ғазал оддий тасвир воситалари, жумладан, содда ташбиҳларга бойлиги билан диққатга сазовор. Шоир чангу тўзон кўкка кўтарилган майдонда ўз бошини азоб ўқларидан эзилган қовоққа, кўзларидан оққан ёшни Рахшдан томчилаб турган терга, ўғлини қуёшга, йигитларни қуёш бўлмагач, кўзга кўринмас чангга, ёхуд уларни жонсиз ҳайкалу, учар отларини жонга санчилган ўққа ўхшатади. Отанинг кўз ёшларини оқизган ҳолда фарзандини излаб ҳар ёққа тикилишини терлари томчилаб турган отнинг эгасини соғиниб, «келгайму деб» ҳар томонга қарашига ўхшатилиши ҳам ғоятда ҳаётийдир. Ғазалдан маълум бўлишича, Навоий мазкур майдонга маълум муддат узлуксиз қатнаган ва у ерда фарзандини гирён кўзлари чангга тўлиб, «дийдаи гирён» билан интизор бўлиб кутган. Буни:

Тийраликдин кўр этибтур кўзларим ҳар кунги гард, —

мисрасидаги «ҳар кунги гард» сўзларидан билиш мумкин. Шоир ғазалда оддий ҳаётий воқеа пардаси остида ўзининг нозик фалсафий қарашларини ҳам ифодалайди. Чунончи, унинг фарзандига сен қуёшсан, сен бўлмасанг, майдонда от сураётган суворийлар кўзга кўринмас бир гарддир, дейиши Аллоҳга ҳам хосдир. Худди шунингдек, шоир фарзандига сен бўлмасанг, бу майдон жаннат бўлганида ҳам мен бу ерда турмаган

бўлар эдим, деб қасам ичиши билан мен Аллоҳ бўлмаган жаннатга ҳуру гилмонлар учун кирмас эдим, демоқчи бўлади. У бундай қарашни «Кўюнг борида қилман жаннатқа гузар ҳаргиз» каби ғазалларда ҳам бот-бот такрорлайди.

Шоир «жудо» радифли ғазалига боғлаган мухаммасида фарзанд фироқи нақадар оғир бўлмасин, дилбандидан кўнгил узмаслигини, унга содиқ бўлиб қолишини урғулайди:

Оҳким, волиҳ мен ул сарви хиромондин жудо,  
Кўзларим гирёндуру ул гул барги хандондин жудо,  
Бенаводур жон дағи ул ҳури ризвондин жудо,  
Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,  
Айламас тўти такаллум шаккаристондин жудо.

Қилғали маҳрум жоми васлидин жонон мени,  
Талхком этмиш тириклик бодасидин жон мени,  
Ҳар замон ўлтурур ғам заҳридин ҳижрон мени,  
Ҳажр ўлумдин талх эмиш, мундин сўнг, эй даврон, мени  
Айлагил жондин жудо қилгунча жонондин жудо.

Бағрима, эй хори ҳижрон, ҳар замон санчилмағил,  
Эй кўнгул, юз жавр етса кўзга ғайрин илмағил,  
Минг бало юзланса, эй жон, ёрдин айрилмағил,  
Бўлса юз минг жоним ол, эй ҳажр, лекин қилмағил  
Ёрни мендин жудо ёхуд мени ондин жудо.

Навий бир қатор шеърларида айрилиқ сабабчисини чарх, фалак деса, мазкур мухаммасида бу борада аниқ фикр юритади ва уни даврон деб атайди:

Ҳажр ўлумдин талх эмиш, мундин сўнг, эй даврон, мени  
Айлагил жондин жудо қилгунча жонондин жудо.

Садоқатли ота ёрдан «юз жафо» ва «минг бало» келса-да, унга сабр-тоқат қилади. Ҳажрга эса «юз минг жоним» бўлса олу бироқ «ёрни мендин жудо ёхуд мени ондин жудо» қилмағил, деб ёлворади. Шоир жондан азиз фарзандларини нафақат «жонон», балки «ёр» деб ҳам атайди ва садоқатли маслакдош дўст сифатида ҳеч қачон улардан айрилмаслигини таъкидлайди.

У сафарда қолиб кетган фарзанди билан муттасил хат ёзи-  
шиб туради ва баъзи номалардан беҳад севинади:

Гаҳ-гаҳе хаста Навоий таниға жон еткур  
Битигингдинки, саводини кўруб жон топдим.

Баъзи номалардан эса ишқ ўтида ёниб, ғамга ботади:

Қуш кетурди номангу кўнглумни қилди шўхлахез,  
Айлади гўё қанотининг ели бу ўтни тез.

Ёхуд:

Чу нома чирмадим ёзиб юзунг шавқида шўрангез,  
Дамимдин ўт тушиб бир бошиға қилди ани гулрез.

Ниҳоят, Ҳожи Муҳаммад узоқ сафарларнинг биридан қай-  
тади. Шоир ғоят севинади ва «Севунгил, эй кўнгул, охирки  
жисминг ичра жон келди» каби шеърлар ёзади. Аммо душман  
фитналарига учган фарзанд фироқ ўтида ёнган отанинг  
кўнглини кўтариш ўрнига, унга ёв кўзи билан қарайди. Бун-  
дай муносабатдан шоир ларзага тушади:

Ёр келгач манга душман бўлурун билмас эдим,  
Йўқса тун-кун тилабон васл, дуо қилмас эдим.

Айрилиб келгуча ўлтурмакини билсам эди,  
Ўлсам, андин борури вақтида айрилмас эдим.

Ойға боқтим юзи ёди била — қоним тўкти,  
Билсам ул бўлса қуёш, кўзга ани илмас эдим.

Боғи ҳусни гулидин ранг йўқи фаҳм ўлса,  
Боғдек соврулубон, гул кеби сочилмас эдим.

Зарқни билсам эди ишқу жунун зумрасидин,  
Айрилиб, зуҳду риё хайлиға қотилмас эдим.

Англасам эрдик, эл рашкидин ўлтургусидир,  
Ҳажр даштида тилар халққа топилмас эдим.

Эй Навоий, нега васлида ҳазинсен демаким,  
Ёр келгач манга душман бўлури билмас эдим.

Ғамзада ота, бир томондан, фарзандига: мен сендан айрилдим уйдим, ўлишимни билганимда, айрилмас эдим, дея меҳру садоқат изҳор қилса, иккинчи томондан, ҳижрон ўтида куйганига ачинади.

Ёр келгач манга душман бўлури билмас эдим,  
Билсам ул бўлса қуёш, кўзга ани илмас эдим, —

дея ачкиқ афсус-надоматлар чекади ва матланинг биринчи мисрасидаги фикрини мақтада ҳам айнан такрорлайди. Шоир қуёш деганида, илоҳий сифатларни ўзида мужассам этган муқаддас хилқатни назарда тутди.

Фарзанднинг отага бўлган муносабати жуда кескинлашгани шоирнинг «Не тирикмен» деб бошланувчи ғазалида ғоят ачинарли тасвирланган:

Не тирикмен, не ўлук, не соғ, не бемормен,  
Айта олмонким, фироқингдин не янглиғ зормен.

Нуқтайи оғзинг ғамидин тортибон жадвалдек оҳ,  
Ашк сайлин оқизиб саргашта чун паргормен.

Дўстлар, кўнглум ҳадисин демангиз тенгри учун  
Ким, мен ул девонайи саргаштадин безормен.

Кўнглагингдинким топар жон дам-бадам Юсуф иси,  
Эй, азизим, мен ҳам ул кўнглак аро бир тормен.

Бир қуёш ҳажринда тундек рўзгорим тийрадур,  
Тонг эмас гар тун кеби мотам тутуб йиғлормен.

Майда афюн эзгил, эй муғким, бу эски дайр аро  
Телбарармен ғуссадин, гар бир нафас хушёрмен.

Невчун эл дашному таънидин бўлай ошуфтаҳол,  
Эй Навоий, чун неким дерлар юз онча бормен.

Ғазал шоир бош вазирликдан бўшагач, душманлар хуружи кучайган йилларда ёзилгани аён бўлади. Бу даврда Навоий ҳақида тўхмат-маломатлар, дашном ва ҳақоратлар шу қадар кўпаядики, у душманларга ўзининг поклигини исботлаш энди фойдасиз, деб билади ва:

Невчун эл дашному таънидин бўлай ошуфтаҳол,  
Эй Навоий, чун неким дерлар юз онча бормен, —

дея уларга истехзоли жавоб беради. Ғазалнинг Ҳожи Муҳаммад ҳақида ёзилгани унинг қуёш деб аталишидан маълум бўлади. Ғамгин ота фарзандининг уни тушунмай бошига оғир кулфатлар келтирганига ғоят ачинади, шунга қарамай, ундан ҳеч қачон безор бўлмаслигини ҳам урғулайди. Ниҳоят, «саргашта» Ҳожи Муҳаммад узоқ сафардан қайтади, бироқ у ота хонадонига яқинлашмайди, шоирдан узоқроқ юришга ҳаракат қилади. Тазйиқ кучайганда яна сафарга жўнаб кетади.

Ҳожи Муҳаммад ҳаётига оид муҳим воқеалар «Лисон ут-тайр»даги айрим ҳикоят ва тамсилларда ҳам аксини топган. Шоир «Не тирикмен, не ўлук» деб бошланадиган ғазалининг:

Дўстлар, кўнглум ҳадисин демангиз тенгри учун  
Ким, мен ул девонайн саргаштадин безормен, —

байтидаги «девонайн саргашта» бир қизни девонавор севган Ҳожи Муҳаммад экани янада аён бўлади. Катта фарзанд азиятлар етказиб, шоирдан узоқлашгач, ғамзада ота бутун оталик меҳрини ёш тутинган фарзанди Мир Иброҳимга қаратади ва уни болалигидан эҳтиёт қилиб тарбиялашга киришади.

Мир Иброҳим бошланғич таълимни маҳалла мактабида олади. Шу жиҳатдан қуйидаги ғазал диққатга сазовордир:

Қачон мактабда ул моҳи муадлаб  
Борур, ўздин борурлар аҳли мактаб.

Бўлур лавҳи забаржад аҳли ҳайрон,  
Чу олур илкига лавҳи музаҳҳаб.

Дегач абжад бошига эврулурлар.  
Қамар бирла қуёш, яъни жаду аб<sup>23</sup>.

Нечукким, мактаб атфоли хуруши  
Ғамидин халқ аро фарёду «ё Раб!»

Муаллим қуллиғига хат берурмен,  
Ғар озод ўлса ул сарви шакарлаб.

Дабистони фанода шурб дарсин  
Равон қилмай, эмассен аҳли машраб.

Навойи ашкидин то шом анжум  
Тўкар, чиққайму деб ул саъди кавкаб.

Биринчи байтда ёзилишича, мактаб аҳли хушодоб ойни кўрганларида ўзларидан кетадилар. Бу билан шоир фарзандининг оддий инсон боласи эмас, балки фавқулодда гўзал илоҳий хилқат эканига ишора қилади.

Шоир «Муншаот»да, «Ою йилда бир кун, балки кечалик, кундузликта бир соат аҳволингдан ғофил бўлмадим», деб ёзса, бу ҳодиса мазкур ғазалда фарзандини бирпас кўрмаса соғинадиган отанинг машғулотлар тугамасдан мактабга бориши, «муаллим қуллуғига хат» киритиб, ўғлини дарсдан олиб кетиши орқали ифодаланган. Мактубда ёш Мир Иброҳимнинг истейод соҳиби эканлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Бу фикр ғазалнинг 2–3-байтларида ўз аксини топган. Шоир:

Дабистони фанода шурб дарсин  
Равон қилмай, эмассен аҳли машраб, —

деб ёзар экан, тасаввуф таълимотини фақат тариқат мактабида ўрганиб, комил инсон бўлиш мумкин, демоқчи бўлади. Ғазалнинг сўнгги байтидан шоир фарзандининг ота-онаси уйига кетиб қолгани англашилади.

Навойишуносликда 6-7 яшар абжадхон ўғилчани маъшуқа қиз, фарзандини беҳад севадиган, бирпас кўрмаса, соғиниб бетоқат бўладиган ва «муаллимга хат» киритиб, уни ўқишдан озод қиладиган ота — Навойини ошиқ йигит деб талқин этилади. Абжадхон боланинг қиз эмас, балки ўғил эканлигини исботловчи қуйидаги далилга эътибор қилайлик. 1927 йилгача эски мактабларда ўғил болаларни масжид ёнидаги хонада кўпинча домла-имом, яъни муаллим, қиз болаларни эса унинг



ҳовлисида хотини, отинбиби, яъни муаллима ўқитган. Модомики, шоир муаллимага эмас, балки муаллимга хат киритар экан, унинг қўл остидаги болалар, жумладан, мазкур абжадхон ҳам ўғил бола бўлади.

Абжадхон ўғилча улғайган сари шўхликлари ҳам кўпайиб, фарзандга зор отани тобора мафтун этиб боради:

Ул шоҳу мен гадомен, ул тифлу мен қари,  
Гар боқмаса менинг сари. Ҳақ бор анинг сари.

Бир лаҳза тиргузуб мени, бир лаҳза ўлтурур,  
Гоҳи бери юурса ўйин вақти, гаҳ нари.

Уйдинки чиқти, кирмаки мумкин эмас ёниб,  
Ёшдекки, кўзга кирмас, агар чиқса ташқари.

Ахтардурур, гаҳ рожиъ ўлур, гоҳ мустақим,  
Чун шўхлуққа борса кейин, келса илгари.

Ою қуёшқа ўшата олмасмен аниким,  
Борур қуёшу ой кеби ҳар сари қўллари.

Эй муғбача, хумор ила дайр эшикинламен,  
Жоме юбор манга, тиламас бўлсанг ичкари.

Лайли ул ойға ўшшамади, лек ишқ аро  
Мажнунни ўтқа солди Навоийға ўшшари.

Шўх ўғилчанинг ўйинлари шу қадар қалтиски, уларни кузатган шоир гоҳ даҳшатга, гоҳ ҳайратга тушади ва ўз руҳий ҳолатини «Бир лаҳза тиргузуб мени, бир лаҳза ўлтурур», тарзида ифодалайди. У ҳар қандай хоҳишини сўзсиз бажартирар, шоир эса «Ул шоҳу мен гадомен», дея фарзандини эркалайди ва меҳру садоқатига Аллоҳни гувоҳ қилиб, «Гар боқмаса менинг сари, Ҳақ бор анинг сари», дейди.

Шоир дунёвий шеърларига ҳам сўфиёна қарашларини сингдириб юборишга ҳаракат қилади. Жумладан, мазкур ғазалда фарзандини илоҳий хилқат дея рамзий майхона муғбачасига\*

\* Муғ — пирнинг муридлар қалбига Аллоҳ сўзларни жо этиб, висолига рағбатлантирувчи ёш мусоҳиби (суҳбатдоши); илоҳий сифатларга эга бўлган, Ҳаққа яқин, гўзал, доно, нутқи хуш ёрдамчиси.

ўхшатади. Муғбача хумор ринднинг майхонага киришига рухсат бермайди. Шунда у ичкарига киришимни истамасанг, бир қадаҳ май чиқаргин, дея илтижо қилади. Мир Иброҳим бошлангич мактабни битиргач, отасидан таълим ола бошлайди. Даредан кейин эса от миниб майдонга боради ва ҳар хил жисмоний машқлар билан шуғулланади. Ота эса унинг майдондан қайтишини интизор бўлиб кутади ва уни қандай кутиб олиш ҳақида хаёл суради:

Ваҳ, на хуштур шаҳсуворим келса майдон соридин,  
Кирпиким бирла оритсам гардни рухсоридин.

Уйлаким етмиш фалак тоқиға қўйсам тоқ уза,  
Дуди оҳимдек қора парни олиб дасторидин.

Ешибон заррин камар, нозук белин қилсам халос  
Тортибон гулгун қабо сарви сиҳи рафторидин.

Ҳар аёғидин ўтук тортиб, аритсам юз била,  
Тер гулобин ул хию ёққан кафи гулноридин.

Неча соғар сархуш бўлса, лекин журъас  
Лутф этиб ҳам ҳуш зойил айласа бу зоридин.

Маст ўлуб эл ётсаю мен юз аёғига қўюб,  
Ўзни қутқарсам замоне Хизр умри оридин.

Фарзандини соғинган ота унинг машқ майдонидан ҳориб, терлаб, чанг босган ҳолда қайтиши, унинг белидан камари, устидан тўни, оёғидан этикларини ечиб олиши ва чангу терларини артиши ҳақида хаёл суради. Бу — оддий, табиий бир орзу. Аммо ота тунда, ҳамма маст ухлаганда бир лаҳза бўлсада юзини фарзанди оёғига қўйиб, абадий ҳаётга эришишни ҳам орзу қилади. Бу шоирнинг фарзандига ғайритабиий хилқат деб қараганини яна бир бор тасдиқлайди.

У фарзандини болалигида моҳи муадлаб, саъди кавқаб (бахт юлдузи), гул, тифл, тифли париваш, муғбача деб атаган бўлса, балоғатга етгач уни навжувон, шаҳсувор, чобуксувор, чобук, ёр, йигит, муғ каби номлар билан тилга олади.

Мир Иброҳим улғайиб камол топган сари ҳуснига ҳусн қўшилиб, ошиқ отани тобора мафтун этиб боради. Навоий

фарзандини одамизод эмас, балки «хуру малакдин» бўлган ўғил деб атайди:

Гўйиё хуру малакдин ҳосил ўлдунгким эмас,  
Одами хайлига мумкин сен паривашдек ўғул.

Ёки:

Қоф тоғин гар парилар маскан этмишлар, не тонг,  
Қарилардур навжувоним хижлатидин мунзавий.

(Яъни, парилар навжувоним ҳуснини кўргач, уялиб кўздан ғойиб бўлдилар ва Қоф тоғида тўпландилар. Қариялар эса хижлатдан ўзларини четга олдилар.)

Навоий Мир Иброҳимнинг ўқишдаги муваффақиятлари ва ажойиб хислат-фазилатларидан севиниб «йигит» радифли ғазалларини ёзади:

Кўнглум олди бир парийпайкар малаксиймо йигит  
Ким, бани одамда андоқ бўлмамиш пайдо йигит.

Оти саркаш, тўни заркаш, ҳусни дилкаш, нутқи хуш,  
Кўрмадук бу навъ маҳваш, чобуку раъно йигит...

Дайр пири мазҳабин тутмай, мусулмонлар, нетай,  
Олган ўлса нақди иймонимни бир тарсо йигит.

Мир Иброҳим балоғатга етгач, шоир ўғлининг камолоти ва нодир илоҳий сифатларидан ҳайратга тушади:

Етти иқлимда офат йигитимча эрмас,  
Қусшидин ясаса бу етти афлок йигит...

Поклик пардасида тутсун ани Эзиди пок  
Ким, эрур асру юзи поку ўзи пок йигит.

Эй Навоий, йигитинг назминга майл этти, севун  
Ким, насиб ўлди санга соҳиби идрок йигит.

Баъзи ичи қора, шоир таъбири билан айтганда, «нохалаф» йигитлар Мир Иброҳимнинг шоҳона кийиниши, учқур отлар

миниши, билимдонлиги, сухандонлиги, шоҳ саройидаги баҳсу мунозараларда юксак мукофотларни олиши, гўзаллигига ҳасад қилиб, ҳар хил фитна-фасод гаплар тарқатадилар. Мир Иброҳим фитна-фасодларни фош қилиб, туҳматчиларни шарманда қилади ҳамда ўзининг ва пиру устозининг ор-номусини ҳимоя қилади. Шоир бундай нохуш воқеадан маълум муддатдан сўнг хабар топади ва вафодор фарзандидан беҳад миннатдор бўлиб, касал ҳолатида қуйидаги ғазални ёзади:

Ёрни дерларки чекмиш юз жафо мен зор учун,  
Бўлса минг жоним фидо айлай жафокаш ёр учун.

Ёрким ёри учун чекса жафо бил ани ёр,  
Ўлса оздур кимса андоқ ёри меҳросор учун.

Ёрлиқ кўргузди мен жон бирла миннатдорлиқ,  
Жонини Ҳақ асрасун бу зори миннатдор учун.

Мен не қилғаймен анга лойиқ, магар минг сарву гул  
Олиб озод эткамен ул сарви гулрухсор учун.

Ростлиқ бирла равишким анда бордур, кимда бор.  
Хўб экандур ўлмаким ул қомати рафтор учун.

Ўлмаким беморлиқдин саҳлдур чун тиргузур  
Они, ё Рабким, саломат асра бу бемор учун.

Эй Навоий, йўқ эди оламда ойини вафо,  
Ҳақ насиб этти санга сенда бу маъни бор учун.

Ғазалда ёрлар, яъни тариқат аҳлининг меҳру вафо, жавонмардлик, фидойилик, поклик, самимийлик, камтарлик каби муҳим хусусиятлари ҳақида баҳс юритилади. Шоирнинг замондошлари муршид Навоийни улуғ авлиё мақомига кўтарган бўлсалар-да, у ўзини оддий бир ёр, оддий бир дўсту биродарлардай тутди.

Маслакдош ёрнинг ёри учун чеккан жафолари эвазига минг сарвқомат қулу чўрини сотиб олиб, озод қилишига, ҳатто ўз жонини фидо этишга ҳозирлигини билдиради. Шундай маъни соҳиби эканлиги билан фахрланади. Навоий бошқа шеърларидагидек бу ғазалида ҳам маслакдош шогирдининг нафақат меҳру садоқати, балки поклиги ҳақида:

Ростлиқ бирла равишким анда бордур, кимда бор,  
Хўб экандур ўлмаким ул қомати рафтор учун, —

дея бот-бот мадҳ этади. Шоир фавқулодда билим ва истеъдодли шогирдини теран бир оталик ва устозлик меҳри билан беҳад севади. Ёшларни комил инсонлар қилиб тайёрлашдаги ибратбахш фаолиятидан чексиз қувонади. Навоий «эй қарокўз» радифли ғазалида фарзандига: «тариқат аҳли сенинг ибратли хизматларингни ғоятда қадрлайди, севади ва ҳақингга ҳамиша дуо қилади. Агарда сен сафарда қолиб кетиб ўз бурчингга хиёнат қилсанг, тариқатдошлар қаттиқ ранжийдилар. Уларга раҳм-шафқат қил. Сафарни унут», дейди:

Гоҳ фақр аҳлига ҳам раҳм кўзи бирлан боқ  
Ким, дуоғўюнг эрурлар фуқаро, эй қарокўз.

Мир Иброҳим ҳар хил фисқ-фасод гаплар кўпайгач, хижолатдан ичкиликка берилади ва шоир хонадонидан чиқиб кетиб, машғулотларга ҳам қатнамай кўяди. Юз берган воқеалардан кўпчилик хабардор бўлгач, шоир жуда ноқулай аҳволга тушади ва ёруғ диёрини ташлаб, бирор ёққа кетиш ҳақида ҳам ўйлайди:

Кеча ҳажрингда тирикликдин малолим бор эди,  
Тонгга тегру айта олманким, не ҳолим бор эди.

Фурқатинг бедолидин йўқ эрди бир соат мажол,  
Бўлса дағи йиғлар эрдим, то мажолим бор эди.

Тош уруб кўксимга, туфроқлар бошимга совуруб,  
Лек бу вақте эдиким, эътидолим бор эди.

Келсам ўз ҳолимга ногаҳ бу маломатлар аро,  
Гоҳ ўзумдин, гаҳ улусдин инфиолим<sup>24</sup> бор эди.

Васл умиди кирмаса жоним аросиға гаҳе,  
Қайда жон элтурга боре эҳтимолим бор эди.

Васл таркидин агарчи мужрим<sup>25</sup> ўлдум, ваҳ, қачон  
Ҳажрини бу навъ саъб эркон хаёлим бор эди?

Эй Навоий, фурқатим айёми мундоқ қолмағай,  
Қолмади чун улки, даврони висолим бор эди.

Шоирнинг ташвиши кўпайган бир пайтда, Ҳожи Муҳаммад бемаҳал вафот этади. Дарду ғамга ботган ота меҳрибон ва номеҳрибон фарзандларининг феъл-атвори ҳақида шундай ёзади:

Бизга етмас эрди бир номеҳрибон дарду ғами  
Ким, фузун ҳам бўлди ёри меҳрибоннинг мотами.

Икки ёр эрди манга номеҳрибону меҳрибон,  
Меҳрибон борди, қолиб номеҳрибон дарду ғами.

Борди улким бор эди ҳам маҳраму ҳам меҳрибон,  
Жон бериб бўлмон бу бир номеҳрибоннинг маҳрами.

Ҳар жароҳатким урар номеҳрибоним бағрима,  
Меҳрибоним бу жароҳатларнинг эрди марҳами.

Ваҳки, минг заҳм урса жонга эмди бу номеҳрибон,  
Йўқ иложиға кўнгулнинг меҳрибону ҳамдами.

Муғтанамдур, ул пари бор эрса ҳам номеҳрибон,  
Даҳр аро чунким топилмас меҳрибонваш одами.

Меҳрибоним чиқса оламдин, Навоий, чора йўқ,  
Ёрдин ҳам хуштурур номеҳрибонлиғ олами.

Ҳазал матлаида бир номеҳрибоннинг дарду ғамига меҳрибоннинг мотами қўшилиб, аҳволи янада оғирлашганини тасдиқлайди. Иккинчи байтда номеҳрибону меҳрибон шоир ёрлари экани аниқланади ва унинг аҳволи оғирлашгани таъкидланади. Кейинги байтларда ёрларнинг меҳрибонлигу номеҳрибонликларини шундай ҳикоя қилади: Дунёдан ўтган ёр ҳам маҳраму меҳрибон эди. Номеҳрибон ёрга жонимни берсам ҳам маҳрам бўлолмайман. Меҳрибоним номеҳрибон бағримга урган жароҳатларнинг малҳами эди. Ваҳки, энди бу номеҳрибон жонимга минг жароҳат урса, унинг меҳрибону ҳамдами йўқ.

Номеҳрибон ҳар қанча азият етказмасин, шоир уни меҳрибон ёриддек севади, фироқида соғиниб, дард-алам чекади ва вафодор пиру устоз бўлиб қолади.

Шоир Астрободдан қайтгач, фарзандини батамом ичкиликка берилган ҳолда кўради ва унинг устидан қаттиқ назорат ўрнатади. Таъқиб ва тазйиқларга чидаёлмаган фарзанд тез қайтиш шарти билан сафарга жўнайди ва узоқ бир шаҳарда қолиб кетади.

Фарзандининг қаён борганини билмаган шоир қаттиқ ташвишга тушади:

Ваҳ, қаён борди бузуқ кўнглумни зор этган йигит,  
Жавр тиғи бирла кўксумни фиғор этган<sup>26</sup> йигит.

Навоий ўғлининг яшаётган манзилидан хабар топгач, унга номалар, шеърлар йўллай бошлайди ва унинг висолига интизорлигини билдиради:

Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт,  
Йиғларимнинг шиддатин гулбарги хандонимға айт.

Буки анинг аҳду паймонида мен ўлсам дағи  
Яхши фурсат топсанг, ул бадъаҳду паймонимға айт.

Даҳр боғи гуллари ҳуснин вафосиз эрканин,  
Юзи гул, жисми суман, кўйи гулистонимға айт.

Эй Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хушнаво  
Булбули йўқ эрканин шоҳи суҳандонимға айт.

Орадан ойлар, ҳатто йиллар ўтади. Бироқ, Мир Иброҳим сафардан қайтмайди ва қайтиш ҳақида аниқ жавоб ҳам ёзмайди, бу ҳақда шоир ёзади:

Нома ёздим ёр учун, лекин жавобе топмадим,  
Жисмима ул номадек жуз печу тобе топмадим.

Бундай аҳволдан шоирнинг дарду аламлари тобора кўпаяди:

Фироқ солди бир ўт жисми нотавонимға  
Ки, ўртанур киши сўрмоққа келса ёнимға.

Не айб зор таним куйса доғи хас янглиғ,  
Бу шуълаларки анинг ҳажри солди жонимға.

Тахайюл айлади Фарҳоду Вомиқу Мажнун,  
Чу боқтилар аламангез достонимға.

Анинг туфайли санамлар юзун кўрармен, лек  
Муни ким айта олур шўхи бадгумонимға.

Кўнгул шикоятидин юз рисола ёзмишмен  
Ким, айлагай бу рисолатни дилситонимға.

Ичурди муғбача дайр ичра оби оташранг  
Ки, шуъласи анинг ўт солди хонумонимға.

Не суд элни кар этса Навоий афғони,  
Чу ёр солмади ҳаргиз қулоқ фиғонимға.

Шоирнинг фарзанди ва муриду шогирдига бўлган меҳру соғинчи илоҳий ишқу иштиёқига кўшилиб, фавқулодда кучли бир муҳаббатга айланади. Бундай «бульжаб» севги нафақат шоирнинг ғоявий муҳолифлари, балки билимдон фарзандида ҳам шубҳа-гумонлар туғдиради. Навоий фарзанди орқали ифодаланган илоҳий севгисини:

Анинг туфайли санамлар юзун кўрармен, лек  
Муни ким айта олур шўхи бадгумонимға, —

тарзида ифодалайди.

Инсонни шариату тариқатда гумону тухмат билан айбдор қилиш гуноҳ ҳисобланади. Шунинг учун халқ орасида гумон имондан ажратади, деган қараш кенг тарқалган. Шоир ундан бадгумон фарзандининг тезроқ тавба қилиб, гуноҳдан фориг бўлишини истайди. Лекин у ўз хоҳишини кескин эмас, балки «бадгумон» сўзига эркаловчи биринчи шахс эгаллик қўшимчасини кўшиб, жуда мулойим ифодалайди. Бу билан у оталик ва пиру устозлик меҳру садоқатининг кучлилигини ҳам таъкидламоқчи бўлади:

Қилма нисбат хублар бирла Навоий деб мени,  
Тухмат айлаб ҳар замон, эй бадгумоним, ўртама.



У Мир Иброҳимнинг шубҳа-гумонларига эътироз билдириб, қатор шеърларида ўзи, сўзи ва ишқининг поклигини таъкидлайди:

Эй Навоий, муътақидсен қайда кўрсанг пок юз,  
Юз кишида йўқ экан бир сен киби пок эътиқод;

Кўйма миннатким, юзумдек пок юз ҳеч кимда йўқ,  
Бўйла ишқи пок ҳамким менда бордур кимда бор?

Не назме дер эрсам мени дарднок  
Ки, ҳар ҳарфи бўлғай анинг дурри пок, —

ва ҳоказо.

Мир Иброҳим шоир хатларига ўз вақтида жавоб ёзмай, ҳар хил баҳоналар қилади. Сафардан қайтиш ҳақида эса мутлақо ўйламайди. Фамзада ота унинг хатларидан дард-алам чекади:

Демаким, хат ёзмадинг ҳажримдаким, элтур киши  
Йўқтурур, лекин ётур ҳужрамда юз тумор хат.

Ул парий қасрида хомам нўгидин, оҳ, ўқ келур,  
Оҳ ўқи бирла ёзар ҳолатда мажнунвор хат.

Ул қуёштин айру сариғ чеҳраи устурлобдек,  
Кўргузур тирноғ ила беҳад рақам, бисёр хат.

Ёр хаттидин Навоий хаста кўнгли заъф этар,  
Заъфқа мужиб бўлур, чун кўп ўқур бемор хат.

Шоир фарзандининг Марвда эканини билгач, фироқида жон оғзига етгунча оҳу фарёд чекади ва нома ёзишни давом эттиради:

Масканим ҳижронда бўлса эрди Марви шоҳжон,  
Бергай эрди ҳажрдин ўлсам, танимга шоҳ жон.

Рашкдин жону кўнгул бир-бирга душман бўлдиким,  
Гоҳ васлингни кўнгул айлар таманно, гоҳ жон.

Нома сабт айларда чиқти жон, вале куйди кўнгул  
Ким, қошингга нома бирла бормағай ҳамроҳ жон.

Жон била кўнглумни асрармен фидо айлай дебон,  
Йўқса эрмас ҳам кўнгул матлубу ҳам дилхоҳ жон.

Ғайрдин холи висолингни тилармен, оҳким,  
Кўрмагай кўз, бўлмагай воқиф кўнгул, огоҳ жон.

Фурқатингда бода қўймас ўлгаликим, қайтарур,  
Чикқали оғзим сари майл айласа ногоҳ жон.

Эй Навоий, уйла жон оғзимга етмишким, чиқар  
Фурқатида ҳар неча оҳиста чексам, оҳ, жон.

Марв қадим замонлардан «Шоҳи жаҳон» номи билан маш-  
хур бўлган. Шоир ҳам жондан азиз фарзандини «шоҳим» деб  
эркалаган. Бинобарин, ғазал матлаида сўз ўйини қилиб, Мар-  
вни Шоҳи Жаҳон эмас, Шоҳжон – Жон шоҳи деб атайди. У  
мен фироқда Марвда яшаб ўлсам, шоҳ менинг ўлик танамга  
жон бағишлайди, чунки у Жон шоҳидир, дейди. Бу билан у  
фарзандига бўлган меҳру садоқатини изҳор қилади.

Ёлғиз фарзандидан ажралган шоир «йиғлармен» радифли  
ғазалида машаққатли ҳаёти ва руҳий кечинмаларини ғоят ачи-  
нарли ва ҳаққоний тасвирлайди:

Лабинг майи ҳавасидин мудом йиғлармен.  
Пиёладек бўлубон талхком йиғлармен.

Ғаминг тунида кулоб шамъдек саҳарға дегин,  
Ўзумга уйқуни айлаб ҳаром йиғлармен.

Ўзумни ҳар нимага кундуз айларам машғул,  
Ғариб ҳолима, чун бўлди шом, йиғлармен.

Ториқти чарх йиғимдин, магарки билмас эди  
Ки, дарди ҳажр замони тамом, йиғлармен.

Ҳаёл ила анга деб, дам-бадам саломимни  
Бериб ўз-ўзума, андин паём йиғлармен.

Бўлуб ичим тўла қон давр эли нифоқидин,  
Сариғ узор ила андоқки жом йиғлармен.

Навоиё, яна бир лоларух фироқинда  
Кўзум ёшин қилибон лолафом, йиғлармен.

Ғамзада ота фарзанди фироқида саҳаргача шамдек куйиб йиғлайди. У кундузи ҳар хил ишлар билан ўзини дард-аламлардан чалғитса-да, кечалари ғариб ҳолига йиғлайди. Хаёлан фарзанди билан салом-алик қилиб кўришади, сўзлашади ва яна йиғлай бошлайди. «Давр эли нифоқидин» ичи «тўла қон» бўлиб йиғлайди. У «яна бир доларух фироқинда... йиғлармен» деганида марҳум фарзанди Ҳожи Муҳаммад учун чеккан дард-аламларини ҳам эслайди.

Навоий қуйидаги қитъада ўзи ва фарзандлари «сарнавишти» ҳақида фикр юритар экан, ўзини Юсуф фироқида йиғлаб кўзи кўр бўлган ғамзада Яқубга ўхшатади:

Бирн ўлдию бири итти, ишим бўлли таассуф.  
Ровиё ҳажрларидин манга йўқтур кеча уйқу,  
Қиссаи Ҳамза дегил гоҳию гаҳ қиссаи Юсуф.

Шоир: «Бўлуб ичим тўла қон давр эли нифоқидин», деб ёзганида душманларнинг кирдикорлари ва фарзандларининг алданганидан дард-алам чекади:

Онча йиғлатти жафодин дўстдур деб севганим  
Ким, кулар аҳволима ҳар қайда кўрса душманним.

Дўстким қилғай мени бедоди душман кулгуси,  
Буйла душманкомлиғдин яхшироқдур ўлганим.

Дўст душмандин манга кўнпрак чу текурди жафо,  
Не ажаб гар эмди душман дўстлуғ бўлғай фаним.

Урса душман заҳм эрур марҳам таваққуъ дўстдин.  
Иккиси заҳм урса тонг йўқ чок-чок ўлмоқ танним.

Таъна бирла бузма, эй душман, кўнгул уйин дағи,  
Ушбу баским, дўст зулмидин бузилмиш масканим.

Дўстқа жон бердиму душмандур эмди, ваҳ, не тонг,  
Ўргаса ҳам дўст, ҳам душманни оҳу шеваним.

Эй Навоий, дўст худ йўқ, ваҳ, не ҳолатдурки, бор  
Бошим узра душман икки дийдаи тар доманим.

Навоий «тортайин» радифли ғазалида нафақат фитналар тарқатаётган душманларидан, балки ўзларининг поклигини яхши билган ҳолда тухматларга эътибор қилиб, устоз хонадонини тарк этган яқин шогирдларидан ҳам, шоир унга шубҳагумон билан қараган айрим ёр-биродарларидан ҳам шикоят қилади:

Ошиқ ўлдум, неча жавр аҳли замондин тортайин,  
Улким ошуби замондур бори ондин тортайин.

Ёр ила агёр зулми ҳаддин ўтти, ваҳ, неча  
Васл учун жавру жафо яхши ёмондин тортайин.

Ҳажр гирдобидадур кўнглум каманди васл бер,  
Ким солиб ани бу баҳри бекарондин тортайин.

Сен танаъум гулбунидин уз фароғат ғунчаси,  
Мен бало пайкони жисми нотагондин тортайин.

Борғали кўйига энгимдин чиқар гўё қанот,  
Жавридин десам аёқ ул остондин тортайин.

Меҳмоним бўлсанг оллингда ҳаводис тухфаси,  
Неш тандин — ўқ кўнгулдин, нола жондин тортайин.

Эй Навоий, неча қилғайлар этакдек поймол,  
Мен доғи эмди этак аҳли замондин тортайин.

Алишер Навоийнинг «топмадим» радифли ғазали унинг фарзанд мақомидаги шогирдларига бўлган чексиз меҳру садоқати ва унинг бошига тушган фожиадай жаранглайди:

Меҳр кўп кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим,  
Жон басе қилдим фидо, ороми жоне топмадим.

Ғам била жонимға еттим, ғамгусоре кўрмадим,  
Ҳажр ила дилхаста бўлдум, дилситоне топмадим.

Ишқ аро юз минг маломат ўқиға бўлдум нишон,  
Бир камонабруда тузлукдин нишоне топмадим.

Кўнглум ичра сарв ўқдур, ғунча пайкон, гул тикон,  
Даҳр боғи ичра мундоқ гулситоне топмадим.

Ҳусн мулки ичра сендек шоҳи золим кўрмадим,  
Ишқ кўйида ўзумдек нотавоне топмадим.

Кўп ўқудум Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,  
Ўз ишимдин булжажаброқ достоне топмадим.

Ул амон ичинда бўлсун, эй Навоий, гарчи мен  
Бир замон ишқида меҳнатдин амоне топмадим.

Табъ ганжидин маони хурдасин юз қатла ҳайф  
Ким, нисор этмакка шоҳи хурдадоне топмадим.

Навоий энг яқин муриду шогирдлари камолоти учун жонини фидо қилиб таълим беради ва алоҳида меҳр билан вояга етказди. Уларнинг келажакда барча муҳим ишларига яқиндан кўмаклашувчи маслакдош дўстлар бўлиб етишишларини орзу қилади. Натижада Мирзобек халифалик, Мир Дарвеш, Ҳожи Муҳаммад ва Мир Иброҳим мусоҳиблик даражасига кўтарилдилар. Бироқ улар душманларнинг фитна-бўхтонларига чидаёлмай нафақат устоз хонадони, балки Ҳиротни ҳам тарк этадилар. У фарзандларини беҳад севгани туфайли ҳажрдан дилхаста бўлади. Фитна билан муродига етган душманлар гуноҳсиз инсонга таъна-маломат тошлари ёғдирадилар. Навоий туҳматларга чидаёлмаган ва ғамхўр отага тўғри муносабатда бўлмаган Ҳожи Муҳаммадан ранжиб, «Бир камонабрўда тузлукдин нишоне топмадим», дейди. Шоир бошига тушган азоб-уқубатларнинг оғирлигини «Кўнглум ичра сарв ўқдур, ғунча пайкон, гул тикон», тарзида ифодалайди. Навоий кўп замонлар мусоҳиб бўлган шогирдини баъзан «шоҳим» деб эркалаган бўлса, энди уни «шоҳи золим», деб атайди: «Ҳусн мулки ичра сендек шоҳи золим кўрмадим».

У шогирдлари кўмагида амалга оширган олий мақсадини «булжажаброқ», яъни энг ажабланарли, ҳайратланарли, қизиқарли иш деб ургулайди. Шоир фарзандининг ишқида беҳад азобу уқубатлар чекса-да, унга омонлик тилайди. Навоий мақтада «шоҳи хурдадон» деб мақталган шогирди Ҳожи Муҳам-

маднинг устоз ниятларини тушунмагани ва қадрига етмаганига афсусланади.

«Фарҳод ва Ширин» (1483-1484) достонининг 58-бобида ёзилишича, Ҳожи Муҳаммад мазкур йилларда Навоийдан ба-тамом узоқлашади ва орадан кўп вақт ўтмай, 1484–1485 йил-ларда вафот этади. Шоир «Наводир ун-ниҳоя»да унинг хоти-раси учун ғазаллар бағишлайди. Душманлар Ҳожи Муҳаммад вафотидан сўнг Мир Иброҳим ҳақида ҳам фитналар тарқата-дилар. У бундай нохуш аҳволдан изтиробга тушади ва оҳу-фарёд кўтаради. Шоир фарзандини тинчлантиришига ҳаракат қилади ва туҳматларга эътибор қилмасликка ундайди:

Эврулай бошинггау беҳушу ҳайронинг бўлай,  
Бир замон садқанг бўлай, бир лаҳза қурбонинг бўлай.

Хони васлингдин агар қовса рақибинг, рағмга  
Кўнглум истардек тахайюл бирла меҳмонинг бўлай.

Нетти жон топсам висолингдин лабингнинг холидек,  
Кўзу зулфунгдин неча масту паришонинг бўлай.

Хуштурур васлинг майидин ҳар тараф хирқамда доғ,  
Неча, жоно, мубталойи доғи ҳижронинг бўлай?

Гарчи бандангмен, мени озод қилма лутфдин  
Ким, қуюндек садқайи сарви хиромонинг бўлай.

Танни жилванг вақти туфроғ айлай, эй чобуксвор,  
То бошингга эврулурга гарди майдонинг бўлай.

Эй Навоий, гунгу доғ истар эсам тонг йўқ сени,  
Тобакай озурдайи фарёду афғонинг бўлай.

Мир Иброҳим отасининг панду насиҳатларига қулоқ сол-майди ва тобора кўпроқ фарёду фиғон кўтаради. Чорасиз қол-ган ота бундай аҳволдан руҳан сиқилади ва озурда бўлади.

Шоир «истадим» (изладим) радифли ғазалида ўтмиш ҳаётига яқун ясайди. У ёшлигида мактаб очиб, умрининг охиригача муршидлик ва муаллиму мураббийлик билан шуғулланади. Устоз Навоий бир умр фавқуллодда истеъдод, юксак ақлу зако-ватли «бир ёр», яъни дўсту ҳамроҳ излайди. Сўнгра унга кеча-

кундуз илоҳий ва дунёвий фанлардан теран билим бериб, уни ғоятда билимдон мусоҳиб ёхуд халифа даражасига кўтаради. Устоз азиятлар чекиб вояга етказган жондан азиз шогирдларини беҳад севган, қадрлаган. Бу ҳодиса унинг «Тун ақшом бўлди-ю, келмас менинг шамъи шабистоним», «Кеча келгумдур дебон, ул сарви гулрў келмади», «Эй сабо, ҳолим бориб, сарви хиромонимга айт» каби ғазалларида шоирнинг билимдон шогирдлари аниқ кўзга ташланади. Шоирнинг билимдон шогирдлари саройда, Ҳусайн Бойқаро ҳузурида ўтган илмий баҳсларда энг юксак мукофотларни олиб, Ҳиротда донг қозонадилар. Шундан сўнг бутун аҳоли ўз фарзандларини Навоий очган мадрасаларга ўқишга бера бошлайди. Натижада ҳар йили мазкур таълим даргоҳларини кўплаб фозил, комил йигитлар битириб чиқадилар. 30-40 йил давомида Хуросонда фозил, ўзига хос комил давлат ва жамият барпо этилади. Дushmanлар, айниқса, бошқа оддий мадрасаларнинг ичи қора мударрислари бундай катта ўзгаришдан ғазабга келиб, устоз ва унинг шогирдлари ҳақида фитна-бўхтонлар тарқатадилар. Тухматларни кўтаролмаган шогирдлар муршид хонадонини тарк этадилар. Шоир шогирдларининг бевафолиги ва ўзининг бекаслигидан шикоят қилади. Ёлғиз қолган Навоий «қон ютуб» яна «бир ёр» излай бошлайди.

Қон ютуб умре жаҳон аҳлида бир ёр истадим,  
Лекин ул камрак топилди, гарчи бисёр истадим.

Кимгаким жоним фидо айлаб, соғиндим, ёр эрур,  
Эрмас эрди ёрликда чун вафодор истадим.

Билмадим олам элида йўқтурур мутлақ вафо,  
Ваҳки умри улча йўқтур соғиниб бор истадим.

Улки топилмас башар жинсида, ваҳ, гафлат кўрунг  
Ким, пари хайлида мен девонаи зор истадим.

Сирри ишқимни, кўнгул, кўз бирла фош этмак не тонг  
Қалби тардоманни чун мен соҳиб асрор истадим.

Шайх бирла хонақаҳдин чун ёруғлуқ топмадим,  
Дайр пири хизматиға кўйи хаммор истадим

Эй Навоий, чун рафиқе топмадим, бу гуссадин,  
Ўзни бекаслик балосига гирифтор истадим.

Шоир Астробод сурғунидан олдин ёзган:

Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,  
Не ажаб, чун сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур, —

матлали ғазалида Мир Иброҳимнинг душманлар фитнаси таъсирида унинг хонадонини тарк этганига ғоят ачинади ва севимли фарзанди фироғида «баҳри ашк» тўкиб йиғлайди:

Деса бўлғайким, яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор,  
Ўн сакиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур...

То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри ашк,  
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.

Навоий 1489 йили Астробод сурғунидан қайтгач, «Хазойин ул-маоний» тартиб берилгунгача бўлган икки йил\* давомида сафарда қолиб кетган Мир Иброҳимни орқага қайтариш учун кўп саъй-ҳаракат қилади. Бироқ у қайтмайди. Отаси ва пиру устозининг хизматларини батамом унутади.

Шоир:

Ул парики, ани демипмен ёр,  
Одамлиғдин ўзга борчаси бор, —

дер экан, фироқ ўтида куйдирган, кичик фарзандида ана шу муҳим фазилат — одамийликнинг йўқлигига, аниқроғи, уни йўқотганига ишора қилади.

Шоир «Лисон ут-тайр»га кирган муножотида катта фарзанди вафотидан сўнг оталик ва пиру устозлик меҳрини қадрламайдиган бир тааддипеша<sup>27</sup> фарзанду шогирдига, яъни Мир Иброҳимга беҳад меҳр қўйиб, таъна-маломатларга қолганига ғоят ачинади:

---

\* Навоий аввалги икки девонидан кейин, сўнгги икки йилда яна икки девонга старли шеърлар битганини ёзади. Баъзи навоийшунослар эса шоир таъкидлаган мазкур икки йилни 1492–1493 йиллар деб ҳисоблайдилар.



Ё Раб, ўз ҳолимга ҳайронмен баса,  
Осию масту паришонмен баса...

Бир тааддипешани хуб деб,  
Ўзни ошиқ деб, они маҳбуб деб,

Ҳар ситамким тундхўедин етиб,  
Ул чу етгач оҳ уруб, ўздин кетиб,

Оташин лаълидин ўт жоним аро,  
Рўзгорим зулфу холидин қаро...

Англабон онсиз тирикликдин ўлум,  
Жонга айлаб ҳажрида юз уштулум.

Аллоҳ, Аллоҳ, ўлтурур шармандалиқ,  
Ёдима келса бу янглиғ бандалиқ.

Хуллас, улуғ санъаткор дунёвий шеърларида ўзи ва мусоҳиб шоғирдларининг беназир реалистик тимсолларини яратади. Девонларга кирган, биз келтирган ва келтирмаган жуда кўп дунёвий шеърларнинг кўпчилиги реалистик асарлар эканлиги шак-шубҳасиздир.

Навоий лирикасининг ўзига хос нозик ва мураккаб хусусиятлари ҳақида баҳс юритганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шоирнинг аксар шеърларида ёр муҳаббати ошиқнинг маъшуқага бўлган муҳаббатидек туюлади.

Чунончи, оддий китобхон қуйидаги байтнинг «сарви равон», «ороми жон» сўзларига биноан уни маъшуқа деб ўйлаши мумкин:

Гул сочар ел боғ аро, сарви равоним келдиму?  
Жон иси гулдин келур, ороми жоним келдиму?

«Сарви равон», «сарви хиромон» «ороми жон» каби тасвир воситаларининг ҳар икки жинсга нисбатан қўлланишини яхши билган китобхон бу ҳақда муқояса асосида бошқача фикр юритади. Энди шу жиҳатдан шоирнинг:

Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимга айт,  
Йиғларимнинг шиддатин гулбарги хандонимга айт, —

матлали ғазалига эътибор қилайлик. Ғазалнинг «усрук» (маст), «бебок нодон», «шоҳи суҳандон» каби сўзлари сарви хиромоннинг маъшуқа эмас. маъшуқ, яъни шоирнинг қарилигида сафарда қолиб кетган ғоятда севимли, истеъдодли фарзанду шогирди Мир Иброҳим экани аён бўлади:

Буки чок айлаб ёқа, усрук чиқар эл қасдиға,  
Мен ўлиб эл жон топар, бебок нодонимға айт.

Эй Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хуш наво  
Булбули йўқ эрканин шоҳи суҳандонимға айт.

Хуллас, лирик қаҳрамон севган лирик шахс қиёфасини белгилаганда, муайян тимсолнинг бошқа шеърларда қандай маъноларда келгани, шунингдек, мазкур байтда ғазалнинг яратилиш тарихи, яъни хронология бўйича қарилик лирикасига мансублигини ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади.

Лирик шахсни маъшуқа деб талқин этувчилар устоз мусоҳибининг ҳаётий тимсоллари Ҳожи Муҳаммад ва Мир Иброҳим эканига ҳам шубҳа билан қарашлари мумкин, албатта. Шоир «Мажолис ун-нафоис»да кўп замонлар мусоҳиб бўлган шогирди Ҳожи Муҳаммадни азиз фарзанд деб таърифлагач, унинг фазлу камолоти ҳақида фикр юритиб, «диққат», яъни теран, нозик маъноларни тушуниш қобилияти ва билимда баркамоллигини мадҳ этади. Унинг бу хусусиятлари «Лисон ут-тайр»дан олинган:

Бир паришонтабъ мажнун бор эди  
Ким, биров савдосидин кўп зор эди, —

матлали тамсилда ҳам акс этган. Унда ёзилишича, бир мажнунсифат ошиқнинг ўз маъшуқини беҳад севгани ҳикоя қилинади. У ғўзаллиги билан элда донг таратибгина қолмай, «диққат» ва «камолти дониш»да ҳам машҳур эди:

Хусн аро оламда ғавғоси онинг,  
Шаҳру кишварда алолоси онинг.

Лутфи ҳусни гарче номақдур эди,  
Икки иш бирла вале машҳур эди.

Бир камоли донишу диққат аро,  
Бир жафо айлар замон шиддат аро.

Бундан «паришонтабъ мажнун»нинг – Навоий, шиддатда жафокор ва диққатда машҳур маъшукнинг Ҳожи Муҳаммад экани аён бўлади.

Авваллари садоқатли бўлган шогирднинг устозга бўлган муносабати кейинчалик тубдан ўзгаради. Шоирнинг мухолифлари унинг фарзандига атаб ёзган шеърларидан нотўғри хулосалар чиқариб, ҳар хил фитналар тарқатадилар. Ҳожи Муҳаммад бундан қаттиқ ғазабланади ва устозга кескин норозилик билдириб, ҳаётига таҳдид ҳам қилади: Деди:

«Таърифинг киноятдур манга,  
Ор ондин бениҳоятдур манга!

Қилди маҳпайкар ғазабким ушбу дам,  
«Даҳрдин айлай вужудингни адам!»

Шоир эса уни таърифлаб ёзган барча шеърлари муҳаббат, ихлос ва муваддатдин, яъни дўстликдан эканини таъкидлайди:

Неки мен дедим муҳаббатдин эди,  
Барча ихлосу муваддатдин эди.

Шунга қарамай, Ҳожи Муҳаммад шоирдан унга атаб шеърлар ёзмасликни қаттиқ талаб қилади. Навоий бу ҳақда:

Бир парипайкар ғами ошуфтаҳол этмиш мени,  
Элга аҳволим демактин гунгу лол этмиш мени. –

матлали ғазалида батафсил ҳикоя қилади.

Хуллас, шоир «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» дostonларида ошиқ йигит ва маъшуқа қиз ҳақида кенг фикр юритгани учун, «Ҳазойин ул-маоний»да бу масалани такрорламай, шогирдлари орқали замондошларини, аввало ёшларни иллатлардан пок, фозил, комил инсонлар қилиб тарбиялаш муаммосини кўтаради. Биз ёр борасидаги баҳсни ҳар қанча давом эттирмайлик, битта ҳақиқат аён бўлади. Навоий «Ҳазойин ул-маоний»да ёрнинг маъшук, маҳбуб, дўст, йигит,

қуёш, ой, маҳваш, маҳжабин, гул, гулғузур, гулбарги хандон, сарвиноз, сарвигулрў, сарвқомат, пари, малаксиймо, шоҳим, моҳим, чобуксувор, чобук, шаҳсувор каби хилма-хил маънодошлари ҳақида бот-бот фикр юритса-да, маъшуқа, маҳбубани умуман тилга олмайди ва назарда ҳам тутмайди.

## УЛУҒ МУҲАББАТ ТАРОНАЛАРИ

Навоий сўфиёна шеърларида бир томондан фалсафий қарашлари, иккинчи томондан фавқулодда истеъдодли халифа-ю мусоҳибларига, сўнгра улар орқали Аллоҳга ва у истаган комил давлат ва жамиятга бўлган меҳру садоқатини рамзий тараннум этади. Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси асосида ижод қилган Навоий Аллоҳни борлиқда деб билади ва Инсонда мукамал акс этади дейди:

Эй жамолинг жилваси миръот инсу жон аро,  
Лек ўлуб ул жилва комил мазҳари Инсон аро.

Шоир ўз фикрини Куръони каримдан келтирилган далил билан янада қатъийлаштиради ва Аллоҳ Инсонда, Инсон эса Аллоҳда мавжуд деган ғояни олға суради:

Ул шамъки, «ваззуҳо» қуёш юзидур,  
Мазоғ била сурма чекилган кўзидур.

Анинг сариким, ўзи улу ул ўзидир.  
Борча «инна минка анта минни» сўзидир.

Яъни, мен сендамен, сен мендадурсан.

Шоир Аллоҳ Инсонда мукамал акс этади деганида, яхши сифат ва фазилатларга эга бўлган пок одамларни назарда тутди ва уларни илоҳий хислатларни мужассам этган ёр ва унинг маънодошлари — қуёш, ой, моҳим, маҳваш, маҳжабин, гул, гулруҳ, гулғузур, сарв, сарвигулрў, сарви хиромон, қора кўз кабилар орқали ифодалайди.

Улуғ муршид ахлоқий поклик ва маънавий камолотни Аллоҳ жамолига етишишнинг бош шартини деб билади ва бу борадаги фикрини «пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқдир ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин кўзғалмоқ ва бу пок мазҳар

воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ», деб таърифлайди. У «пок кўз», «пок назар», «пок юз» деганида пок инсонларни, «маҳбуби ҳақиқий» орқали эса Аллоҳни тушунади.

Навоий пок фарзандлари сиймосида Аллоҳ ва илоҳий оламни аён кўради. Бу борада жондан азиз катта фарзандига хитобан шундай дейди:

Сафҳаи хуснунгда Ҳақ сиррин кўрар кўнглум аён,  
Тонг эмас булбулга Мусҳаф ўрнида гул дафғари.

(Яъни кўнглим хуснинг саҳифасида Аллоҳ сирини аниқ кўради. Тангри сени беҳад севганидан ғоятда гўзал қилиб яратди ва сен орқали оламга ўзини кўрсатмоқчи бўлди. Мен хуснинг саҳифасида Аллоҳнинг бу сирини аён кўрдим ва англадим. Сен менинг Гулимсан. Мусҳафдай азизсан.)

Навоий «сафҳаи хуснунгда Ҳақ сиррин» деганида инсоннинг Тангри ғоятда гўзал ва жозибали қилиб яратган юзи, кўзи, қоши, киприги, сочи, лаби, тишлари, мўйлаби, холи, бақбақаси, қулоғини назарда тутди. Мазкур байт ғоят теран ва нозик маъноларга эга. У унда фарзандининг хуснини дафтар саҳифасига, фарзанди ва Аллоҳни гулга, ўзини булбулга, Аллоҳнинг сирларини ҳикматларга бой катта дафтарга ўхшатади ва булбул Мусҳаф (Қуръон) ўрнида гул дафтарини ўқиса, ажабланарли эмас, дейди.

Улуғ авлиёнинг Аллоҳ жамолини пок ва етук инсонлар сиймосида кўриш ҳақидаги қарашлари ҳам душманлар фитнаси ва шогирдларининг шубҳа-гумонларига сабаб бўлди. Фарзанд муршид отанинг тикилиб қарашига эътироз билдиради. Ота эса унга меҳру садоқат изҳор қилиб, ночор аҳволдан зорланади:

Нечаким, ул ойға мендин меҳрибонроқ йўқ киши,  
Яхши то қилсам назар мендин ёмонроқ йўқ киши.

Хасталар жониға ул бемор кўздин новаке  
Гар отарсен, билки, мендин нотавонроқ йўқ киши.

Оҳу хунобимни лаҳну бода қилмишсен гумон,  
Дилраболар ичра сендин бадгумонроқ йўқ киши.

Аҳли ишқ озори жонин истабон тишлар лабин,  
Мендин ушбу қиссада озурдажонроқ йўқ киши.

Ёр этар эрмиш ватан бехонумонлар кўнглини,  
Шукр, мендин кўйида бехонумонроқ йўқ киши.

Хослар васл истагайлар, ваҳки, мен девонадин,  
Ул парий кўйида беному нишонроқ йўқ киши.

Эй Навоий, хурдаи назмингга ислоҳ истасанг,  
Шоҳи Ғозийдин жаҳонда хурдадонроқ йўқ киши.

Улуғ авлиё фарзандтари сиймосида Аллоҳ жамолини кўриш-  
га мушарраф бўлган ва барча пок, етук инсонларнинг ҳам шу  
тарзда Тангри юзини кўришлари мумкинлигига ишонган. Ота  
кичик фарзанди сиймосида ҳам важҳуллоҳ, яъни Аллоҳ юзи-  
ни кўради:

Юзунг лавҳида важҳуллоҳ аёнду,  
Не тонг, гар олмасам ул кўзгудин кўз.

Аввалги бобларнинг бирида ёзганимиздек, бу ҳодиса ки-  
чик фарзандда ҳам шубҳа-гумон уйғотади. Шоир бу ҳақда:

Анинг туфайли санамлар юзун кўрармен, лек  
Муни ким айта олур шўхи бадгумонимга, —

деб ёзади.

Шоир сўфиёна шеърлари ҳақида мен мажоз (инсон) орқа-  
ли ҳақиқий ишқни, Аллоҳга муҳаббатни кўйлайман. Зеро, бу  
ҳақиқат аҳлининг, яъни Худога етишганларнинг тариқатидир,  
деб ёзади:

Мажоздин манга мақсуд эрур ҳақиқий ишқ,  
Нединки, аҳли ҳақиқатқа бу тариқат эрур.

Шунга кўра, сўфиёна шеърларда дунёвий қарашлар кўпроқ,  
дунёвий шеърларда эса сўфиёна фикрлар камроқ аралашиб  
келади. Бу ҳодиса «қаро кўзум», «кеча келгумдур» каби сўфи-  
ёна, «меҳнат ўқидин қабақдек қолмишам афғон аро», «юзу  
зулфунгни соғиниб келмишам, эй маҳжабин»дек дунёвий

шеърларда кўзга яққол ташланади. Энди шу нуқтаи назардан «ул пари кўйида мен девонани банд айлангиз», «Не хуш бўлғай икавлон маст бўлсақ васл боғинда», «Кўнгуллардин кўруб зулфунг аро ўтлуқ асар ҳар ён» ва «Эй сарвинози гулшани боғи малоҳатим» деб бошланадиган сўфиёна ғазалларга яна бир назар ташлайлик.

Ул парий кўйида мен девонани банд айлангиз,  
Банди-бандим зулфи занжирига пайванд айлангиз.

Халқ тарки ишқи айларга мени дилхастани,  
Ўлтуруб олам элига мужибу панд айлангиз.

Телба кўнглум топсангиз, эй ёр кўйи итлари,  
Тўш-тўшидин тишлабон парканд-парканд айлангиз.

Бодан ишқ асру маст этмиш мени, эй дўстлар,  
Жомима афюн эзиб бир дам хирадманд айлангиз.

Йиғласам аччиғ малул ўлмоқ недур, эй хублар,  
Ҳазл учун гоҳе боқиб, сиз ҳам шакарханд айлангиз.

Ишқ баҳрида дури васл истаманг, эй аҳли дард,  
Кўнглунгиз ул нақд ёди бирла хурсанд айлангиз.

Қилсангиз тасвири Лайло ҳуснин ул ойдек сизинг,  
Лек Мажнунни Навоий бирла монанд айлангиз.

«Ҳайрат ул-аброр»да тасвирланганидек, Аллоҳ ошиқларидан узоқлашганида улар аччиқ йиғлайдилар. Шоир буни «келмади» радифли ғазалда «Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонатор» тарзида тасвирлайди ва Аллоҳни кўзга кўринмас ғоят гўзал парига, фарзандини паривашга, ўзини эса Тангрининг фидойи ошиқига ўхшатади. Шоир мазкур ғазалнинг матлайданоқ пари ва унинг жингалак узун сочи ҳақида сўзлаб, асарнинг фарзанди орқали Аллоҳга қаратилганига ишора қилади.

«Ул пари кўйида мен девонани банд айлангиз» мисрасидаги «ул» олмоши ҳам бу фикрни таъкидлаб келмоқда. Шу тарзда шоир ғазалнинг матлайданоқ Аллоҳга бўлган ишқу иштиёқи ва садоқати кучлилигини изҳор қилади. Ҳис-туйғуларининг кучлилигини у бошқа воситалар орқали ҳам уқтиради.

Шоир ишқ йўлида жонини қурбон қилишга ҳам тайёр ва буни фахр деб билади. Ошиқ ёр кўчасининг итларини ҳам беҳад севади, бинобарин, уларнинг юрак-бағрини тишлаб, парчалаб ташлашларига ҳам рози. У дўстларига мурожаат қилиб, мен Аллоҳ ишқи билан беҳад мастман, сизлар мени афюн билан фақат бир дам хушёр қилишларингизга розиман, дейди. Шоир яхшиларга мурожаат қилиб, ҳақиқий ошиқгина аччиқ йиғлаши мумкин, шунинг учун сизлар бунга хафа бўлманглар, дейди. Навоий илоҳий ишқнинг мажозий ишқдан устунлигини, ўзининг ишқи эса илоҳий эканлигини таъкидлайди. Ҳазалдаги пари теран рамзий маъноларга эга. Шоир бу ерда, бир томондан, фарзандини парига ўхшатиб, унинг гўзаллиги, поклиги ва кўздан ғойиб бўлганига ишора қилади. Иккинчи томондан, пари – сарви гулрў, қора кўз каби ёр – Аллоҳ маъносида келган. Бинобарин, ўшандай пок, ғоятда гўзал комил инсонлар ҳаётини орзу қилади. Ўшандай ҳаёт учун жонини фидо қилишга тайёрлигини изҳор қилади.

Аллоҳни инсонда мукаммал кўрган шоир сўфиёна шеърларининг бадиий усулини «Ҳақиқат асрорини мажоз тарийқида маҳсул қилмоқ», яъни Аллоҳ сирларини инсон орқали кашф этмоқ, деб таърифлайди. Аллоҳ инсонни беҳад севганидан уни ўзидек ғоят гўзал, жозибали ва олижаноб сифату фазилатлар соҳиби қилиб яратади. Уни коинотнинг гултожи ва ердаги халифаси даражасига кўтаради. У зарур бўлганда, Навоийдек садоқатли ошиқлари, яъни дўстларидан хабар олиб, ҳол-аҳвол сўрашни ҳам унутмайди. Шоир унинг бу хусусиятини «Тун оқшом келди» ғазалида жуда самимий ва ҳаққоний тасвирлайди. Навоий ҳам Аллоҳни чексиз севади ва ҳар доим унинг висолига интилади. Бу жиҳатдан унинг қуйидаги сўфиёна ғазали диққатга сазовордир:

Не хуш бўлғай икавлон маст бўлсақ васл боғинда,  
Кўлум бўлса анинг бўйнидаву оғзим қулоғинда.

Даме васл ичра волиҳлиғ била рухсорим эғнида,  
Яна бир дам ниёзу ажз ила бошим аёғинда.

Тутуб гоҳе занахдонин мукаррар айласам бот-бот,  
Кўруб гуллар очилган бодадин рухсори боғинда.



Шимиб ютсам гаҗе ҳайвон суйидек завқдин кўргач,  
Тарашшуҳ бодалин гул яфроғи янглиғ дудоғинда.

Гаҗе куз суртаримда, йўқса ҳар ён шодлиқ ашким.  
Гул узра қатра шабнамлар кеби сиймин садоғинда.

Гаҗе беҳудлуғумдин сесканиб тутсам адаб расмин,  
Белига чирмашурда шавқнинг ифроти чоғинда.

Не келса тонгла келсун, бир тун усрук ётса ҳам хуштур  
Киши гул чоғи бир гул хирманин тортиб кучоғинда.

Қачон даврон манга бир буйла ишратни раво кўргай  
Ки, ўргатмиш мени ўртарга ҳижрон дарду доғинда.

Навоий, сен киму ишрат майи билмасмусенким, ит  
Агар қон ичса ҳам боши керактур ўз ялоғинда.

Ғазалнинг дунёвий маъноси қуйидагича: Навоий Ҳиротдан узоқ бир шаҳарга кетиб қолган севимли шогирдини ғоятда соғинади ва «Не хуш бўлғай икавлон маст бўлсақ васл боғинда», дея унинг висолига интилади. Лекин даврон шоирнинг бундай хоҳишларига ҳамиша қарши чиқади ва уни ҳижрон «дарду доғинда» ўртаб келади. Аммо улуғ пир шогирдлари фироқида «қон ичса ҳам» умидсизликка берилмайди, бошим омон бўлса бир куни муродимга етарман, дейди.

Энди ғазалнинг сўфиёна маъносига эътибор қилайлик. Аллоҳни астойдил севган ҳар бир инсоннинг, жумладан, шоирнинг ҳам юксак орзуси Тангри висолига етишдир. Навоий ғазалда шу ҳақда ўйлайди, хаёл суради. У ўз орзуси ушатганида, қўлини Тангри бўйнига қўйиб, қулоғига дил розини, Ҳақ йўлда чеккан азиятларини изҳор қилмоқчи бўлади. У «икавлон маст бўлсақ» деганида иккинчи шахс — сенни назарда тутади. Иккинчи мисрада эса «қўлим бўлса сенинг бўйнингда» эмас, батки «қўлим бўлса анинг (унинг) бўйнида» деб ёзади. Биз шоирнинг айрим ғазалларида Аллоҳни «У» олмоши орқали ифодалаганини ҳисобга олсак, бу ердаги «анинг» ҳам Тангри эканлиги аён бўлади. Бу ҳодиса ғазалнинг мазмунида ҳам ўз аксини топган. Шоир Тангри юзини гулга, унинг ўзини гул хирмонига ўхшатади ва уни бир тун кучоқлаб, ҳидига маст бўлиб ётишни улуг бахт деб билади. Бу шоирнинг энг юксак

орзу-умидидир. У «қачон даврон менга бир буйла ишратни раво кўргай» деганида, аввало Абу Сайид Мирзо уни севимли халифаси Мирзобекдан жудо қилгани ва шогирдининг фироқида дард-алам чекаётганини, сўнгра зolim ҳукмдор замонида моддий жиҳатдан қийналиб машаққатли ҳаёт кечираётганини назарда тутати. Абу Сайиддек мутаассиб инсонлар ҳукмронлик қилган давр унинг хоҳиш ва интилишларига ғов бўлаётганига ишора қилади. Бироқ шоир умидсизликка тушмайди. Хуллас, шоир ғазалда бир томондан, ўз замонида ҳукм сурган ҳақсизликлардан шикоят қилса, иккинчи томондан, Аллоҳ висолига этишишдек улғу орзусини ҳам тараннум этади.

Ғазал ғоят муҳим сиёсий-фалсафий аҳамиятга эга бўлганидан Навоийнинг XIX асрдаги буюк шогирдлари Муҳаммад Шариф Шавқий (Шавқий. Шеърлар, 1964 й. Нашрга тайёрловчи, таржимон ва сўзбоши муаллифи М.Маҳмудов.) унга мусаддас ва Мулло Очилди Мирий (Мирий. Танланган асарлар, 1965 й. Нашрга тайёрловчи, таржимон ва сўзбоши муаллифи М.Маҳмудов) мухаммас боғладилар.

Навоий фарзандидан душман фитналарига алданиб, унинг хонадонини тарк этганларини яхши билса-да, бунинг бош сабабини уларнинг ишқда комил эмасликларида деб билади. Агар уларнинг ота ва пиру устозга бўлган меҳру садоқатлари камолот босқичига кўтарилганида эди, улар Аёз Маҳмудга садоқат билан қуллуқ этганидек, менга ҳам вафодор бўлиб, астойдил хизмат қилган бўлар эдилар, демоқчи бўлади:

Ишқ агар комилдурур, ошиқ қилур маъшукни,  
Йўқса невчун айлади Маҳмудқа қуллуқ Аёз.

Шоир «Қаро кўзум» ва «Кеча келгумдур» каби ғазалларида, бир томондан, ёшларни дунё иллатларидан поклаб, комил инсонлар қилиб тарбиялаш, иккинчи томондан, улар орқали Аллоҳ фироку иштиёқи ва унга бўлган меҳру садоқатни ифодалашдек муҳим ғояни тараннум этади.

Навоий ёр ҳақидаги орзуларини «Эй сарвиноз» ғазалида нозик сўфиёна ишоралар орқали ифодалайди:

Эй сарвинози гулшани боғи малоҳатим,  
Эй гулбозору маҳвашу сарвқоматим.

Лаълинг табассум этдию, жоним асириду,  
Шаккар соғинди тўти киби йўқ ҳаловатим.

Дарду фироқ мотами, эй нозанин нигор,  
Яғмо қилиб ҳузурими, тоқ этти тоқатим...

Токи Навоий чекти рақам иштиёқи ёр,  
Шоядки бўлғай бир куни элга ҳикоятим.

Ғазал шоирнинг сарвинозга мурожаати билан бошланади. Аввал зикр этганимиздек, сарвиноз, гулгузор, маҳваш, сарвқомат, нозанин нигор каби атамалар ёрнинг яқин маънодошлари бўлиб, Аллоҳнинг марҳамати, тариқат аҳлининг кўмагида барпо этилган янги давлат ва жамиятни ҳам тушунади.

Тариқат қадим замонлардан камолот ва малоҳат мактаби сифатида кенг шуҳрат қозонган. Шоир ғазал матлаида тариқатни малоҳат боғига, комил инсонларни тарбияловчи мактабини гулшанга, бениҳоя гўзал ёш мураббийсини сарвинозга қиёслайди. У бу ғазалида сарвинозининг ёшларни комил инсонлар қилиб тарбиялаш ва мукаммал жамият қуришдек шарафли ишдан узоқлашганига ачинади. «Лаълинг табассум этдию, жоним асириду» мисрасида фарзандининг чиройли табассуми орқали Аллоҳ – гўзал, жозибали, лекин унга етишиш ғоятда машаққатли эканига ишора қилади.

Шоир қуйидаги ғазалда ҳам шу ҳақда фикр юритади:

Кўнгуллардин кўруб зулфунг аро ўтлуқ асар ҳар ён,  
Туну анжум дема билгил тутун ичра шарар ҳар ён.

Ғараз улдулки, ишқингдин ғалатқа солғамен элни,  
Буким истаб суманбарларни солурмен назар ҳар ён.

Пари рухсоралар тоши мени девона давринда,  
Сочилғондек дурур нахли маломатдин самар ҳар ён.

Дема кўйидин эл кетсунки банд этмиш чибил янглиг,  
Улусни сўзда лаълинг нўшидин оққон шакар ҳар ён.

Улус қонини туфроққа тўкарни сўрма, кўз солким,  
Улар қон бирла туфроқ ичра бир хунин жигар ҳар ён.

Бузуқ қабримни кўрган ўқчи дўконига ўхшатқай,  
Фироқнинг ўқидин анда кўруб пайкону пар ҳар ён.

Ул ой ҳуснига ишқингни ёшурғил дема, эй носих  
Ки, тутмиш олам аҳли ичра шуҳрат бу хабар ҳар ён.

Маю маъшуқ учун пўямға кулманг, эй салоҳ аҳли,  
Югурмай неткамен, чекса қазо бирла қадар ҳар ён.

Сени истарда мумкин йўқ, Навоий, мултафит бўлмақ,  
Нечаким жилва қилса ноз ила бир сиймбар ҳар ён.

Улуғ муршид авваллар ёшларни астойдил севишининг туб сабабини яшириб, элда атайин «ғалат» тасаввур уйғотади. Аммо шоирнинг ёшларга бўлган муносабати ҳар хил миш-мишларга сабаб бўлади ва айримлар унга таъна-маломат тошлари ёғди-радилар. Шоир бу борадаги ҳақиқатни, аввало, унинг фарзанди яхши тушунишини ва шубҳа-гумонларга берилмаслигини истайди. У беназир шоғирдига сен билимдонсан, ўзинг жозибали, нутқинг ёқимли, бинобарин тариқат аҳли сенинг атрофингда чивиндек тўпланиб, сўзларингни бажонидил тинглайдилар, дейди. У бир ғазалида «бир ишимга яра» деганида унинг ана шу хизмати, фазилатини назарда туттади. Шундан сўнг у фарзандини жигари қонга тўла Аллоҳ ошиқларини ҳурмат қилиш, қадрига етишга ундайди.

Ниҳоят, бошқа шеърларидагидек, бу ғазалида ҳам пок муҳаббати ва муршидлик фаолияти ҳақида баҳс юритиб, шундай ёзади:

Маю маъшуқ учун пўямға кулманг, эй салоҳ аҳли,  
Югурмай неткамен, чекса қазо бирла қадар ҳар ён.

Менинг маю маъшуқни, яъни Аллоҳни севувчи ва илоҳий сифатларни ўзида намоён этган пок инсонларни излаб топиш учун ҳар томонга елиб-югуришимдан, эй салоҳ аҳли, кулманг, зоро мен бу ишни Тангрининг ҳукми ва тақдир тақозоси билан бажараётганим учун ҳар ён югуришдан бошқа иложим йўқ, дейди. Шоирнинг бир умр давом этган муршидлик фаолиятдан салоҳ аҳли, яъни тўғри фикр юритувчи пок инсонлар эмас, балки эгри фикр юритувчи нопок одамлар кулган-

лар ва ҳар хил туҳмат-маломатлар қилганлар. Навоий мазкур байтда «сатоҳ аҳли»ни кесатиқ билан салбий маънода қўлламоқда. Бу шоирнинг мухолифларига берган тўғри жавоби эди.

Шоир мақтада фарзандига қарата «Нечаким жилва қилса ноз ила бир сиймбар ҳар ён», деса-да, аслида у бу ерда Аллоҳни назарда тутлади.

## БУЛ АЖАБ ОЛАМ ЖИЛОЛАРИ

Шоир юқорида келтирганимиздек, Тангри инсон учун гўзал оламни яратганига чексиз миннатдорлик билдиради. Бироқ, замонлар ўтгач, олам инсон учун хавфли бўлиб, унинг орзулари ушалмай қолади:

Йўқ фароғат даҳр ароким, шомдин сочин ёйиб,  
Ёғдуруб ашқин, тутар ҳолингга ҳар тун мотаме.

Навоий инсон тақдирига ғоят ачинади. Тангри унинг орзулари ушаладиган янги бир олам яратармикан, деб умид қилади:

Ғар будур олам, кишига мумкин эрмас андаком,  
Ҳақ магарким ком учун боштин ёротқой оламе.

Шоир янги оламнинг қандай бўлиши кераклиги ҳақида бутун ижодида, айниқса, «Садди Искандарий» достонида батафсил фикр юритади. Достоннинг бош қахрамони шоҳ Искандардир. У машҳур тарихий шахс — Александр Македонский эмас, балки Навоий ҳаётда кўришни орзу қилган, ҳар жиҳатдан комил ҳукмдор тимсоли. У ёшлигидан Фарҳоддек шоҳликка эмас, балки устозларидан илму ҳунарни мукамал эгаллашга қизиқади ва саъй-ҳаракатлар билан катта муваффақиятларга эришади. Отаси вафотидан сўнг эл хоҳиши билан тахтга ўтиради. Эл уни тахтга лойиқ кўрганида унинг илмдаги камолоти, адолатпарварлиги ва тadbиркорлигига эътибор қилади. Искандар давлат ва жамиятни устози Арасту ва олимлар маслаҳати билан бошқаради. Улар ҳақиқий ҳукмдор қуйидаги сифатларга эга бўлишини тавсия этадилар:

— подшо элга мушфиқ ва марҳаматли бўлиши;

— сипоҳни лутфи билан шод, раиятни адли билан обод қилиши;

- улуснинг осойишталиги учун курашмоғи;
- ярамас кишиларга нисбатан сиёсат қўллаши, қаттиққўл бўлиши;
- сўзи, оғзи, кўнгли, кўзи пок, ҳимматли ва саховатли бўлиши керак.

Искандар бу сифатларни эгаллайди ва давлату жамиятни рисоладагидек бошқаради. У шоҳнинг бош вазифаси халқнинг моддий ва маънавий ҳаётини яхшилаш деб ҳисоблайди. Бинобарин, олимларга озиқ-овқат етиштирувчи соҳаларни ўрганиб, уларни ривожлантириш тadbир-чоралари ҳақида асар ёзишни топширади. Уларнинг китобларидаги кўрсатмаларга амал қилиш натижасида мамлакатда фаровонлик юз беради. Халойиқ Искандарнинг оқил, тadbиркор шоҳ эканига ишонади ва ундан миннатдор бўлади.

Олимлар тор мутахассислар бўлибгина қолмай, балки давлат ва жамият ишларига фаол қатнашувчи комил инсонлардир. Улар Искандарнинг илму ҳунарни мукамал эгаллагани ва ўз камолоти устида астойдил саъй-ҳаракат қилганини барчага ибрат қилиб кўрсатадилар. Халқ бу соҳада унга эргашади. Бу ҳодиса барчанинг дунё иллатларидан покланиб, комил инсонлар бўлиб етишуви ва комил жамият барпо этилишига олиб келади.

Искандар ер юзидаги халқларни Одам атонинг авлодлари деб билади, бинобарин, давлат бошлиқларига улар бир одил ҳукмдорга бўйсунганларида, дунёда қонли урушлар тугаб, давлат ва жамият жадал ривожланишини тушунтиради ва ўзига бўйсунилларини таклиф қилади. Аввал кўпчилик, сўнгра барча давлат бошлиқлари унинг таклифини қабул қиладилар. Искандарнинг одил сиёсати туфайли нафақат ўз мамлакатида, балки бутун оламда тинчилик ва фаровонлик, орзу истаклар ва инсофу адолат қарор топади. Одамлар илму ҳунарни мукамал эгаллаб, ўз камолотлари устида саъй-ҳаракат қиладилар. Натижада бутун дунёда буюк, фозил, комил давлату жамият барпо этилади. Бу эса Навоийнинг бош мақсад ва ғоясидир.

Инсон поклигига эътибор қилган Искандар мол-дунёга ҳирс қўйишни энг ёмон иллатлардан деб билади. Бинобарин, вафотидан олдин — дунёдан ўтганимда, икки қўлимни тобутдан чиқариб қўйинглар, — деб васият қилади. Бу билан у мол-дунёга ҳирс қўйган одамларга, «Мен бутун дунёни эгалладим. Бироқ ҳеч нимани олиб кетаётганим йўқ. Сизлар йиққан

бойликлар ҳам бир куни қолиб кетади. Бинобарин, ҳаётликларингизда муҳтожларга ёрдам бериб, хайрли ишлар билан ном чиқаринглар, шунинг ўзи катта бахт», демоқчи бўлади.

Искандар хотин-қизларнинг давлат ва жамиятдаги мавқеига алоҳида эътибор қилган. Оқил ва комил шоҳ хотин-қизларнинг маънавий ва жисмоний камолотлари учун шароит яратилганда, улар энг қийин ва жуда мураккаб ишларни ҳам бажара оладилар деб ҳисоблайди. Шунга биноан Искандар вафот этгач, тахтга унинг ҳар жиҳатдан комила онаси Бону ўтиради ва буюк давлатни муваффақиятли бошқаради. Шунингдек, хитойлик ботир, гўзал аёл — Лўбати Чин яккама-якка жангда мардларни ваҳимага солган душман устидан ғалаба қозонади ва ҳоказо. Хуллас, Навоий «Садди Искандарий» дostonида оламда тинчлик, биродарлик, халқлар дўстлигига асосланган буюк, комил давлат ва жамият қуриш ғоясини тарғиб этади. Бундай улўф мақсад шоирнинг фақат бир асариди, Искандар сиймосида эмас, балки бутун ижодида ранг-баранг тим-солларда, ҳатто:

Олам аҳли. билингизким, иш эмас душманлиғ,  
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш, —

фардида ҳам ўз бадиий ифодасини топган.

Навоий Ҳусайн Бойқарони Хуросонда олимлар кўмагида буюк ва комил давлат қуришга қодир ҳукмдор деб биледи ва унинг фазилатлари ҳақида бутун ижодида, жумладан, лирик шеърларида ҳам бот-бот фикр юритади. Шоир уни Тангри-нинг азалий муроди, султонлар гавҳари, шоҳлар шоҳи, саодат ахтари (бахт юлдузи), сийрати дарвеш, сурати шоҳ, деб таърифлайди:

Қайси шоҳ улким, азалдин ҳаққа ул эрмиш мурод,  
Халқ қилмоққа салотин гавҳарининг хилқатин.

Шоҳ Абулғозий саодат ахтари Султон Ҳусайн  
Ким, қуёшни зарра дер кўрган сипеҳри ҳашматин.

Шоҳлар шоҳи демай, ул шоҳларнинг шоҳиким,  
Ҳар бири юз шоҳлар шоҳича тутқай мукнатин.

Шоҳлар дарवेशию дарвешлар шоҳики, ҳақ  
Шоҳ қилди сувратин, дарвеш қилди сийратин.

Энди Навоийнинг мазкур узун таърифини қисқача шарҳлайлик. Тангрининг Ҳусайн Бойқарони шоҳлар шоҳи, бахт юлдузи, деб аташидан кўзлаган муроди унинг аввал Хуросонда, сўнгра бошқа мамлакатларда поклик ва фазлу камолга асосланган янги давлат ва жамият қуриши бўлган.

Шоир фарзандлари кўмагида амалга ошираётган комил давлат ва жамият қуришдек умумий иш учун душманлар фитнаси билан ночор «девоनावу расвойи олам» бўлганига ачинади ва фарзандига зорланиб шундай дейди:

Ложарам девонаву расвойи олам бўлғамен,  
Чун тушуптур, эй парийпайкар, сенинг бирла ишим.

Шоир «сенинг бирла ишим» деганида, халифаю мусоҳибларининг теран билими, хуш ахлоқ-одоби ва ёқимли нутқи билан тариқат мактабу мадрасаларининг афзаллигини намоёйиш этиши ва ўқишга кирувчи толибларнинг кўпайишига ёрдам беришини назарда тутди. Куйидаги ғазалда ҳам шу ҳақда баҳс юритилади:

Йўқки ул кўз қародур хуснунг аро, эй қарокўз<sup>28</sup>  
Ким, қошинг дағи эрур асру қаро, эй қарокўз.

Гар кўнгулларни жалойи ватан истар бўлсанг,  
Еш тутунларнию зулфунгни таро, эй қарокўз.

Қаро наргис кўзу гул юз била гар сен кеби йўқ,  
Булбуле мен киби йўқ нағмасаро, эй қарокўз.

Кўзларинг захм агар қилмади, ҳар кирпик ила,  
Бас, недур кўнглума юз ерда яро, эй қарокўз!

Менмену бир ярамас кўнглум, анинг қатли учун  
Кўз қаро қилма, бир ишимга яро, эй қарокўз!

Гоҳ фақр аҳлига ҳам раҳм кўзи бирлан боқ  
Ким, дуогўюнг эрурлар фуқаро, эй қарокўз.



Сен Навоийга вафо айламасанг, бор ўлсун  
Шоҳ Абулғозий ибн Бойқаро, эй қарокўз.

Беҳзод чизган суратлар ва Навоий сўзларига кўра, ўз асрининг тариқатга кирган ёшлари узун бурама соч ва гажакдор зулф кўйганлар. Бурама соч ва гажакдор зулф тариқат аҳли бирлиги ва Аллоҳу Ватанга садоқат билан хизмат қилиш рамзи ҳисобланган. Бинобарин, муршид Навоий шогирдини «агар дил аҳлининг Ватанни тарк этиб кетишларини истасанг, ўз аҳдингга хиёнат қилиб, еч тугунларнию зулфингни тара, эй қарокўз», деб огоҳлантиради. Шундан сўнг шоир фарзандининг ёшларни комил инсонлар қилиб тарбиялашдаги хизматларини назарда тутиб, менга ғазаб билан боқмаю, «бир ишимга яро», деб илтижо қилади. Шоир «фақр аҳли», «фуқаро» деганида, фозил, комил давлат ва жамият қуришга фаол қатнашган тариқат аҳлини назарда тутди ва фарзандини уларга садоқат билан хизмат қилишга ундайди. Агар сен «Навоийга вафо»сизлик қилиб кетиб қолсанг, на чора? «Шоҳ Абулғозий ибн Бойқаро», «бор ўлсун!», зеро, у фозил, комил давлат ва жамият қуриш ишига садоқат билан хизмат қилмоқда, дейди.

Навоий Хуросонда бундай давлат ва жамият қуриш жараёнида маслакдош дўстлари ва қобилиятли шогирдларини юқори давлат лавозимларига кўтаради. Унинг шогирдлари Ҳожа Шихобиддин Убайдулло, Султон Ҳусайн Хатмий ва дўсти Шайхим Сухайлийнинг амирлик, Ҳожи Муҳаммадни надимлик лавозимига тавсия этиши шундан далолат беради. Шу жиҳатдан «Лисон ут-тайр»га киритилган қуйидаги ҳикоят диққатга сазовордир:

Бор эди шахсе Арастуға мурид,  
Ҳалқаи дарсида ул эрди муъид.

Айлабон они ҳақими аржуманд,  
Жумлаи шогирдлар ичра писанд.

Анга махфий илмларни ойтибон,  
Тифл экондин оллида улғайтибон.

Тўрт юз ҳикмат элидин аълам ул,  
Барчадин ортуқ, Арастудин кам ул.

Кўнглида мундоқ хаёл айлаб ҳаким  
Ким, Скандарга они қилгай надим

Ким, ўзи бир сориким қилса хиром,  
Бўлгай ул фарзанддек қойим мақом.

Ҳикмат ичра нуктаи мавзун била,  
Сўзе дегай мажлисда Афлотун била.

Ҳикоятда ёзилишича, Арасту «ҳакими аржуманд», яъни азиз ва ғоятда донишманд деб атаган энг доно шогирдини Искандарга надимликка тавсия этади. Бироқ, у бир қизни севиб узоқларга кетиб қолади. «Лисон ут-тайр»даги бошқа бир тамсилда Ҳожи Муҳаммаднинг бир қизни севиб узоқларга кетиб қолгани, машғулотларга қатнашмай қўйгани ҳикоя қилинади. Бундан «ҳакими аржуманд»нинг ҳаётий тимсоли Ҳожи Муҳаммад экани аён бўлади. Рус шарқшуноси Е.Бертельс «Навои и Аттар» китобида мазкур ҳикоятни келтирар экан, унинг манбаини аниқлаёлмаганини эслатади. Бизнингча, Навоий ўз ҳикоятида Арасту орқали ўзини, Скандар орқали Ҳусайн Бойқарони, «ҳакими аржуманд» орқали мусоҳиб шогирди Ҳожи Муҳаммадни назарда тутган ва уни Ҳусайн Бойқарога надимликка, яъни яқин маслаҳатчи — мусоҳиб сифатида тавсия этган.

Хуллас, Навоий шоҳ бошчилигида эл-юртга садоқатли тadbиркор фозил олимлар бошқарадиган давлатни, илму ҳунарни мукамал эгаллаган, ҳар томондан баркамол инсонлардан ташкил топган жамиятни, комил жамият деб тушунади ва ижодида уни кенг тарғиб этиб, ҳаётда уни Ҳусайн Бойқаро, ёру дўстлари, илму фан аҳли ва шогирдлари кўмагида амалга оширишга муваффақ бўлади.

## УШАЛГАН ВА УШАЛМАГАН ОРЗУЛАР

Ниҳоят буюк даҳо Мир Алишер Навоий юксак ҳаётий ва ижодий мақсадига эришади — Хуросонда янги давлат ва жамият барпо этилади.

Бобур Ҳусайн Бойқаро замонида Хуросонда юз берган бундай ўзгаришлардан ҳайратга тушади ва бу ҳақда «Бобурнома»да шундай ёзади: «Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ажаб

замоне эди; аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳирот шаҳри мамлу эди; ҳар кишиниким, бир ишга машғул-лилиғи бор эди, ҳиммати ва ғарази ул эрдиким, ул ишни камолга текургай» (Султон Ҳусайн Мирзониинг замони ажаб бир замона эди; Хуросон, айниқса, Ҳирот комил илму фан аҳли ва истеъдодли етук одамлар билан тўла эди, бир иш, бир касб билан шуғулланган кишининг мақсад ва интилиши уни камолга етказиш эди).

Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро бошчилигида барпо этилган янги давлат ва жамият ҳақида «Муҳокамат ул-луғатайн»-да ифтихор билан ёзади: «Ва ўттуз йилдин ортуқ ва қирқ йилга яқиндурким, Хуросон мулкиким, фазлу камол аҳлига олам мамоликининг Мисри муаззами ва саводи аъзамидур». Миср қадим замонлардан дунёнинг буюк муқаддас маърифатли мамлакати сифатида кенг шухрат қозонган. Навоий Хуросонни ҳам ўшандай, балки ундан юксакроқ мавқега кўтарилган комил давлат ва муқаддас ер, деб билади. Хуросонни фозил ва комил инсонлар давлату жамиятига айлантириш билан чекланмай, уни «етти иқтиму етти афлокка», яъни еру кўкка ибрат қилиб кўрсатиш ҳақида ҳам ўйлайди:

Халққа зеби торак айла ани,  
Ўқуғонга муборак айла ани.

Етти афлокни анга ёр эт,  
Етти иқлимни анга харидор эт.

Навоий умрининг охирида ҳаётига яқун ясаб, машаққатлар билан бўлса-да, барча муроду мақсадига етганини мамнуният билан қайд этади: «...биҳамдиллоҳ, андек муродлар касб эттимким, менинг абнойи жинсимнинг юзидин бирига муяссар бўлмайду... Умрлар водийсининг кўпрагин... муродлар била қатъ этибмен ва ҳаётнинг ниҳоятига комлар, балки комронлиқлар билан етибмен. Ҳеч турлуқ армон хотиримда қолмайду ва ҳеч нав орзу кўнглумда сингонин хаёлим тополмайду».

Аллома улуғ мақсадга эришиш йўлида жуда кўп тўсиқларга дуч келади.

Ғаҳ топдим фалакдин нотавонлиғ,  
Ғаҳ кўрдим замондин комронлиғ,

Басе иссиғ, совуғ кўрдум замонда,  
Басе аччиғ, чучук тоттим жаҳонда.

Нуфузли қора кучлар Ҳусайн Бойқаро замонида ҳам душманликни давом эттирадилар. Навоий ўзи чизган «Занжирбанд шер» суратида кишанларни парчалаб, ғалаба қозонишига ишонган қудратли инсоннинг салобатли, ўйчан сиймосини яратган. Жафокаш шоир ўз ижодининг бузиб талқин этилиши ва камситилишига ҳам асло рози эмаслигини билдиради: «Умидим улдур ва хаёлимға андоқ келурким, сўзум мартабаси авждин қуйи инмагай ва бу тартибим кавкабаси аъло даражадин ўзга ерни беганмагай!»

Навоий юксак ижодий орзуси амалга ошганидан беҳад севинади. Келгуси авлодлар буни асарларимдан ўқурлар ва мени эсларлар, деб умид қилади:

Токи Навоий чекти рақам иштиёқи ёр,  
Шоядки бўлғай бир куни элга ҳикоятим, —

У янги давлат ва жамият қуриш ҳақида асарлар ёзиш билан чекланмай, уни Ҳусайн Бойқаро ва тариқат-маърифат аҳли кўмагида рўёбга чиқарган беназир давлат арбоби ҳамдир. Шунга кўра биз улуғ шоирни нафақат шеърят, балки башарият даҳоси деб аташга ва у билан фахрланишга ҳақлимиз.

Аллоҳга беҳад ҳамду сано ва шукроналар айтамызки, мустақиллик туфайли ҳур Ўзбекистонимизда Навоийни англаш ва тарғиб этиш давлат сиёсати мақомига кўтарилди. Улуғ даҳонинг ҳаёт синовидан ўтган бебаҳо дунёқараши аввало, фозил, комил давлат ва жамият қуриш ғояси миллий мафкурамизнинг таркибий қисмига айланди. Холисанлиллоҳ айтганда, Юртбошимизнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари, Ватанизми мустақил деб эълон этиши, уни изчил ҳимоя қилиши, мураккаб муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиши, катта йиғинларда халқлар бахти, тинчлигини ўйлаб, оламшумул муаммоларни кўтариб чиқиши, жумладан, 2010 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг сессиясидаги нутқида учинчи минг йилликда дунёда ягона комил давлат ва жамият қуриш ғоясини олға суриши юксак таҳсинга сазовордир. Шунингдек, бобокалонимиздан ибрат олиб, Ватаннинг обод, гўзал бўлиши ва ёш авлоднинг комил инсонлар бўлиб этилишига

алоҳида эътибор қилинди. Ана шу эзгу ниятларнинг самараси ўлароқ, мамлакатда кўплаб кенг, равон йўллар, шинам бинолар, сўлим боғу чаманлар, жумладан, Навоий боғи бунёд этилди, қадамжойлар таъмирланди. Тарихий ёдгорликлар янгича жило ва жозиба касб этди. Шаҳардан узоқ туманларда кўплаб замонавий бинолар барпо этилмоқда. Янги иш жойлари кўпайиб, замонавий мактабу боғча, қишлоқ врачлик пунктлари, касалхонаю дорихоналар, маиший хизмат уйлари ва растаю бозорлар қад кўтармоқда. Аҳолини тоза ичимлик суви, газ ва электр қуввати билан таъминлаш ишлари жадаллашган. Президентимиз раҳнамолигида ёшларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш миллий дастурининг ишлаб чиқиши, шу асосда қатор ўрта махсус ва олий ўқув юртарининг барпо этилиши, замонавий фан ва технологияни мукаммал эгаллаган ёшларнинг йил сайин кўпайиши ва уларнинг буюк давлат ва жамият сари шахдам қадамлар билан олға бориши Навоий бобомизнинг илғор ғоялари ва орзу-умидлари мустақил Ўзбекистонимизда рўёбга чиқа бошлаганидан далолатдир.

Шоир асарларида кўтарилган муҳим ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий масалалар бугун ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Айрим чет эллик тадқиқотчилар дунёда мукаммал давлат ва жамият қуриш ҳақидаги ишларининг муҳим манбаи сифатида Навоий асарларига мурожаат қилмоқдалар. Канадалик олим Дин Рикнинг Тошкентга келиши, «Лисон ут-тайр»ни инглиз тилига таржима қилиб, нашр эттириши ва «Садди Искандарий» таржимаси устида иш бошлаши шундан далолат беради. Улуғ мутафаккир бутун ижодида, хусусан, «Садди Искандарий»да оқил ва одил шоҳ бошчилигида замондошларини комил инсонлар қилиб тарбиялаш орқали аввал бир мамлакатда, сўнгра бутун дунёда буюк давлат қуриш мумкин, деган ғояни олға суради. Шу тарзда, алломанинг бебаҳо мероси XXI аср талаблари асосида нафақат Шарқ, балки бутун дунё бўйлаб парвоз қилмоқда ва ўзига жалб этмоқда. Халқаро ва давлатлараро дўстона муносабатлар ҳамда маданий-адабий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Умуман айтганда, улуғ шеърят ва башарият даҳоси Алишер Навоийнинг маънавиятимиз, маърифатимиз, санъатимиз, жамиятимиз ва давлатимиз ривожига қўшган ҳиссаси бебаҳо, умумбашарий ва халқаро аҳамияти беқиёсдир.

Рисоламиз поёнида азиз китобхонларга ўз узримни изҳор қилишни ҳам лозим топдим. Ушбу рисола устида иш бошлаганимда кўзлари ожизланиб қолди. Бироқ, Аллоҳнинг марҳамати, Навоий руҳининг мадади билан ишни баҳоли қудрат ёзиб тугатдим. Манбаларни ўқиб эшиттириш ва қорамаларни оққа кўчиришда фарзандларимнинг хизмати катта бўлди. Бундай шароитда яратилган ўта жиддий ва мураккаб ишда айрим камчилик ва мунозарали ўринларнинг бўлиши табиий, албатта. Бунинг учун қадрли китобхонлар каминани маъзур тутар ва матбуотда рисолага оид фикр-мулоҳазаларини билдирурлар, деган умиддаман.

## ЛУҒАТ ВА ИЗОҲЛАР

1. **Пайки сабо** – тонг элчиси, хабарчиси.
2. **Гульзур** – гул юзли.
3. **Мужаррад** – бўйдоқ, уйланмаган.
4. **Тажрид** – яккаланиш, уйланмаслик.
5. Навоий болалигида Фариддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарини ихлос билан ўқиган бўлса-да, кейинчалик икки ўртада нафақат дунёқараш, балки бадиий усул жиҳатидан ҳам жиддий фарқлар борлигини аниқлайди. Бинобарин, уни ишқни тараннум этувчи сиддиқлар (Аллоҳга садоқатли шоирлар), ўзини эса хоелар (Тангрига яқин шоирлар) табақасига мансуб деб билади.
6. **Худҳуд** – сассиқпопишак.
7. **Шайх ила шоб** – қарию ёш.
8. **Ҳақойиқ** – сўфийликда Худога етишганлар; илоҳиёт фани.
9. **Дилфиреб** – жозибали.
10. «**Фусус**» – Ибн ал-Арабийнинг мураккаб фалсафий услубда ёзилган «Фусус ал-ҳикам» асари.
11. **Мулозамат** – хизмат.
12. **Сидот** – сайидлик, пайғамбар авлодига мансублик.
13. **Мунфарид** – якка, ягона.
14. **Кунтидонлиг** – якка кураш тушувчилик, полвонлик.
15. **Аҳли туруқ** – тариқатлар, маслаклар аҳли, сўфийлик маслакларидagi кишилар. Тариқат – ҳақиқатни (Аллоҳни) мистик ёхуд аскетик билиш ва камол топиб, Тангрига етишиш усули, йўлидир.

Тасаввуфда ахлоқий покликнинг фалсафий донолик билан қўшилгани унинг етакчи хусусиятидир.

Сўфийларнинг гуманистик қарашлари ўз даврининг олиму шоирлари ижодига самарали таъсир қилди. Уларнинг анъаналарини кейинги асрларнинг улуғ сиймолари муносиб давом эттирдилар. Чунончи, Алишер Навоий илк мутасаввуфларнинг Тангри олами одам учун яратди, бинобарин, уни беғараз, иштиёқ билан севиш керак, деган гояларини давом эттирди.

IX асрда тасаввуф кенг тарқалади ва турли давлатларда сўфийлик мактаблари очилади. Бу мактабларнинг олимлари тасаввуфнинг муҳим назарий ва амалий масалаларини, жумладан, унинг турли мақом-босқичларини, сўфийнинг турли босқичлардаги руҳий ҳолатини чуқур ва кенг ишлаб чиқадилар. Тасаввуф ҳақидаги билимларнинг системалаштирилиши, сўфийлик атамаларининг ишлаб чиқилиши муаллифларнинг катта ютуғи бўлди.

XII-XIII асрларда тасаввуф, муайян доираларнинг қаршилигига қарамай, мусулмон жамияти маънавий ҳаётининг таркибий қисмига айланади. Тасаввуф ғояларининг кенг ва ошкора ёйилишида ислом оламида «Хужжат ул-ислом» лақабини олган энг мўътабар илоҳиётшунос олимлардан файласуф, фақиҳ Муҳаммад Фаззолийнинг (1058–1111) хизматлари катта бўлди. У мутассавуфлар диннинг маъно ва моҳиятини чуқур англаганликларини, унинг ахлоқ-одоб қоидаларини теран ишлаганликларини, жамият аъзоларини ахлоқий камолот руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшганликларини эътироф этди.

Яссавия тариқатининг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий «Девони ҳикмат»нинг «Фақирнома»сида ёзишича, мурид (дарвеш, фақир, сўфий) Тангрининг висолига етиши учун мурид (пир, шайх) раҳбарлигида тўрт босқичдан ўтиши лозим: 1. Шариат. Бунда мурид шариат талабларини бажариши керак. 2. Тариқат. Бунда у ўз шахсий истаklarидан кечиб, пирнинг талабларини бажо келтириши шарт. 3. Маърифат. Бунда фақир Худонинг коинотда мужассамлашганини, оламу Илоҳ бирликда эканини ақл билан эмас, қалб билан англаши керак. 4. Ҳақиқат. Бунда уч босқичдан муваффақиятли ўтган дарвешнинг бирдан-бир мақсад ва орзуси мутлақ руҳдан ажралиб чиққан инсон руҳининг аслига қайтиши ва унга қўшилиб яшашидир. Навоий ўзини Нақшбандияга мансуб деб билса-да, барча тариқатлардан инсон камолоти ва жамият тараққиётига мос томонларини олиб, беназир дунёқарашини янада бойитади.

16. **Иттиҳод** – бирлаштирувчи, умумий томонлар.

17. **Байт ул-аҳзон** – ғамхона, ғам уйи.

18. **Боғи жиннон** – жаннатлар боғи.

19. **Оли або** – Муҳаммад (с. а. в.) ва унинг оила аъзолари: Ҳазрат Али, Биби Фотима, имом Ҳасан ва имом Ҳусайн.

20. **Тунд** – саркаш, бош бермайдиган.

21. **Бедод** – жабру зулм.

22. **Махлас** – қутулиш, халос бўлиш.

23. **Жаду аб** – ота-бобо.

24. **Инфиол** – хижолат, уялиш.

25. **Мужрим** – гуноҳкор, айбдор.

26. **Фигор этган** – жароҳатланган, яраланган.

27. **Тааддипеша** – шафқатсиз, ситамгар, жафокор.

28. Навоий асарлари 20 жилдлигининг 3-китобида «Эй қароқўз» радифли ғазал таркибидаги барча «қаро» сўзлари ва «яро» матнга хилоф равишда «қора», «яра» тарзида берилган. Матнни замонга мослаштириш майли шоир асарларининг бошқа жилдларида ҳам учрайди.



---

## МУНДАРИЖА

<i>Султонмурод Олим</i> . Иштиёқи ёр .....	3
Энг қийин, жуда мураккаб масала .....	4
Улуғ раҳнамо, муқаддас давлат ва жамият .....	13
Ёр – меҳрибон Аллоҳ ва тариқат аҳли .....	39
Йигитлар меҳру вафоси ва фарзандлар фироку иштиёқи .....	67
Улуғ муҳаббат тароналари .....	98
Бул ажаб олам жилolari .....	107
Ушалтан ва ушалмаган орзулар .....	112
Лутат ва изоҳлар .....	117

5300

*Илмий-оммабон нашр*

**Муҳаммадҷон Маҳмуд  
ЯНА НАВОИЙНИ ҶҶИБ**

*Навоийшуносликда ёр муаммоси*

Муҳаррир *И. Зойир*  
Бадий муҳаррир *А. Баҳромов*  
Техник муҳаррир *Т. Смирнова*  
Мусаҳҳиҳ *Ф. Ортиқова*  
Компьютерда саҳифаловчи *У. Валижонова*

Нашр. лиц. №154. 14.08.09. Босишга 18.11.10 й. да рухсат этилди.

Бичими 60x90  $\frac{1}{16}$  Таймс гарнитураси. Офсет босма.

7,5 шартли босма тобоқ. 6,72 нашр тобоғи. Адади 1000 нусха.

621 рақамли буюртма. 128–2011 рақамли шартнома.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.  
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

Бизнинг интернет манзилими: [www.iptdgulom.uz](http://www.iptdgulom.uz)

E-mail: [iptdgulom@sarkor.uz](mailto:iptdgulom@sarkor.uz)





*Муҳаммаджон Мақмур  
1916 йилда туғилган. Филология  
фанлари номзоди. Унинг Алишер  
Навоий, Мирий, Шавқий, Хиро-  
мий, Вола, Мадюн, Ажзий, Ноқис,  
Вафойй, Ҳакима, Мутриба, Бек-  
тош каби шоир ва шoirалар ҳаё-  
ти ва ижоди ҳақида рисола ҳамда  
мақолалари чоп этилган.*

*У меҳнат фихрийси, "Ўзбе-  
кистонда хизмат кўрсатган халқ  
таълими ходими" ва "Шуҳрат"  
медали соҳиби.*



ISBN 978-9943-03-397



9789943 033979